

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**
Гидромелиорация факультети

Кафедра: "Экология ва сув ресурсларини бошқариш"
Эгамбердиев Н.Б., Абдуқодирова М.Н.

5630200 “Сув хўжалигида экология хавфсизлиги” бакалавр йўналишлари
учун **МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ** фанидан
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2020 й

УДК

ISBN-5-94492-218-0

Ушбу ўқув қўлланма 5630200 “Сув хўжалигида экология хавфсизлиги” бакалавр йўналишлари таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: т.ф.д. профессор Эгамбердиев Н.Б.
доцент Абдуқодирова М.Н.

Такризчилар: ТДАУ профессор б.ф.д. Салихов С.А.
ТИҚХММИ профессор т.ф.д. Серикбаев Б.С.

Маъсул редактор: техника фанлари номзоди доцент Каримов А.Х.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти 2020 йил

Мундарижа

1. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими. Сув хўжалиги ва экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизим.	5
2. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, тарихи, ҳозирги ҳолати.	13
3. Ахборот ресурс маркази.	17
4. Адабиёт манбаларини танлови.	21
5. Реферат, топшириқ, мустақил иш, битирув малакавий ишларини тайёрлаш.	23
6. Рейтинг тизими ва баҳолаш мезонлари.	29
7. Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълим тизими.	34
8. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.	42
9. Ўзбекистон Экология ва атроф муҳофазаси қўмита структураси ва уни фаолияти.	44
10. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш.	46
11. Энергетика, автотранспорт, саноат тармоқлари ва бошқа соҳа корхоналарда атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш.	60
12. Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида.	68
13. Нодавлат, нотижорат ва бошқа жамоат.	74
14. Ҳалқаро экологик ташкилотлар.	76
15. Экологик фанлар мажмуи.	81
16. Экологик экспертиза, экологик ҳуқуқ.	85
17. Иловалар	

Кириш

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейин экология ва табиатни муҳофаза этиш масаласига жиддий эътибор берилди. Сув ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида табиатни ҳолатини ва унга нисбатан иш фаолиятида кўрсатиладиган таъсирларни оқибатларини баҳолай оладиган ва унинг учун жавобгарлик масъулиятини сеза оладиган; асосий экологик қонунларни, тамойилларни ва қоидаларини билиш билан бир қаторда улардан ўринли фойдалана оладиган кўникмаларга эга мутахассисларни етиштириш долзарб масалаларнинг бирига айланди. Мутахассисликка кириш фани замонавий мутахассисларга табиатга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятларнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услубини билиш ва уни қўллаш олиш, табиатга кўрсатиладиган салбий таъсирлар оқибатларини бартараф қилиш, камайтириш ёки уларни олдини олиш тадбирлари мажмуасини асослаш ва тадбиқ қилишни билиш, шунингдек иқтисодий самарадор ва экологик безарар, хавфсиз технологик ечимлар вариантларини танлаш услубларини билиш ва фойдаланиш тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш учун хизмат қилади.

“Мутахассисликка кириш” фанини ўрганишдан мақсад, талабаларга табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини бериш, табиатни муҳофаза қилишни тўғри ташкил қилувчи соҳа эгалари, яъни мутахассислар бўлиб етишиши, инсон фаолияти, ҳаётида асосий ўринни эгалловчи атроф муҳит муҳофазаси учун зарур бўлган инсон онги, яъни экологик онг, мафқурани тарбия орқали сингдиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

1-Мавзу: Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими. Сув хўжалиги ва экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими.

Режа:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари.
2. ТИҚХММИ ни олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қўшган ҳиссаси.
3. Экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими.
4. Сув хўжалиги ва экология соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари.
5. ТИҚХММИ га бириктирилган ўқув юртлар фаолияти.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётнинг демократик-ҳуқуқий, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Иқтисодий, маънавий, маданий-маърифий, халқ таълими соҳаларида ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнлари босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлатимиз истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш ишларининг самарадорлиги юқори малакали, юксак маънавиятли, ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантириш муаммоси билан узвий боғлиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ҳақидаги ва бошқа қарорлар ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бу ҳужжатларда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва муаммолар кўрсатилган. Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимида, ўқув-тарбия соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма -босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари юқорида тилга олинган давлат ҳужжатларида белгилаб берилган. Шунини таъкидлаш лозимки, кадрлар тайёрлашни янгилаш вазифаларини мавжуд ўқитиш усулларини педагогик технология асосида қайта ташкил этиш, аудиторияларда, синфда, дарсда, дарсдан ташқари ўқув - тарбиявий ишларни бажаришга киришгандаёқ педагогик жараённинг натижасини кафолатлайдиган қилиб лойиҳалаш ва амалга ошириш йўли билангина бажариш мумкин.

Қуйида Миллий дастурнинг шарҳида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифаларини санаб ўтилган:

- Давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизминини ишлаб чиқариш.
- Ихтисослар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабаларнинг истиқболини аниқлаш.

- Таълим тизимини тузиш ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш.
- Ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш.
- Кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчиларни корхоналар, муассасалар, фирмалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тизимларнинг имкониятлари, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари ва Олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгрок фойдаланиш.

- Кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларнинг маблағларини жалб этиш.

Юқорида айтиб ўтилгандек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий мақсади узликсиз таълим тизимини ривожлантириш бўлиб, у ижодий фикрловчи, тафаккурли шахснинг юзага келиши ва барча соҳаларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим кафолат сифатида ахамиятлидир.

ТИҚХММИни олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қўшган ҳиссаси.

Таълим-тарбияни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан олий таълим муассасаларининг ҳам моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-лаборатория биноларини капитал таъмирлаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда барча зарурий шароитларни яратиш долзарб масалалардан биридир шуларни назарда тутиб, 2010-йилдан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўқув-лаборатория биноларини капитал таъмирлаш, замонавий воситалар билан жиҳозлаш ҳамда ўқув жараёнига ахборот-технологияларни жорий этиш бўйича капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Ҳозирда институтнинг 4 та ўқув ҳамда 2 та тажриба бинолари ва 3 та талабалар ҳамда Ахборот ресурс маркази шу билан биргаликда талабалар ошхонаси ташкил этилиб тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Ҳозирги кунда институтда жами 7 та факультет мавжуд бўлиб 2019-2020 ўқув йилида жами 22 та таълим йўналишида талабалар таълим олмақдалар. Факультетларга назар ташлар эканмиз, биринчилардан бўлиб ташкил этилган.

1. Гидромелиорация факультети, факультетда ҳозирги кунда 6 та таълим йўналиши мавжуд бўлиб, буларга 5450200 - Сув хўжалиги ва мелиорация, 5111000 - Касб таълими (сув хўжалигида), 5450500-Мелиоратив гидрогеология, 5141100- Гидрология (сув омборларида), 5450700-Сув таъминоти муҳандислик тизимлари, 5450800-Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш каби йўналишларда талабалар таълим олмақдалар.

2. Гидротехника қурилиши факультетида эса қўйидаги 5 та йўналишлар, яъни 5450400 - Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш, 5450600 Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари, 5111000 - Касб таълими: Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан

фойдаланиш, 5340700 -Гидротехника қурилиши (суб хўжалигида), 5450100 - Ирригация тармоқлари суб энергиясидан фойдаланиш таълим йўналишларидан иборат.

3. Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультетида 3 та йўналишлар, яъни 5640200 –Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, 5450300 - Суб хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, 5640100 – Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги каби йўналишлардан иборат.

4. Ер ресурсларини бошқариш факультетида 3 та, яъни 5410700 – Ер тузиш ва ер кадастри, 5111000 - Касб таълими: Ер тузиш ва ер кадастри, 5311500 - Геодезия, картография ва кадастр (суб хўжалигида).

5. Суб хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетида ҳам 3 та, 5232200-Суб хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, 5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (суб хўжалигида), 5630200-Суб хўжалигида экология хавфсизлиги каби йўналишлардан иборат.

6. Қишлоқ ва суб хўжалиги энергия таъминоти факультетида 6 та, яъни 5430200– Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, 5111000-Касб таълими, 5310200 – Электр энергетикаси (суб хўжалигида), 5313200– Техника ва технологияларнинг техник экспертизаси ва маркетинги (Электр ва электрон техникалар), 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (суб хўжалигида), 5430500– Қишлоқ ва суб хўжалигида энергия таъминоти каби йўналишлардан иборат.

7. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетида 3 та, яъни 5111020–Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш), 5430100–Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, 5430300– Қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалари техник сервиси каби йўналишлардан иборат.

Сўнги йилларда институт олимлари томонидан яратилган ўқув услубий қўлланмалар республика миқёсида эътироф этиб, профессор-ўқитувчиларимиз I, II, III даражали дипломлар билан тақдирланмоқдалар.

Институт Тошкент Давлат аграр университетининг “Аграр илм” “Экологик хабарномаси” номли журналининг ҳам таъсисчисидир. Шунингдек институтда суб ресурслари ахборот таҳлил хизмати томонидан мунтазам равишда ҳар ойда “Ахборот дайджест” нашр этилиши ташкил этилган. Ундан ташқари институт қошида соҳа йўналишлари бўйича “Ирригатор” номли газета нашр этилиши йўлга қўйилган.

Институтда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар учун мўлжалланган катта 500 ўринли замонавий талабалар ошхонаси янгидан қуриб битирилди. Ошхона кенг ва шинам, шунингдек замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ёзда овқатланиш учун мўлжалланган майдонча ва иссиқ нон учун новвойхона ҳам мавжуд. Ҳозирда институтнинг барча тадбирлари ва байрам кечалари шу ерда ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ёшларимизга берилаётган таълим – тарбиянинг моҳияти миллатимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган маданий-тарихий анъаналари ва урф-одатлари, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик

идеалларига содиқлик, ўзлигини намоён этиш хусусиятларига, бунёдкорлик салоҳиятларига асослангандир.

Талабаларимиз орасида кикбоксинг, дзю-до, каратэ спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё ва республика миқёсида ғолиблар ва совриндорлар мавжуд. Ёшларни соғлом турмуш тарзига интилиши яхшиланиб, уларни ташаббуси билан институт ва талабалар шаҳарчаси чекишдан ҳоли ҳудудга айлантирилиб, бу барча жамоа томонидан қўллаб-қувватланиб 2005 йилдан бошлаб муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда. Институт ҳудуди ва талабалар шаҳарчаси ободонлаштириш ва эстетик кўринишлари бўйича ҳавасга сазовор. Айни пайтда институт ҳудуди, ўқув бинолари ва талабалар шаҳарчаси ободонлаштирилиб, замон талабига жавоб берадиган даражада қайта таъмирдан чиқарилди ҳамда жиҳозланди, уларнинг эстетик кўринишлари кундан-кунга яхшиланмоқда. Ҳозирда институт талабаларидан институт тартиб-қоида-сига мос равишда кийинишлари (форма, галстук, бейджик) қаттиқ назорат остига олинган ҳамда қатъий талаб қилинмоқда.

Институтимизд олиб борилаётган маънавий – маърифий ишлар талаба ёшлар дунёқарашида жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг мазмун –моҳиятини янада теран англашга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Ўтказилаётган турли тадбирларда Республикаимизнинг кўплаб газета ва журналларининг вакиллари, кўзга кўринган жамоат арбоблари, таниқли инсонлар билан учрашувлар ташкил этилади. Булар талабаларимизда Ватанга муҳаббат, оилага, ота – онага ҳурмат, қадриятларимизга садоқат руҳини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Тарбиявий ишларнинг самарасини ошириш мақсадида факультет деканларига гуманитар фанлар кафедрасининг етакчи профессор-ўқитувчиларидан ёрдамчи-маслаҳатчилар тайинланган. Уларнинг ҳаракатлари кафедралар томонидан олиб бориладиган маънавий-ахлоқий ишларида “Ахборот соатлари” ва профессор-ўқитувчилар учун турли семинар-тренингларни ўтказишда намоён бўлмоқда.

Маданият саройи қошида 6 та ижодий йўналишдаги тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Мунтазам равишда “Балли қизлар”, “Қувноқлар ва зукколар”, “Келажак овози”, “Меҳр нури”, “Зулфия” номли ва шу каби кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Институтнинг бой спорт мажмуасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар спорт билан шуғулланишлари учун факультетлар бўйича спорт заллар жадвал асосида тақсимланган ва улар ўртасида турли спорт мусобақалари факультетлар ва босқичлараро мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Институтда ўтказилаётган турли танловлар ғолиблари шаҳар ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобининг мазмун -моҳияти бўйича ўтказилган кўрик-танловларда Тошкент шаҳар олий таълим муассасалари орасида институт талабалари 2-ўринни эгаллади, институтнинг “Все свои” жамоаси КВН ни Олий Лига танловида

иштирок этишди ва биринчиликни қўлга киритиб, Сочи шаҳрида бўлиб ўтган КВН фестивалида муваффақиятли қатнашишга мушарраф бўлишди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, институтда юртимиз сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, иқтидорли талабалар фаолиятини ривожлантириш, улардаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш ҳамда илмий ишланмаларнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими.

Академик лицей ва касб –хунар коллежлари ёшларга бир вақтда бир ва бир неча замонавий касб бериш билан бирга талабаларда экологик онгни ҳам шакллантириш имкониятига эга. Афсуски, ёшлар ўртасида бугунги кунда экологик онгни етарли даражада деб бўлмайди. Бунинг сабабларидан бири уларга самарали экологик таълим ва тарбия тизимининг йўлга қўйилмаганлигидир.

Авваламбор экология йўналишидаги таълим ва тарбия жараёнини самарали рўёбга чиқариш, шунингдек экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш кўп жиҳатдан мактабнинг ҳар бир ўқитувчиси, академик лицей ва касб хунар коллежи, олий мактаб муаллимининг янги педагогик технологиялардан фойдаланишининг умумий назарий ва амалий асосларини қай даражада эгаллаганлиги билан белгиланади. Экология ўқитиш методикасининг вазифаси талабаларга узлуксиз таълим тизими олдидаги мақсад ва вазифалар, ўқитиш методикасининг илмий-назарий масалалари, ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати, асосий муаммолари, таълим тарбия жараёнини замон талабларига мос равишда ташкил этиш ва бошқариш, экология дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари, ўқувчиларни асосий экологик ғоялар ва тушунчалар, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ижодий ва мустақил фикр юритишни таркиб топтириш, улар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш усуллари ҳақида билимлар бериш, талабаларни педагогик фаолият учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сув хўжалиги ва экология хавфсизлиги йўналишида ўқитиш методикаси курси бўйича етарли тажрибага эга эмасмиз. Шунинг учун хорижий мамлакатларда чоп этилаётган журналлар, методик қўлланмалардан кенгроқ фойдаланишни тақазо этади. Шу билан бирга республикамизда экологик таълим-тарбия соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам ўрганиш жараёнида ҳисобга олиниши керак.

Экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизимида ўқитиш талабаларни ўқув жараёнини ташкил этиш яъни дарсларни лойиҳалаш, унинг мазмунига хос ўқув жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрлаш, лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли асбоблар тайёрлаш, шунингдек ўқувчиларни мустақил билим олишини ташкил этиш, назорат ва баҳолаш каби кўникма ва малакаларни эгаллайди.

Экология курсини ўқитишда намунавий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва улардаги жиҳозланган кабинетлар, табиат кучоғи, музейлар, “биозкосан” ўқув услубий мажмуаси, ахборот технологиялари, ДТС, ўқув дастурлари, қўлланмалар катта ёрдам беради.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” юксак умумий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қадар кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, жамият турмушига мослашган, таълим дастурини онгли равишда пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда турган педагогик ғояни илгари суради.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов табиат кишиларни тарбиялашда ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, “Яшаш атроф муҳит, табиат ва маънавият экологияси бир – биридан ажралмасдир. Табиатда яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, кўпайтиради” деган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 9-декабрь 1992-йилда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонун қабул қилинди, унда табиатни муҳофаза қилиш асосларини ўқитиш мактаб ўқув дарсликлариининг тегишли бўлимларига киритилсин дейилган. Шу боис умумий ўрта таълим мактабларининг биология таълим концепцияси, биологик таълим стандартидаги мазмунини белгиловчи кўрсаткичлар ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси бўлган стандарт талабларида ҳам экология масаласига алоҳида эътибор берилгандир.

Табиатни муҳофаза қилиш масалалари мактаб ўқувчиларининг табиатга нисбатан экологик муносабатларини шакллантиришдан бошланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётнинг демократик-хусусий, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Иқтисодий, маънавий, маданий-маърифий, халқ таълими соҳаларида ислохотлар ва янгилашни жараёнлари босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлатимиз истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш ишларининг самарадорлиги юқори малакали, юксак маънавиятли, ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантириш муаммоси билан узвий боғлиқ.

Бу ҳужжатларда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва муаммолар кўрсатилган. Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимида, ўқув-тарбия соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма -босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари юқорида тилга олинган давлат ҳужжатларида белгилаб берилган. Шунини таъкидлаш лозимки, кадрлар тайёрлашни янгилаш вазифаларини мавжуд ўқитиш усуллариини педагогик технология асосида қайта ташкил этиш, аудиторияларда, синфда, дарсда, дарсдан ташқари ўқув -

тарбиявий ишларни бажаришга киришгандаёқ педагогик жараённинг натижасини кафолатлайдиган қилиб лойиҳалаш ва амалга ошириш йўли билангина бажариш мумкин.

Сув хўжалиги ва экология соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари. Қуйида Миллий дастурнинг шарҳини ҳисобга олган ҳолда сув хўжалиги ва экология соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари санаб ўтилган:

- Давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизминини ишлаб чиқариш.
- Ихтисослар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабаларнинг истиқболини аниқлаш.
- Таълим тизимини тузиш ва мазмун жиҳатдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш.
- Талабаларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш.

ТИҚХММИ га бириктирилган ўқув юртлар фаолияти.

Институтга бириктирилган Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг фаолиятлари қуйидагилардан иборат: -2011 йил 14 декабрда Ўрта Чирчиқ агросаноат ва автотраспорт касб-хунар коллежида институтнинг —Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчилари томонидан махсус фанлардан педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш бўйича ўқув -семинари ўтказилди. -2011 йил 22 декабрда Бўка агроиқтисодиёт касб-хунар коллежида махсус фан ўқитувчилари билан БМИ бажаришга оид ўқув-семинари ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йил 25 декабрда ўтказилган —Сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва мутахассисликлар малакасини ошириш ҳамда ўқув муассасалари билан сув хўжалиги ташкилотлари ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги йиғилиш баёни қарори, институт ректорининг 2012 йил 3 январдаги 1 А/Ф-сонли буйруғи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 февралдаги —Қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисидаги 01-03-10-7-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида институтнинг 2012 йил 1 мартдаги 112 А/Ф -сонли буйруғи асосида хизмат сафари ташкил этилди ва шу асосида сув хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 30 та касб-хунар коллежларига институт томонидан бириктирилган мутахассислик кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган —Ҳаракат дастури асосида 2012 йилдан ҳозирги қадар Гидромелиорация факультети

кафедра профессорлари томонидан очик дарслар ўтказилди ва расмийлаштирилди. Улар:

Тошкент вилояти бўйича:

Янгийул қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида

Хоразм вилояти бўйича:

Урганч политехника ва компьтер технологиялари касб-хунар коллежи, Богот қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида

Қашқадарё вилояти бўйича:

Шахрисабз агроиктисодиёт КХК, Қарши агробизнес ва тадбиркорлик КХК, Косон қишлоқ хўжалик КХК, Косон тумани мелиорация ва ирригация касб-хунар коллежларида

Андижон вилояти бўйича:

Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежларида, Шаҳрихон агросаноат касб-хунар коллежларида

Наманган вилояти бўйича:

Поп тумани қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежларида, Мингбулоқ —Жомашўй мелиорация ва қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида

Фарғона вилояти бўйича:

Қува агросаноат касб-хунар коллежларида, Данғара агросаноат касб-хунар коллежларида

Сурхандарё вилояти бўйича:

Бандихон мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар коллежларида, Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида

Самарқанд вилояти бўйича:

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежларида, Булунғур қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида

Жиззах вилояти бўйича:

Зомин информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежларида, Зарбдор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида

Сирдарё вилояти

Мирзаобод гидромелиорация касб-хунар коллежларида, Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежларида, Оқолтин ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежларида очик дарслар ўтказилди.

Республика бўйича институтга бириктирилган академик лицей ва касб - хунар коллежларида икки томонлама, сув хўжалигига ихтисослаштирилган ва вилоятлардаги 30 та қишлоқ хўжалик КХК билан икки ва уч томонлама шартномалар, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари билан ОТМ ўртасида ҳамкорлик режаси ва улар асосида “Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди, раҳбарлар томонидан тасдиқланиб, шулар асосида ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари нималар?

2. ТИҚХММИ ни олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қанақа ҳиссаси кўшган?
3. Экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими?
4. Сув хўжалиги ва экология соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари?
5. ТИҚХММИ га бириктирилган ўқув юртлар фаолияти?

2-Мавзу: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти, тарихи, ҳозирги ҳолати

Режа:

1. ТИҚХММИ тарихи, ҳозирги ҳолати ва кафедралари.
2. Гидромелиорация факультетининг “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси.
3. ТИҚХММИ да ишлаган йирик олимларнинг илмий ва педагогик фаолияти.

ТИҚХММИ тарихи, ҳозирги ҳолати ва кафедралари. Тошкент шахрининг марказида жойлашган собиқ Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳозирги вақтда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти билан замонавий биноларда савлат тўкиб турибди. Институтнинг ташкил топиши ва тараққиётини кузатар эканмиз, бунда мустақил Ўзбекистон республикасининг жонли тарихи гавдаланади.

Институт тарихи 1923 йили Туркистон давлат университети техника факультетининг гидротехника бўлими базасида мелиорация муҳандислиги факультетининг тузилишидан бошланади. 24 нафар талаба агроном, 16 нафари эса гидромелиорация муҳандиси сифатида институтни биринчи марта битириб чиқиши ҳам шу йили содир бўлди. 1929 йили мелиорация муҳандислиги факультети замани таркибида механика, қурилиш ва сув хўжалиги факультетлари бўлган Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти ташкил этилди. Бу институтнинг ташкил этиши республиканинг қишлоқ ва сув хўжаликлари ходимларига бўлган кучли эҳтиёжни бир қадар қондира бошлади.

1931 йил сув хўжалиги факультети Ўрта Осиё давлат университети қишлоқ хўжалиги факультети, машиналар бўлими ҳамда механика факультети манбалари асосида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти ташкил этилди.

Ўрта Осиё республикаларида ер сув ислохотининг ўтказилиши ҳамда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришнинг янада ривожлантирилиши яхлит олий техника ўқув муассасининг барпо этилишини тақазо қиларди. 1934 йилда Ўрта Осиё ирригация муҳандислари ва техника институти Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаштириш муҳандислари институти номи остида бирлаштирилди. У шу йилнинг 11 ноябрида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш

муҳандислари институтига айлантирилди. Унинг таркибида дастлаб иккита: гидромелиорация ва механизация факультетлари бўлган. Урушдан кейинги даврда мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодида кўтарилиш содир бўлди, янги тармоқлар очила бошланди. —Ер қурилиш (1945), —Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш (1946), —Гидроэнергетика қурилиши (1946), —Қишлоқ хўжалиги машиналари таъмири технологияси ва уни ташкил этиш (1966), —Сув хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш (1974), —Умуммуҳандислик (1979) факультетларининг очилиши Ўзбекистонда иқтисодийижтимоий ўсиш билан чамбарчас боғлиқдир.

2004 йил 30 мартда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантирилди. Институт ҳозирги кунларда том маънода янги масъулиятли даврни бошидан кечирмоқда.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Марказий Осиёда сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб берувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига маълум ҳисса қўшадиган ягона олий ўқув юртидир. Сув ресурслари билан таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бизнинг шароитимиз учун энг муҳим, ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Умуман шу кунгача 52 мингдан зиёд малакали қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини тайёрлайди. Кўплари бугунги кунда республикамиз ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Таъкидлаб ўтиш лозимки, 38 та хорижий давлатдан 3000 нафар талаба институтимизни муваффақиятли тугатиб, ўзларининг ватанларида фаолият кўрсатмоқдалар. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорларидан келиб чиқиб олиб борилаётган илмий изланишларнинг устувор йўналишлари этиб сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишнинг меъёрларини ишлаб чиқиш, суғоришларнинг илғор услубларини тадбиқ этиш, уларни самарали танлаш, гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини ва хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалалар берилган.

Сўнгги йилларди айниқса мустақилликка эришганимиздан кейин институтнинг хорижий давлатлар ўртасидаги алоқалари янада кенгаймоқда. Ҳозирги кунда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Испания, Израил, Корея, Янги Зеландия, Чехия ва Россия, Украина, Хитой, шунингдек бошқа ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамжиҳатлик ҳақида меморандум ва шартномалар имзоланиб, илмий ва амалий ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Институда BASIS, NZODA, TACIS, TEMPUS, INTAS, ZEF, UNESCO, USAID каби хорижий дастурлар ва лойиҳалар билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини халқаро стандартларга яқинлашувидан далолат бермоқда. Институт жамоасининг асосий эътибори —Таълим тўғрисидаги Қонун ва—Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг вазифаларидан келиб чиқиб,

бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалиги учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

ТИҚХММИ қошида қуйидаги факультетлар ва кафедралар мавжуд:

Гидромелиорация факультетининг кафедралари:

- Гидравлика ва гидроинформатика
- Гидрология ва гидрогеология
- Гидромелиорация тизимидан фойдаланиш
- Жисмоний маданият ва спорт
- Ирригация ва мелиорация
- Экология ва сув ресурсларини бошқариш
- Физика ва кимё
- Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси

Гидротехника қурилиши факультетининг кафедралари:

- Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари
- Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш
- Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси
- Назарий ва қурилиш механикаси

Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультетининг кафедралари:

- Гидромелиоратив ишларни механизациялаш
- Гидромелиоратив ишларни ташкил этиш ва технологияси
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- Гуманитар фанлар

Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультетининг кафедралари:

- Электр таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбалари
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш
- Электротехника ва мехатроника
- Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг кафедралари:

- Қишлоқ хўжалиги машиналари
- Трактор ва автомобиллар
- Машиналардан фойдаланиш ва таъмирлаш
- Умумтехник фанлар

Ер ресурсларини бошқариш факультетининг кафедралари:

- Ердан фойдаланиш
- Геодезия ва геоинформатика
- Давлат кадастрлари
- Тупроқшунослик ва дехқончилик
- Олий математика

Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетининг кафедралари:

- Менежмент
- Иқтисодиёт
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
- Иқтисодий назария асослари
- Ахборот технологиялари
- Инглиз тили
- Тиллар

Гидромелиорация факультетининг “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси. Факультетнинг тарихи институтнинг тарихи билан чамбарчас бўлгандан бўлиб, 1923 йил Туркистон Давлат Университети Техника факультетининг Гидротехника бўлими базасида —Мелиорация муҳандислиги факультетининг тузилишидан бошланган. 1934 йил 16 ноябрда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти ташкил этилганда, унинг таркибида—Гидромелиорация ва —Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетлари бўлган. Институтнинг, жумладан —Гидромелиорация факультетининг таркиб топиши, ривожланиши, Ўрта Осиё миқёсида кучли илмий марказ сифатида шаклланишида атоқли олимлар, йирик мутахассислар, профессор ва уларнинг ўқувчилари ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар. Буларнинг орасида А.Н.Аскоченский ва бошқалар бор эди. Ушбу жараённинг амалда ошишида факультетнинг биринчи раҳбарларининг меҳнатлари чексиздир, булар: профессорлар: В.Д.Юрин, Д.М.Кас, А.Г.Останков, А.А.Рачинский, доцентлардан П.В.Самострелов, И.И.Грибановлардир.

Факультетда 20 асрнинг 90 йиллари бошига келиб, 20000 га яқин инженер гидротехниклар тайёрланди. Булардан 570 га яқин Осиё, Африка ва лотин Америкаси мамлакатларидан келган талабалардир. Факультет битирувчилари Мирзачўл, Қарши, Далварзин, Сурхон Шеробод чўлларини гулистонга айлантиришда фаол иштирок этдилар. Ўрта Осиёнинг йирик гидротехник иншоотлари ва эски суғориш тизимларини қайта қуришда олдинги сафда турдилар.

ТИҚХММИда ишлаган йирик олимларнинг илмий ва педагогик фаолияти. 1991 йилдан бошлаб факультет тарихида янги давр мустақиллик даври бошланди. 1991 йилнинг сентябр ойида институтнинг учта мустақил факультетлари: — “Гидромелиорация”, “Гидротехник иншоотлар қурилиши” ва “Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш” факультетлари асосида “Ирригация муҳандислари тайёрлаш ўқув илмий маркази” ташкил қилинди. 1966 йилда бу марказ “Гидромелиорация” факультетига айлантирилди. Кейинги даврда факультетнинг диққатига сазовор анъаналарни давом эттиришда ТИҚХММИда ишлаган фан арбоблари, профессорлар А.А.Рачинский, С.Ш.Мирзаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, профессор Ф.М. Рахимбаев, доцентлар Р.М.Каримов,

Х.А.Аскарлов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар М.В.Бакиев, М.Х.Хамидов, профессорлар М.М.Мирсаидов, Ш.Муродовларнинг меҳнатлари, факультетга, институтга қўшган ҳиссалари чексиздир.

Назорат саволлари:

1. ТИҚХММИ тарихи, ҳозирги ҳолати ва кафедралари?
2. Гидромелиорация факультетининг “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси ҳақида нималарни билдингиз?
3. ТИҚХММИ да ишлаган йирик олимларнинг илмий ва педагогик фаолияти?

3-Мавзу: Ахборот ресурс маркази

Режа:

- 1.ТИҚХММИ ахборот ресурс маркази ва унинг вазифалари.
- 2.Интернетда ишлаш усуллари, керакли адабиётларни топиш йўллари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20-июньдаги 381-сонли —Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг вазият кутубхоналар қошида замонавий ахборот-ресурс марказларини ташкил этишни тақозо этди.

Натижада кутубхоналар соҳасида жуда катта ўзгаришлар юзага келди, янада янги имкониятлар эшиги очилди. Аҳолини ўсиб келаётган ёш авлоднинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда янада кенгрок, тизимли ахборот билан таъминлаш мақсадида АРМларда янги иш услублари жорий қилинмоқда. Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифаси янги, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда аҳолининг мунтазам ва мустақил таълим олишга кўмаклашиш, янги ахборот технологияларини яъни компьютерлар, маълумотлар, электрон базалари, интернет ресурслари асосида аҳолига ахборот хизмат кўрсатиш вилоят ва туман ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва китобхон сўровини мунтазам бажаришдан иборат. Кутубхонага келган китобхонга йўқ деб жавоб бермаслик, сўровини бажаришнинг янги, китобхонга қулай бўлган йўллари излаб топиш ва жорий қилиш лозим. Бу вазифалар кутубхоначилар учун одатий вазифага айланиши керак, шундагина кутубхоналарда китобхон сони мунтазам ортиб боради.

АРМда барча маълумотлар китобхонлар учун юқори даражада, қулай тақдим этилиши лозим. Унинг учун кутубхоначи ахборотга эҳтиёж-сезувчи барча китобхонларга кутубхонадаги мавжуд фонднинг хусусияти, тури шакли тўғрисида, кутубхона қандай обуна нашрларига эга эканлиги, кутубхона бўлимлари ҳақида кўпроқ ахборот бериши зарур. Китобхонга хизмат кўрсатишнинг янги китобхон учун ҳар томонлама қулай бўлган йўллари излаб топиш ва жорий қилиш устида мунтазам изланмоқдалар.

Китобхонга анъанавий хизмат кўрсатиш, ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини бериш. Китобхон учун керакли бўлган маълумотни тез ва сифатли ўтқазитиш таъминлаш ва унинг учун мавжуд фонд таркибини замон талабига хос тарзда мунтазам бойитиб бериш АРМ фаолиятини асосий режасига киритилган. АРМ да хизмат кўрсатишнинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари жорий қилинган. Айни пайтда кутубхона фаолиятига янги технологиялар кириб келди, бу кутубхоначи учун ҳам, кенг миққисда қулайликлар туғдирди. АРМларда янги ахборот технологиялар ёрдамида янги иш услублари жорий қилинди. Аста секин китобхон сони ўсишига эришди. Бу АРМ учун катта ютуқ албатта. Энди биз фойдаланувчиларга компьютер саводхонлигини ўргатишни йўлга қўйдик. Китобхонларда маркетинг тадқиқоти кенг жорий қилинган. АРМ ларда алоҳида маркетинг штатлари мавжуд бўлиб, маркетинглар кутубхонани ҳамisha зарурлигини исботлаб бериш, фондни мавжуд бўлмаган ахборотлар билан тўлдириш, китобхонларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун инновацион усуллари қўллаш устида мунтазам ва самарали иш олиб борадилар. Ахборот-ресурс маркази ходимлари маъсулиятни ҳис қилган ҳолда ўз вазифаларига сикидилдан ёндошиб китобхоннинг кутубхонага бўлган эҳтиёж ва қизиқишини доимий бўлишига ҳаракат қилиш баробарида китобхон сони кескин ўсишга эришмоқдалар.

ТИҚХММИ қошида ҳам Ресурс маркази кутубхонаси 1934 йилда Ўрта Осиё пахтачилик ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжаликни механизациялаштириш институти китоб фондлари заминида ташкил топган. 1958 йилларнинг ўрталарига келиб китобларнинг умумий сони 200 минг нусхага етди. 1969 йилда институт ўқув биноларининг таъмирлаши Ресурс маркази кутубхонасини китоб сақлаш майдони 819м² га кенгайтирилиб, фонди 400 минг нусхадан ошди. Бугунги кунда Ресурс маркази кутубхонанинг умумий фонди 613770 минг нусхадан иборат бўлиб, уларнинг 251054 нусхаси дарслик ўқув қўлланмалар ва бошқа турдаги адабиётларни ташкил этади. Ресурс маркази кутубхонанинг умумий майдони 25325 м² ташкил этади. Ресурс марказ кутубхонада 250 ўринли талабалар қироатхонаси, 40 ўринли профессор ўқитувчилар қироатхонаси ва 20 та ўринли маълумот библиография қироатхоналари бор.

ТИҚХММИ қошида ҳам Ресурс маркази кутубхонасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан кондириш;
- талабалар, шунингдек профессор ўқитувчиларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот -кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

- универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;
- йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;
- жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш.

ТИҚХММИ қошида ҳам Ресурс маркази кутубхонасининг асосий вазифаларни бажариш учун кўйидаги функцияларни амалга оширади:

Кутубхона-ахборот ресурслари фондини шакллантиради:

- универсал фондни анъанавий ва анъанавий бўлмаган ахборот шаклларида ўқув, бадиий, илмий, маълумотнома ва илмий-оммабоп ҳужжатлар билан бутлайди;
 - фондни интернет тармоғининг ахборот ресурслари, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари ва маълумотлар банки билан мунтазам равишда тўлдириб боради;
 - олимлар, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган асарлар ва ҳужжатлар фондини йиғади;
 - ҳужжатларни жойлаштиради, ташкил этади ва уларни сақлайди;
- Ахборот маҳсулотлари яратади:
- ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлайди;
 - маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этади ва юритади: алифболи, системали каталогларни, мақолаларнинг системали мавзули ва ўлкашунослик картотекаларини ҳамда электрон шакллари, маълумотлар базасини яратади;
 - ахборотдан фойдаланувчиларга ахборот маҳсулотлари ҳақида ахборот бериш билан шуғулланади.

Фойдаланувчиларга табақалаштирилган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш:

- фойдаланувчиларнинг қизиқишлари ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида ҳар қил манбаларда ахборот ресурслари тақдим этади;
- ўқитиш, билим олиш ва ижодий фаолиятда коммуникацияга таянган ҳолда мустақилликни шакллантириш учун шарт-шароит яратади;
- масофадан туриб ўқитишни ривожлантириш билан бирга мустақил ўқиш кўникмасини ривожлантириш;
- мустақил кутубхонадан фойдаланувчи ва ахборот истеъмолчиси кўникмаларига ўқитишни ташкил этади, билимлар, кўникма ва малакалар мажмуининг китоб ва ахборот билан ишлашга интеграциясига кўмаклашади;

Интернетда ишлаш усуллари, керакли адабиётларни топиш йўллари.

Институтнинг Ахборот-ресурс маркази янгидан таъмирланиб ҳозирги замон талабларига мос равишда инфор­мацион технологиялар билан жиҳозланди, ҳозирги кундаги ривожланиш даврида, мамлакатда кутубхонашунослик ишининг даражаси биринчи навбатда унинг “информацион ўрни” билан белгиланади. Шу маънода шаклланаётган “Виртуал таълим Интернет майдони” таълим олувчиларнинг дунё билимларини ўзлаштиришлари ва уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришлари учун кенг йўл очиб беради. Бугунги кунга келиб китобхонларнинг “талаб даражаси” ўзгарди. Шу сабабли кутубхоналарнинг асосий вазифаси – барча категориядаги китобхонларга тезкор кутубхона ва информация хизмати кўрсатишни уларнинг инфор­мацион талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб боришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бунга эса кутубхоналарда янги инфор­мацион технологияларни жорий этиш орқали эришиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, ТИҚХММИ Ахборот-ресурс марказида ИНТЕРНЕТ тизими тармоқ муҳитида электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Ахборот–ресурс марказида турли хил форматдаги электрон ресурслар тўпланган. Шулар жумласига катта ҳажмдаги интеграл кутубхона ахборот тизимининг электрон каталоги ресурси бўлиб ҳисобланган Россиянинг ГПНТБ томонидан яратилган Unmarc, Rusmarc форматига мос “ИРБИС” дастури киради. Ушбу дастурнинг “Каталогизатор” - автоматлаштирилган иш жойида АРМ фондида мавжуд барча адабиётларнинг электрон базаси яратилмоқда.

Шу жумладан, ИРБИС дастурнинг “Каталогизатор” АИЖда бадиий адабиётлар, диссертациялар (ТИҚХММИда ҳимоя қилинган), ҳамда институт профессор–ўқитувчилари томонидан яратилган барча фан соҳалари бўйича маърузалар матнларининг алоҳида электрон базалари яратилган.

Ахборот-ресурс маркази институт профессор ўқитувчиларининг, раҳбариятнинг ва бошқа категориядаги фойдаланувчи китобхонларнинг маънавий эҳтиёжларини анъанавий турда қондириш билан бир вақтда, уларга замонавий ахборот технологиялари, яъни ИНТЕРНЕТ маълумотлар базаси, ҳамда турли форматда яратилган электрон адабиётлар базаси асосида хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, институтимиз кафедраларининг профессор–ўқитувчилари томонидан яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маърузалар матнлари, услубий қўлланмалар ва бошқаларнинг электрон базаси компьютер тармоқлари орқали институт серверининг —Кутубхона папкасига ва АРМ локал тармоғига жойлаштирилиб борилмоқда.

Институтнинг Ахборот технологиялари бўлимида ҳозирги кунда жами 422 компьютер мавжуд бўлиб, профессор–ўқитувчилар ҳамда талабалари фойдаланиши учун 15 та компьютер синфлари мавжуд.

2011 йилда институтдаги барча компьютер синфлари қайта таъмирланиб, замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. 293 та компьютер институт локал тармоғига ва шу тармоқ орқали Интернет тармоғига уланиш имкониятига эгадир.

Назорат саволлари:

- 1.ТИҚХММИ ахборот ресурс маркази ва унинг вазифалари?
- 2.Интернетда ишлаш усуллари, керакли адабиётларни топиш қанақа йўллари бор?

4-Мавзу: Адабиёт манбаларини танлови

Режа:

- 1.Адабиёт билан ишлар, таҳлил қилиш ва конспект қилиш усуллари.
- 2.Экологияга оид Республика ва ҳалқаро илмий ва оммабоп журналлар.

Адабиёт билан ишлар, таҳлил қилиш ва конспект қилиш усуллари.

Илмий адабиётларни қай тарзда ўқиш ва у билан қандай ишлаш тартиби, ўзингизнинг илмий қизиқишларингиз ва тадқиқот мавзуларингиз бўйича зарурий материалларни танлаб олиш ва ўрганиш, ўз билимингиз доирасини кенгайтириш, шахсий илмий дунёқарашингизни кенгайтириш мақсадида китоблар, журналлар, илмий мақолалар тўплами билан ишлаш тартиби билан танишиш адабиётлар билан тўғри ишладан, уларни ўқишдан бошланади.

Адабиётларни ўқиш – нутқ фаолиятининг мураккаб тури бўлиб, у 2 жиҳатга эга: Техик жиҳати – ўқиш ва тез ўқиш кўникмаларини эгаллаш; Ижодий жиҳати – матндан зарур маълумотни танлаб олиш.

Адабиётларни ўқиш турлари ва қоидалари мазмунни ўзлаштириш даражаси бўйича қуйидаги ўқиш турлари ажратилади:

- *кўриб чиқиладиган ўқиш* – умумий таассуротга эга бўлиш учун одатда танишув ва ўрганув ўқишдан олдин амалга оширилади. Китоб мазмуни, унинг боблари ва параграфлари, асар муаллифи билан танишиш зарурати бўлганда фойдаланилади. Кўриб чиқиладиган ўқиш жараёнида одатда титул варағи, мундарижа, айрим хат боши ва гаплар ўқиб чиқилади. Ушбу маълумотларнинг ўзи шу манба қай даражада кераклигини ҳал этишга ёрдам беради

- *танишув ўқиш* – умумий мазмунни тушиниш учун бир неча манбалардан маълум саволларни ажратиб олиш, шунингдек олинган маълумотларни таққослаш ва солиштириш, ушбу масала бўйича ўз қарашини ишлаб чиқиш учун ишлатилади.

- *ажратув ўқиш* – маъносини чуқур тушиниб олиш учун сиз эътибор бериб, маълумот устида тўхталиб ва ўйлаб ўқиганингизда фойдаланилади. Матндаги бош фикрни, унинг мақсадини, исботлар мантиқини тушуниб олиш, сизнинг олдингизга қўйилган саволларга жавоб қидиришга мўлжалланган. Ушбу ўқиш тури материални ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади (параграфлар, боблар, қисмлар бўйича), матн ҳақида шахсий

фикрни тузишга йўллайди, маълумотни танқидли қабул қилиш кўникмасини шакллантиради.

Илмий адабиётларни ўқиш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўқиш жиддий ва чуқур фикрли бўлмоғи лозим.
2. Ўқиш давомида қуйидагиларга эътибор бериш зарур:
 - ўқиб чиқилган материалларни таҳлил қилиш;
 - тушунарсиз атама ва тушунчалар моҳиятини аниқлаш;
 - сиз учун муҳим бўлган саволларга жавоб ахтариш;
3. Сизнинг илмий ишингиздаги сиз учун керак бўладиган барча нарсаларни: қизиқарли фикрлар, фактлар, рақамлар, ҳар хил қарашларни кўчириб олмоқ зарур бўлади.
4. Ўқиш жараёнида сиз томонингиздан олинган маълумотларни баҳолаш зарур, унга танқидий нуқтаи назардан қарамоқ, шунингдек сизнинг тадқиқотингиз учун муҳимлиги нуқтаи назаридан баҳоланмоқ зарур бўлади.
5. Адабий манбалар билан ишлаш қуйидаги методлардан фойдаланишни назарда тутати: библиография тузиш, аннотация, конспектлаштириш. Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги усуллардан бири танлаб олинади.

Библиография — бу ҳал этилиши лозим бўлган муаммони тадқиқ этиш жараёнида зарур бўлган адабиётлар рўйхати. Адабий манбалар билан ишлаш аниқ маълумотларни библиография тузиш йўли билан расмийлаштиришни талаб этади. Бунда маълумотлар муаллифининг исм шарифи, асарнинг номи, нашриёт номи (мақолалар учун ойнома ва рўзномаларнинг номи), жойи ва нашр этилган йили кўрсатилади.

Конспект қилиш режа, кўчириб олинган матн ва тезисларни бирлаштириш тушунилади. Конспектда ифоданинг ички мантиқи кўрсатилади, асосий хулоса, фактлар, исботлар, услубларни ўзида мужассам этилади. Конспект турлари:

Режали конспект - дастлабки режа ёрдамида тузилади: унинг ҳар бир қисмига конспектнинг маълум бир қисми мос келади.

Тематик конспект - матннинг барча мазмунини қамраб олмайди, аниқ, муайян мавзунини қайта ишлайди, қўйилган саволга жавоб беради.

Хронологик конспект - ҳодисалар ўзини кўрсатиш билан уларнинг хронологик кетма-кетлигини акс эттиради

Шарҳли конспект - бир қанча манбалардан фойдаланган ҳолда аниқ мавзу моҳияти очиқ берилади

Матнли конспект - мантиқий ўтишларга боғланган иқтибослардан тузилади

Эркин конспект - кўчирмалар, иқтибослар, айрим ҳолларда тезислар бирлаштирилишини ўзида мужассам этади.

Экологияга оид Республика ва халқаро илмий ва оммабоп журналлар. Алоҳида муҳим масалалар бўйича керакли адабиётлар танлашда институт кутубхонасида ҳамда бошқа кутубхоналарда мавжуд бўлган адабиётлар катта ёрдам беради. Кейинги йилларда нашр қилинган “Экологик

хабарнома”, “Ўзбекистон биология журнали”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” каби журналлардаги мақолаларни қараб чиқиш тавсия қилинади.

Назорат саволлари:

1. Адабиёт билан ишлаш, таҳлил қилиш ва конспект қилиш усуллари?
2. Экологияга оид Республика ва халқаро илмий ва оммабоп қанақа журналлар билиб олдингиз?

5-Мавзу: Реферат, топшириқ, мустақил иш, битирув малакавий ишларини тайёрлаш

Режа:

1. Реферат тузилиши ва реферат устида ишлаш тартиби.
2. Мустақил иши.
3. Битирув малакавий иши (БМИ), унинг асосий йуналишлари, вазифалари ва қўйиладиган талаблар.
4. Битирув малакавий иши раҳбарининг вазифалари.

Реферат тузилиши ва реферат устида ишлаш тартиби. Маълумки, ўқиш давомида турли фанлар бўйича ҳилма ҳил мавзуларда реферат ёзишга тўғри келади. Реферат лотинча — реферет сўздан олинган бўлиб, доклад қилиш, ахборот бериш демакдир. Реферат - бир ёки бир неча манбаларда мавжуд бўлган ғояларнинг қисқача ёзуви, у ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслаш ва таҳлил қилиш маҳоратини тақозо этади.

Реферат – асосий матн ёки бир неча манбаларни талқин қилиш шаклларида бири. Шунинг учун реферат, конспектадан фарқли равишда, янги, муаллифнинг матни ҳисобланади. Бундай ҳолдаги янгилик янги баённи, материалнинг бир тизимга солиниши, ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслашда муаллифнинг алоҳида позициясини назарда тутди.

Реферат қандайдир масаланинг бир ёки бир неча манбаларнинг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутди.

Рефератнинг ўзига хослиги:

- кенг миқёсли далиллар, қиёслашлар, мушоҳадалар, баҳоларга эга бўлмайди;
- матнда қандай янги, муҳим жиҳат бор, деган саволга жавоб беради.

Рефератлар тузилиши:

Библиографик баён – Реферат муалифининг исми, шарифи, реферат номи, нашр қилинган жойи, нашриёт, йил, саҳифалар сони Реферат матни-мавзу, муаммо; реферат қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни, тадқиқот усуллари, аниқ натижалари, муаллиф хулосаси, иш натижаларини қўлланилиш соҳаси ўқув фани бўйича реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;

- танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш;

- ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Реферат устида ишлаш тартиби.

- Мавзуни танлаш -кафедра томонидан таклиф этиладиган реферат мавзулари мисол тариқасида бўлади. Ўзингиз шахсий қизиқишингиз ва мавзуингизга жавоб берадиган мавзу танлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзингиз қизиқишингиз доирасида, танланган муаммо ва уни асослашга таяниб кафедра таклиф этган мавзуга кирмаган реферат мавзусини тақдим этишингиз мумкин. Ушбу ҳолатда таклиф этаётган мавзуингизни қатъий равишда илмий раҳбарингиз билан келишиб олишингиз зарур бўлади.

- Тайёрлов босқичи: асосий манбаларни ўрганиш - реферат мавзусини танлаганингиздан сўнг танланган мавзуга оид саволлар доираси билан танишинг, маъруза материалларини қараб чиқинг ва фан бўйича ўқув дастурида ушбу мавзуни ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлар билан қайтадан танишиб, уларни таҳлил қилинг.

- Зарурий материалларни конспектлаш.

- Тадқиқот муаммоси мантиқини яратиш, реферат режаси тузиш Реферат режаси куйидагилардан иборат бўлиши лозим: кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова (зарурат бўлганда).

Реферат режаси танланган мавзуга тааллуқли ва унинг асосий мазмунини қамраб оладиган саволлар доирасини аниқлайди. У рефератга мавзу материалларини йиғишда умумий йўналишни олишга имкон беради, унинг тўғри танланиши ва ифода этилишини таъминлайди. Рефератнинг асосий қисмини ўзи лўнда ва аниқ номига эга савол ва кичик саволчалар (қисмчалар)га бўлиб чиқиш зарур. Пухта ўйлаб чиқилган, ҳар бир қисми танлаб олинган материал билан таъминланган режа – рефератни муваффақиятли ёзишнинг муҳим асосидир.

Йиғилган материалларни тартиблаштириш ва ёзиш.

Кириш қисмида назарий ва амалий жиҳатдан мавзунинг долзарблиги асосланади, мақсадлар шакллантирилади ва вазифалар белгиланади. Агарда реферат монографик (битта манба ва муаллиф рефератлаштирилса) кўринишда бўлса, кириш қисмида муаллиф ҳақида қисқача маълумот (илмий даражаси, унвони, унинг мутахассислиги, бошқа ишлари), мавзу

манбасининг қисқача баёни, иш мақсади, рубрикаси, муаллифнинг тутган ўрни ва бошқалар келтирилади.

Асосий қисмида барча муҳим фикрлар ақс эттирилиши зарур. Режага биноан, рефератнинг асосий қисми йиғилган материални тақсимлашга кўра мос равишда саволлар ва саволчаларга (қисмларга) ажратилиши талаб этилади.

Материални ифода этиш тавсифий характерга эга бўлмаслиги керак. Мос равишда хулосалари бўлган таҳлил, шунингдек матн билан узвий боғланган статистик материаллар таҳлили бўлмоғи лозим.

Катта ҳажмли статистик маълумотларни жадвал ҳолига келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Статистик маълумотлар асосида диаграммалар, графиклар, гистограммалар куриш у ёки бу ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тушунарлироқ ифода этишга ёрдам беради.

Барча рефератда келтириладиган жадваллар, диаграммалар, графиклар, схемалар, расмлар номланиши ва тартиб рақами кўйилиши керакдир. Улар тагига ушбу статистик маълумотлар олинган манбалар бетлари ҳам кўрсатилган ҳолда кўйилиши қатъий талаб этилади. Матнда келтириладиган барча рақамлар тегишли манбаларга ҳаволаларни келтирилиши талаб этилади.

Матнда иқтибос келтирилса ёки муаллифлар илмий-тадқиқот ишларидаги хулосалар, қайдлар, мулоҳаза ва фикрлардан фойдаланилган ҳолатда муқаррар равишда ҳаволалар бўлиши лозим.

Реферат кадр-қиммати муаммоли саволлар бўйича ҳар хил қарашларни таҳлил қилиш, қабул қилинадиган ёки ўзининг тутган мавқеини асослаш саналади.

Хулоса танланган мавзуни ўрганиш натижасида талаба қилган хулосаларни ўз ичига олади, шунингдек, ҳал этилмаган ва келгусида ҳал этилиши талаб этиладиган саволларга бағишланади.

Адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш ва текшириш. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати маълум бир тартиб асосида тузилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Фармонлари;
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари;
4. Меъёрий актлар, кўрсатмалар;
5. Даврий нашрларда чоп этилган китоблар, мақолалар.

Манбалар библиографик қайдида қуйидагилар кўрсатилади: муаллиф исми ва шарифи, китоб номи, чоп этилган манзилгоҳи, нашриёт номи ва чоп этилган йили. Агарда мақола журнал (газета) да чоп этилган бўлса, журнал (газета) номи, тартиб рақами ва йили, бети келтирилади.

Рефератни расмийлаштириш. Илмий раҳбарга тақдим этиладиган реферат компьютерда 12-шрифт, 1,5 интервал оралиғида А4 шаклидаги қоғознинг бир томонида чапдан – 2,5 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастидан – 2 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда терилиши талаб этилади.

Матн саҳифалари тартиб рақамларига эга бўлиши лозим. Тартиб рақамлари бир варақдан иккинчи вараққа ўтадиган ва 3 бетдан бошланиши (биринчи ва иккинчи варақ -бу титул варағи ва иш режаси бўлиб, рақамланмайди) лозим бўлади. Варақ тартиб рақами юқорига ўртадан ёки ўнг томонга қўйилади. Реферат ҳажми 16-20 бетдан ошмаслиги лозим. Реферат қуйидагилардан: титул варағи, ҳар бир савол, саволча (қисм) варағи тартиб рақами кўрсатилган иш режаси, кириш -тартиб рақами қўйилмайди, манбаларга ҳаволалар келтирилган савол ва саволчаларга (қисмларга) бўлинган матн ифодаси, хулоса - тартиб рақами қўйилмайди, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадвал, диаграмма, график, расм ва схемалардан ташкил топган иловадан ташкил топади. Иловалар қатъий кетма-кет тикилади.

Матнни таҳлил қилиш ва имло, стилистика нуқтаи назаридан текшириш реферат равон тилда аниқ ёзилган бўлиши ва жалб этадиган кўринишга эга бўлмоғи лозим. Сўзлар қисқартирилишига, фақат умумий қабул қилинганлардан ташқари, шунингдек, хатоликларга, тушунарсизликларга, стилистик тафовутларга йўл қўйилмайди. Реферат илмий раҳбарга тақдим этилиши ҳолатида барча тарафлама максимал даражада меъёрига етказилган бўлмоғи лозим.

Мустақил иши бўлажак мутахассиснинг шаклланишида муҳим ва ҳал қилувчи босқичларидан назарий ва амалий мустақил билимини эгаллашнинг муҳим тадбирларидан биридир. Мустақил ишини бажариш жараёнида илмий ва тарбиявий ишлар комплекс асосида амалга оширилиб, булар орасида қуйидагилар биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бунинг йўналишлари қуйидагичадир:

Мустақил ишининг мавзулари ўтилаётган фаннинг долзарб мавзулари ва муаммолари асосида тузилган бўлиб, унинг устида ишлаш жараёнида талаба тор рамка сифатида ўрганаётган мавзунини чуқур ўрганиши, унинг йўналишларини таҳлил қилиш ҳақидаги тушунчаларга эга бўлади.

Мустақил ишлаш усуллари билан танишишда назарий ва амалиётни долзарб масалаларини ёзма баён қилиш усуллари ўрганади. Бундан ташқари библиография тузиш, статистик тўпламлардан фойдаланиш, мавзулар бўйича конспект тузиш, ақлий меҳнатни тавсияларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, мустақил иши талабанинг ўзи ишлаган ишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир мустақил ишини бажарган талаба имтиҳон топшириш учун рухсат берилади.

Битирув малакавий иши (БМИ), унинг асосий йўналишлари, вазибалари ва қўйиладиган талаблар. Битирув малакавий иши олий ўқув юртларида бакалаврият битирувчиларининг якуний давлат имтиҳонлар шаклларида бири бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга у бакалаврлар томонидан иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ҳамда профессионал идрок бўйича олган билимлари ва кўникмаларининг даражасини намоён этади. Унинг бош мақсади—ҳозирги кунда муҳим

масалалардан бири бўлмиш иқтисодий ислохотлар шароитида алоқа корхоналарида менежмент ва маркетинг назарияларини тадбиқ этишни чуқур ўрганиш, кўникмаларни ривожлантириш, назарий билимларни тартибга солиш, мустақамлаш ва уларни ривожлантириш ҳисобланади .

Битирув малакавий ишининг таркибий жиҳати– бу талабанинг маълум мавзу бўйича кафедра ходими ёки бошқа Олий ўқув юртидан жалб этилган малакали менежер – амалиётчи ўқитувчиларнинг раҳбарлиги остида ёзган мустақил ишининг якуний натижасидир.

Битирув малакавий ишининг ўқув-услубий вазифалари:

- танланган мавзунинг муҳимлиги ва долзарблигини аниқлаш;
- муаммонинг назарий асосларини унинг моҳиятини ҳамда дастлабки асосли ечимларини аниқлаш;
- муаммога услубий ёндашувни ва асосий тамойилларини аниқлаш;
- бошқарув объектининг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг хусусиятлари ва ҳолатини чуқур ҳамда жорий таҳлилинини ўтказиш;
- иқтисодий ислохотлар шароитида менежмент ва маркетингни ташкиллаштиришда эришилгандаражасини аниқлаш;
- тадқиқот қилинаётган муаммонинг ечими йўлларини асослаш;
- ўтказилган тадқиқот юзасидан хулоса ва таклифларни тўғри тартибга солиш ва ошқора этиш;
- иқтисодий, ташкилий-бошқарув инновацияларини тарғиб қилувчи иқтисодий самародорлик ҳисобларини ва моделлаштириш кўникмаларини намоён қилиш.

Битирув ишида кўзланган вазифаларнинг муваффақиятли ечими БМИга қўйилган қуйидаги талабларнинг бажарилишини тақозо этади:

- ишнинг анча юқори илмий - услубий даражаси;
- хулоса ва таклифларнинг амалий аҳамияти;
- қабул қилинган стандартлар доирасидан чиқувчи мустақил шакллантирилган ижодий услубий ёндашув ва бошқарув ечимларини келтириш;
- алоқа корхоналарида бошқарувни ташкиллаштиришни ривожлантириш каби долзарб муаммо ечишга дастурий - мақсадли, вазиятли ёндашув асосида тизимли таҳлил тамойилларини қўллаш.

Битирув малакавий иши бажарилганда талаба ўзининг маҳоратини намоёни қилиши керак.

- мустақил равишда ижодий вазифани қўйиш, унинг долзарблигини ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини баҳолаш керак;
- илмий гипотезани илгари суриш керак;
- олинган материалларни ўрганиш ва унинг танқидий таҳлилинини ўтказиш;
- кўтаририлган муаммони хар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш;
- кўтарилаётган муаммо бўйича узининг ечими вариантини ишлаб чиқиш, тавсифлаш ва профессионал асослаш (ўзининг ижодий ёндашуви)

-амалиётга олинган натижаларни қўллаш бўйича мантикий асосланган хулосаларни, таклифларни, тавсияларни шакллантириш.

Битирув малакавий иши мавзусини ўрганишда ишнинг тузилишини (скелети) тўғри танланиши (турли қисм, бўлим, бобларнинг, ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги) муҳим аҳамият касб этади.

Менежмент ва маркетинг бўйича битирув малакавий ишлар бошқарувнинг объектив қонуниятларига асосланганлиги, талабларини ва уларнинг иқтисодиётнинг ўсиши йўлида фойдаланишга йўналтирилганлигини ўзида акс эттиради.

Битирув малакавий ишида кўрилаётган масаланинг мураккаблиги ўтказилаётган тадқиқотларнинг эмпирик даражасидан анча юқори илмий-услубий даражага ўтишини амалга оширишини талаб қилади. Бундай ёндашув талабадан ўрганилаётган масала бўйича яхши ва чуқур услубий-назарий билимларни талаб қилади. Бу эса биринчи ўринда аналитик- ҳисоб ёндашуви эмас, балки синтетик-муаммоли ёндашувнинг чиқишини англатади. У биринчи навбатда ўрганилаётган муаммо (мавзу)нинг услубий ёки назарий асосларини, услубий ёндашувнинг шахсий концепцияларини ва унинг ечимларини ишлаб чиқишни ўрганишни назарда тутаяди. Фақат шундан сўнг назарий асослар билан қуролланган талаба муаммонинг ҳақиқий ҳолати таҳлилига ва унинг аниқ ечими йўллари аниқлашга киришади.

Битирув малакавий ишининг тизимли элементлари: титул варағи, мундарижа, кириш, асосий қисм (боб ва бўлимлар), хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми кириш, боблар, хулоса, адабиётлар рўйхатини кўшган ҳолда, қўлда ёзилган 10-12 минг сўз атрофида бўлиши керак. Илова ҳажми чегараланган ва у Битирув малакавий ишининг умумий ҳажмига киритилмайди.

Битирув малакавий иши ҳажмининг талабдан кўп бўлиши, талабанинг ўз фикрини аниқ ва лўнда ифода қилай олмаслиги, мавзунинг ёритиш учун мавжуд материалларни танлай ололмаслиги сифатида баҳоланади.

Яқуний баҳо илмий раҳбар, тақризчи ва ДАК аъзоларининг мулоҳазасига боғлиқ.

Илмий раҳбар баҳосининг асосий мезонлари бўлиб, БМИ таркибининг сифати, мустақиллик даражаси ва ишни ёзишда талабанинг интизомлилиги ҳисобланади.

БМИ ни баҳолашда тақризчи томонидан мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, унинг қанчалик чуқур ёритилганлиги, илмий-адабий манбалар баҳоси, талаба мустақил бажариш даражаси, ишнинг амалий аҳамияти, уни баён қилишнинг усули ва мантиғи ҳамда ишни расмийлаштиришнинг сифати инобатга олинади.

ДАК аъзолари ишни баҳолашда талаба маърузасининг баҳосидан, унинг саволларга берган жавобларидан, БМИнинг қандай расмийлаштирилганидан ва БМИ устидан ишлаш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланганлигидан келиб чиққан ҳолда баҳолайди.

Якуний баҳо ДАК, тақризчи ва илмий раҳбарнинг баҳолари йиғиндисидан иборат бўлади.

БМИ нинг ҳимоя натижаларини баҳолаш рейтинг баллари:

-86 – 100 балл – аъло

-71 – 85 балл – яхши

-55 – 70 балл – қониқарли

-55 дан паст – қониқарсиз.

БМИ ни баҳолашда ишнинг амалий аҳамиятига қараб рағбатлантирувчи балл (20 баллдан кам эмас) қўшилиши мумкин (амалий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида маълумот).

Билимни баҳолаш натижаларига биноан ДАК аъзолари талабага белгиланган йўналишда бакалавр академик даражасини бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Назорат саволлари:

- 1.Реферат тузилиши ва реферат устида ишлаш тартиблари?
- 2.Мустақил иш тузиш шартлари?
- 3.Битирув малакавий иши (БМИ), унинг асосий йўналишлари, вазифалари ва қўйиладиган талаблар?
- 4.Битирув малакавий иши раҳбарининг вазифалари нималардан иборат?

6-Мавзу: Рейтинг тизими ва баҳолаш мезонлари

Режа:

1.Фанлар бўйича рейтинг баллар.

2.Апелляция комиссиясининг вазифалари.

Институтнинг 2018 йил 8 октябрь 747 А/Ф “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 сентябрдаги 820-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида” ва 2009 йил 19 октябрь 241 А/Ф “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида” буйруқлари билан ижро учун қабул қилинган талабаларни тўлиқ бажариш ҳамда Илмий-методик Кенгаш қарори бўйича талабалар билимини ўзлаштириш кўрсаткичлари фанга ажратилган ўқув юкларидан қатъий назар, рейтинг натижаларини таҳлил этишни соддалаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”нинг бандларини шарҳлаш мақсадида барча фанлар бўйича рейтинг баллари билан таништирди.

Баҳолаш мезони (фан бўйича талабанинг билими ва талаба мустақил иши) институтнинг 2009 йил 19 октябрь 241 А/Ф “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига асосан ишлаб чиқилди.

Баҳолаш тартиб ва мезонлари: ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ ва профессор – ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади.

“Мутахассисликка кириш” фани 5630200 –Сув хўжалигида экологик хавфсизлик бакалавриат йўналишида 1 семестрда ўтилиши режалаштирилган бўлиб, умумий юклама 110 соатни, жумладан аудитория соатлари ҳажми 90 соатни ва мустақил таълимга режалаштирилган соатлар ҳажми 38 соатни ташкил қилади. Фандан ЖН, ОН, 1 та мустақил иш, ЯН топшириш кўзда тутилган.

Мазкур фани 5450700 –Сув таъминоти муҳандислик тизимлари бакалавриат йўналишида 1 семестрда ўтилиши режалаштирилган бўлиб, умумий юклама 130 соатни, жумладан аудитория соатлари ҳажми 72 соатни ва мустақил таълимга режалаштирилган соатлар ҳажми 58 соатни ташкил қилади. Фандан ЖН, ОН, ва 1 та мустақил иш, ЯН топшириш кўзда тутилган.

Кафедрада ўтиладиган барча фанлар бўйича талабанинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидагича тақсимлансин

Баҳолашни 5 баҳолик шкаладан 100 баллик шкалага ўтказиш

ЖАДВАЛИ

5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала	5 баҳолик шкала	100 баллик шкала
5,00 — 4,96	100	4,30 — 4,26	86	3,60 — 3,56	72
4,95 — 4,91	99	4,25 — 4,21	85	3,55 — 3,51	71
4,90 — 4,86	98	4,20 — 4,16	84	3,50 — 3,46	70
4,85 — 4,81	97	4,15 — 4,11	83	3,45 — 3,41	69
4,80 — 4,76	96	4,10 — 4,06	82	3,40 — 3,36	68
4,75 — 4,71	95	4,05 — 4,01	81	3,35 — 3,31	67
4,70 — 4,66	94	4,00 — 3,96	80	3,30 — 3,26	66
4,65 — 4,61	93	3,95 — 3,91	79	3,25 — 3,21	65
4,60 — 4,56	92	3,90 — 3,86	78	3,20 — 3,16	64
4,55 — 4,51	91	3,85 — 3,81	77	3,15 — 3,11	63
4,50 — 4,46	90	3,80 — 3,76	76	3,10 — 3,06	62
4,45 — 4,41	89	3,75 — 3,71	75	3,05 — 3,01	61
4,40 — 4,36	88	3,70 — 3,66	74	3,00	60
4,35 — 4,31	87	3,65 — 3,61	73	3,0 дан кам	60 дан кам

2. Кафедрада ўтиладиган барча фанлар бўйича талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилиш қуйидаги намунавий мезонлар асосида олиб борилсин:

- талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

- талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади,

айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо;

- талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

- талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.

Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Яқуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи яқуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланади.

Яқуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида оралиқ ва яқуний назорат турларини ўтказиш, шунингдек талабаларнинг билимини баҳолаш тегишли кафедра мудири томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркиби тегишли фан профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Олий таълим муассасасида назорат турларини ўтказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

Талаба тегишли фан бўйича яқуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлишлари шарт.

Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба яқуний назорат турига киритилмайди.

Яқуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) яқуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта

топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камида 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

Битирувчи курс бўлмаган талабалар кузги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган ҳолларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича оралик ва (ёки) якуний назорат турларини янги ўқув йили бошидан қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Битирувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштирмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

Фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси ректорининг (бошлиғининг, филиал директорининг) буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Талабага оралик ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак.

Талаба оралик ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта топширишдан ўта олмаган тақдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

Иккинчи марта оралик ва (ёки) якуний назорат турини ўтказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлиғини, филиал директорини) хабардор қилади ва ушбу талаба ректор (бошлиқ, филиал директори) буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) ўзлаштирмаган семестр бошидан тўлов-контракт асосида мазкур ўқув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ўқишни давом эттиради.

Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар.		
Баҳолаш мезонлари	<p>5 (аъло) баҳо</p> <ul style="list-style-type: none"> - талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади; - ижодий фикрлай олади; - мустақил мушоҳада юритади; - олган билимини амалда қўллай олади; - фаннинг(мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради; - фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга. <p>4 (яхши) баҳо</p> <ul style="list-style-type: none"> - талаба мустақил мушоҳада юритади; - олган билимини амалда қўллай олади; - фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради; - фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга. <p>3 (кониқарли) баҳо</p> <ul style="list-style-type: none"> - талаба олган билимини амалда қўллай олади; - фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради; - фан(мавзу) бўйича тасаввурга эга. <p>2 (кониқарсиз) баҳо</p> <ul style="list-style-type: none"> - талаба фан дастурини ўзлаштирмаган; - фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди; - фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас. 		
	Назорат турлари	Макс. баҳо	Ўтказиш вақти
	Оралик назорат	5	
	Талабанинг амалий ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб		

	борилади. Талабани оралиқ назорат тури бўйича баҳолашда унинг ўқув машғулотлари давомида олган баҳолари инобатга олинади.		
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш ёки тест (маъруза ўқитувчиси томонидан баҳоланади)	5	Ўқув жараёни графигига асосан
	Иккинчи оралиқ назорат ёзма иш ёки тест (маъруза ўқитувчиси томонидан баҳоланади)	5	Ўқув жараёни графигига асосан
	Якуний назорат	5	Ўқув жараёни графигига асосан
	Ёзма иш	5	
	Жами	5	

7-Мавзу: Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълим тизими

Режа:

1. Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълим тизими.
2. Экологик тарбия, маданият ва онг.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 сентябрь 212-сонли қарори билан тасдиқланган —2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурининг I бандида узлуксиз экологик ва барқарор ривожланиш учун таълим тизимини янада ривожлантириш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича Декадаси ҳамда БМТ Европа иқтисодий комиссияси Стратегиясининг Ўзбекистонда бажарилишига кўмаклашиш ва амалга ошириш бўйича чора - тадбирлар Дастури 2010 йил декабрида қабул қилинди. Ушбу дастур ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 31 январда тасдиқланган. Иш режасига 2011-2012 ўқув йилида олий таълим муассасаларида экология ва атроф- муҳит муҳофазаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича экология ва табиатдан фойдаланиш соҳасига оид ўқув, ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш ва уларни амалга жорий этиш вазифалари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов —таълим- тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислохатларни ҳаётга татбиқ қилишда 2005 ва кейинги йилларда унеча тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт- шароитларни инобатга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур, деб бежиз айтмаган.

Юқорида қайд этилган миллий давлат тизимини модернизация қилиш талаблари ҳамма фан йўналишлари, жумладан экологик таълим ва тарбия тизимини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки миллий экологик таълим ва тарбия тизими шу куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради, дея олмаймиз. Бунинг асосий сабабларидан бири 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига экологик таълимнинг мажбурийлик принципи киритилган. Лекин ушбу йўналтирувчи қоида 1997 йил қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топмаган. Натижада миллий таълим тизимида экологик таълим ва тарбия стихияли равишда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Экоҳаракат” депутатлар гуруҳи ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг —Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарларининг республикада узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш тўғрисидаги ахборотларига кўра парламент эшитувлари тўғрисидаги 2010 йил 2 ноябрдаги Қарорида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қошида фаолият юритаётган “Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш таълими” идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2011 йил январь ойига берган ҳисоботида кўра мамлакатимизда экологик таълим йўналишида 2005 йилдан буён уч босқичда амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар қилинган бўлсада, улар ягона бир узлуксиз таълим тизимига мос келади, дейиш қийин.

Экологик таълимнинг замон талабларидан четда қолиб кетмаслиги, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган узлуксизлик тамойилларига мослашиши қандай бўлмоғи керак, деган саволга жавоб топишдир. Ҳаммамиз гарчан таълим сўзини кунига жуда бўлмаганда бир маротаба тилга олсакда, лекин унинг умумэътироф этилган тушунчасига ўз эътиборимизни доимо ҳам қаратмаймиз. Таълим–билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси, тўғрироғи тизими. Зеро, таълимнинг узлуксизлиги тизимлашгандир. Узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитидир. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига биноан миллий узлуксиз таълим тизими қуйидаги турлардан иборат: 1) мактабгача таълим; 2) умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим; 3) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; 4) олий таълим; 5) олий ўқув юртидан кейинги таълим; 6) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. “Таълим тўғрисида”ги Қонун билан бир қаторда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак ахлоқий талабларга

жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир, дейилган.

Муस्ताқиллик туфайлигина миллий таълим турлари ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан халос этилди. Унда ўзига хос ва маҳаллий шароитга мос равишда янги миллий таълим тизими шаклланмоқда. Ривожланган давлатларнинг таълим тизими тажрибаси республикамиз шароитига мослаштирилган тарзда амалиётга татбиқ қилинмоқда. Мазкур жараёндан экологик билим ва тарбия ҳам четда турмаяпти. Зеро, экология тарих, она тили ва адабиёт, миллий ғоя ва ғурур фанлари каби ёшларимизни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялаш, табиат билан жамият қонунларини уйғунлаштира оладиган кадрлар қилиб етиштиришда жуда катта аҳамият касб этади.

Узлуксиз экологик таълим – миллий таълим тизимининг барча босқичларини ўзида қамраб олувчи ва уни бошланғич поғонада жойлаштирувчи, билим беришни оддийдан мураккаб ҳамда ихтисосликка томон олиб борувчи кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳити. Шунинг учун ҳам экологик таълим ва тарбияни миллий узлуксиз таълимнинг барча турларида қўллашни қуйидагича олиб бориш тавсия этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчаси, оила ва нодавлат муассасалари) болаларнинг экологик онги, уларнинг кўзига яққол ташланаётган атроф табиий муҳит (ер, сув, осмон, қуёш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабилар) билан —Она табиат мавзусида очиқ ҳавода таништирув соатлари ёки вақтларини ўтказиш ва расмлар чиздириш, атроф олам ҳақидаги шеърларни ёдлатиш, машқларни бажартириш ва турли мавзудаги ўйинларни ўйнатишдан бошланади. Мазкур муассасаларда анъанавий —Байрам тадбирларини экологик маданият 11 январь – кўриқхоналар, 1 март – халқаро қушлар, 21 март – Наврўз, 22 апрель – халқаро Ер (планетаси), 5 июнь – бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби 20 дан зиёд экологик кунларга (Интернетдан топиш мумкин) бағишлаб ўтказилади. Экологик таълимга оид илк тасаввурлар айнан боланинг она табиатни ҳис этишидан бошланади. Қўшимча таълимда эса бола ва унинг ота-оналарига экологияга йўналтирилган викторина, топишмоқ ва уй вазифалари берилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида. Экологик таълим болаларнинг ёшларига қараб асосан икки, яъни бошланғич ва умумий ўрта таълим бочқичларида “География”, “Биология”, “Физика” ва ҳаттоки “Тарих” каби фанларга интеграллашган ёки татбиқ этилган ўқув мавзулари асосида олиб борилади. Лекин экологик таълим ўзаро узвий боғланмаган ва мувофиқлашмаган. Мактабдан ташқари экологик таълим Ўзбекистонда “Биоэкосан” муассасаси томонидан тўғарак ва турли шаклдаги танловлар орқали олиб борилади. Мактаб ва мактабдан ташқари таълимда экология ҳозиргидек интеграллашган тарзда эмас, балки математика, физика, она тили, хорижий тиллар каби махсус ўқув курсларини, жуда бўлмаганда, юқори 8 –

9-синфларнинг, ўқитилиш қонидасидан келиб чиққан тарзда амалга оширилгани маъқул. Чунки экология – организмлар ўзаро ва уларни атроф-муҳити билан бўладиган қонуниятларни тадқиқ этувчи фан соҳаси, унга оид билимларни берувчи таълим йўналиши ва ушбу муносабатларни оптималлаштиришга қаратилган иқтисодиёт тармоғидир. Дифференциаллик болаларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олувчи, синфлар билан фарқланиш асосида ташкил этилади. Албатта, бунда билим олиш оддийдан мураккабга томон иерархик поғоналаш, яъни тизимлаш орқали ташкил этилади ва юқори синфларда “Ўзбекистон экологияси” ўқув курси билан яқунланади. Чунки ёшларга миллий ғоя ва ғурурни шакллантириш мақсадида “Ўзбекистон тарихи” ўқув курси билан бир қаторда “Ўзбекистон экологияси”ни ўқитиш мақсадга мувофиқир. Бу унинг давлат ва жамият учун нақадар зарурлигини кўрсатади ва умуммажбурий хусусиятларини намоён этади ҳамда ягона мақсад сари интиптиради. Ўрта махсус, касб-хунар таълимда экология табақалашган тарзда амалга оширилади. Академик лицейларнинг ноэкологик таълим муассасаларида, олий таълим талабларидан келиб чиққан тарзда, “Умумий экология” ўқув курси сифатида ўтилгани маъқул. Унда умум экологик таълим талаблари билан бир қаторда, атроф табиатни муҳофаза қилишнинг кундалик қоидалари ва маҳаллий микёсда барқарор ривожланишнинг экологик хусусиятлари очиб берилади. Касб-хунар коллежларининг йўналишларига мос равишда —Касбий экология ўтилиши мантиқан тўғридир. Масалан, педагогика коллежларида – “Экологияни ўқитиш методикаси”, иқтисодиётда - “Иқтисодий экология”, туризм ва сервисда.- “Экотуризм асослари” ёки — “Экотуристтик хизматлар”ни ўтиш фойдадан ҳоли эмас. Бу билан битирувчиларнинг амалий экологик билим ва кўникмалари шакллантирилади ва уларни ишга жойлаштириш осонлашади. Айниқса, мажбурий таълим тизимидаги барча ёшларда экологик онг ва маданиятни шакллантиришга хизмат қиламиз.

Олий таълимнинг ноэкологик бакалавр йўналишларида, худди касб-хунар коллежлардек, экологик таълим талабаларини танлаган касбларига қараб ўқитилишини ташкиллаштириш БМТнинг барқарор ривожланиш талабларига мос тушади. Бундай ҳолатда эколог олимларнинг ҳамма эътибори жадвалда келтирилган ўқув курслари бўйича тузиладиган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва иш режаларини юқори савияда тайёрлашга жалб этилади. Экологик йўналишдаги бакалавр йўналишида экологик таълим мактаб ёки академик лицейдаги экология ва табиатдан фойдаланишга оид ўқув курсларининг номи ва мазмунини зинҳор қайтариши керак эмас. Бу эса ўта масъулиятли, экологиянинг ижтимоий нуфузига тўғридан-тўғри таъсир этувчи ҳолатдир.

Юқорида таклиф этилаётган экологик узлуксиз таълим мазмуни ва моҳияти реал шароитдан келиб чиққан тарзда акс этирилган субъектив дунёқарашдир. Лекин у экологик таълим ва тарбияга оид турли шакл ва

кўринишдаги илмий- амалий анжуманларнинг асосий мавзуси сифатида жой олса, ажаб эмас.

Юртимизда жисмонан ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тоза атроф муҳитсиз, бошқача қилиб айтганда экологик хавфсиз табиий муҳитсиз бир ёқлама тасаввур этиб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзи ҳамда атроф муҳит бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлангандир. Соғлом атроф муҳит, табиий муҳитнинг тоза ва мусаффолиги болаларнинг соғлом ва етук вояга етишининг асосий омилларидан бирidir.

Экологик муаммо тараққиёт, хавфсизлик, аҳолининг турмуши ва бевосита одамлар ҳаётининг давомийлигига таъсир кўрсатиб, айниқса аҳолининг энг ёш қисми бўлган болалар ҳаётига катта хавф солади. Сир эмаски, ифлосланган, захарланган атроф-муҳит биринчи навбатда ҳали ёш, энди ривожланиб шаклланиб бораётган организмга катта таъсир кўрсатади, унинг физиологик ва руҳий ривожланиш ҳолатига ҳам таъсир этмай қолмайди. Айниқса, ҳозирги пайтда оилада экологик омил ва талабларга асосланиб соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари муҳим касб этмоқда. Бизнинг назаримизда, оила – оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унга риоя қилиш ва тарғиб қилиш, зарарли одатларни олдини олиш, тоза мусаффо муҳитни қарор топтиришнинг кичик ёрқин модели ҳисобланади. Оила аъзоларининг муносабати, хўжалик юритиш услуги, тартиб-қоидалари ва одат-қўникмалари оиланинг кадриятларини белгилайди.

Кўп мингйиллик жамиятимиз тарихи шундан далолат берадики оилада маънавий-экологик кадриятларга ва унинг қарор топишига катта эътибор берилган. Охирги юз йилликда республикамиз экологик тизимига катта салбий таъсир етказилди, аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги халқ удумлари ва анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари унутиб юборилди.

Халқимиз бой экологик маданиятга эга. Асрлар давомида шаклланиб келган бой миллий маънавий кадриятларимиз ва меросимиз шундан далолат берадики, ота-боболаримиз, аждодларимиз Она заминга ўзгача муносабатда бўлиб, сув, тупроқ, ҳавони қадрлаганлар. Табиат бойликлари ва унинг эҳсонларини асраб-авайлаб, улардан тежаб фойдаланганлар. Маънавиятимиз пойдевори ҳисобланган муқаддас ҳадисларда: “Ёнглари, ичинглари, исроф қилманглари”, дейилган. Исроф қилмаслик, увол, гуноҳ ва меъёр каби тушунчаларни яхши англаб етганлар ва кундалик турмуш фаолиятида уларга қатъий амал қилганлар. Атроф-муҳитни, уйни, маҳаллани, кўча-куйни, шаҳар, қишлоқ, овулларни, бозорларни, ариқларни, ҳовузларни тоза, сарамжон-саришта тутганлар. Бошқача айтганда, экологик маънавиятга, экологик қоида ва мезонларга тўла амал қилганлар. Дарахтзор, боғ-роғларни яратилганлиги ҳақида тарихимиздан кўплаб маълумотларни келтириш мумкин. Боғ яратиш санъатига халқимиз азалдан эга бўлган. Оилада фарзанд туғилса унга атаб дарахт экилган. Тирик жониворларга озор етказилмаган.

Табиат билан уйғунликда ҳаёт кечиришган, яшаш муҳитига, табиатга нисбатан лоқайдлик, бефарқлик қораланган, ва пировард натижада табиат мувозанатини сақлаган.

Халқимизда яхши бир нақл бор “Атроф-муҳит тозалиги уйнинг остонасидан бошланади”. Ҳар бир хонадоннинг саришталиги, ободлиги унинг остонасида, кўча-куй, ҳовли-жойни тоза ва саранжом тутишда билинади. —Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, ота-оналар болаларга табиат инъом этган сувни асраб-авайлаш, тупроқ ва ҳавони ифлослантирмаслик, ўсимлик- яшиллик оламини сақлаш ҳақидаги ўғитларни доимий равишда сингдиришлари ва уларнинг ҳаёт мезонига айлантиришлари талаб этилади. Болаларимизга, Ўзбекистон учун тобора қадрли бўлиб бораётган ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланиш муносабатини шакллантириш айниқса, ўта муҳим масаладир.

Таъкидлаш жозки, айниқса бизнинг ўлкамизда ер ва сув асосий миллий бойлик бўлиб, халқ фаровонлигининг асосий манбаи ҳисобланади. Шу билан биргаликда, инсон саломатлиги ҳам миллат бойлиги ҳисобланади. Бинобарин, тоза ичимлик суви ҳар бир оила соғлом ҳаёт юритишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бугунги авлод ўсиб, улғайиб, инсонлар ҳаёти ва атрофимиздаги табиатни асраб-авайлаш ҳақида ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиши керак бўлади. Оилада ота-оналар, катталар томонидан болага бирламчи экологик маданият сабоқлари берилади. Табиатдаги содир бўлаётган ҳодиса ва ўзгаришларнинг бевосита ҳар бир кишининг саломатлигига, руҳиятига, кайфиятига таъсирини ота-оналар ўз болаларига астойдил тушунтирсалар, бола кўнглида муҳрланиб ва шундай нарсаларни билишга ҳамда оқилона ҳатти - ҳаракатларга риоя қилишларига интилишлари ошади.

Авваломбор, болаларимизда экологик маданият сабоқларини шакллантиришда катталарнинг табиатга, атроф-муҳитга бўлган муносабати катта ўрин тутди. Ота-оналарнинг атроф-муҳит тозалигини сақлашга бўлган доимий эътибори, сайъ-ҳаракатларини кўрган ва ҳис қилган болалар – фарзандлар, улар орқасидан эргашишга ҳаракат қилишади, улардан намуна ва ўрнак оладилар. Оила даврасида биргаликда эрта баҳорда ҳовли ва кўчада дарахт экиш, уни парвариш қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, ҳовлини обод қилиш ҳар бир бола учун яхши намуна мактабини ўтайди ҳамда атроф-муҳитга бўлган эзгу муносабатини белгилашда замин яратади.

Кўкаламзорлаштириш жараёнларига жалб этилган болаларнинг ўз навбатида эстетик дунёқараши ва тафаккури кенгайиб боради, табиатдан, унинг бой ҳилма-хил рангларидан маънавий эстетик завқ олиши, табиатга ошнолиги кучаяди. Гулларни хуш кўрмайдиган боланинг ўзи йўқ. Хонадонимизда маданий гулларни кўпайтириш ва парвариш қилиш экологик тарбиянинг яхши унумли воситаси болаларнинг экологик онгини ривожлантиради. Хонадондаги гуллар, яшил ўсимликлар ўз навбатида ҳавони кислород билан таъминлаб болаларимизнинг тоза ҳаво билан нафас

олишни таъминлайди. Қизлар айниқса гулларга ошно бўладилар, ўғил болалар эса тирик жониворларни парвариш қилишга мойил бўладилар. Ота-оналар, айниқса аёллар болаларнинг эрта ёшлигиданоқ бу мойилликларни аниқлаб, бу йўсинда иш олиб боришлари фарзандларининг дунёқарашини кенгайтиришга олиб келиб, яхши натижа беради. Болаларнинг мактабда олган табиат ҳақидаги билим ва сабоқларини ота-оналар уларга кундалик ҳаётда риоя қилишларини ва амалда татбиқ этишларини тушунтиришлари ва кузатишлари лозим. Фарзандларимиз муносабатида исрофгарчилик аломатларига асло йўл қўймаслик, уни олдини олиш ва тежамкорлик хислатини ёшлигиданоқ сингдириш зарур. Табиат тугалмас хазина эмас, кўплаб табиат бойликлари тикланмайди. Таъкидлаш ўринлики, болалик даври инсон ҳаётининг илк, беташвиш босқичи ҳисобланади. Болалар атроф - муҳит ва унда рўй бераётган ҳодисаларни англашга эмоционал-ҳиссий ёндашадилар. Бунинг натижасида уларда, аста-секин ҳодисалар моҳиятини ифодаловчи шахсий қараш, сифат ва мустақил муносабат шаклланиб, уларнинг руҳиятида сақланиб қолади. Табиатнинг кучли тарбиявий салоҳиятини ҳисобга олиб, оила билан биргаликда табиат қўйнига саёҳат уюштириш ўз навбатида болаларнинг кузатувчанлигини, ўраб турган табиий муҳитдан эстетик завқланишини, ҳамдардлик туйғусини, табиат қўйнида ўзларини қандай тутиш қоидалари ва одобини шакллантиришга, уларнинг соғлом, маънавий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам беради.

Ота-онасининг атроф-муҳитга ҳатти-ҳаракати болада қандай муносабат уйғотади? Ахлат ва чиқиндиларни дуч келган ерларга тўкиш, уни ёндириш, айниқса кузги хазонрезги даврда хазонларни ёқиб ҳавони булғайдиган нохуш ҳолатларига беихтиёр кўзимиз тушади. Энг ачинарлиси биз баъзан бу жараёнга болаларни ҳам тортмоқдамиз, шу каби ишларни уларга буюриб охир-оқибатда уларни бундай салбий ҳаракатларнинг бевосита иштирокчисига ҳам айлантирамиз. Ўз навбатида эса болалар катталар ҳаракатидан, муносабатидан ўрнак оладилар. Аксинча, болаларнинг атроф-муҳитга бўлган ноҳўя муносабатига ота-оналар муносабат билдиришлари ва бунинг салбий оқибатини тушунтириб, табиий муҳит тозалиги, ҳавонинг мусаффолиги аввалом бор бизнинг саломатлигимиз, ҳаётимиз барқарорлигини таъминлашини астойдил ўқтиришлари лозим. —Тоза муҳит бу соғлом ҳаёт муҳити қоидасини оиланинг турмуш тарзи ва дунёқарашини, кундалик зарурияти, амалий кўникмаси ва ҳаётининг эҳтиёжига айланттириш зарурдир. Болада соғлом турмуш тарзининг илк қоидаларини шакллантиришда ота-оналар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг тозалигини сақлаш, сув, ҳаво ва тупроқни ифлослантормаслик, тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар биримизнинг қонуний ҳам инсоний бурчимиз эканлигини ҳаётининг мисолларига таяниб астойдил ўқтиришлари лозим.

Биобарин, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ер, сув, табиий газ ва бошқа ресурслардан оқилона, самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш оиланинг даромадига таъсир этишини болалар билишлари фойдадан ҳоли бўлмас.

Дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳозирги ва келажак авлод учун тоза, соғлом, хавфсиз атроф-муҳитни яратиш масаласи ҳисобланади. Барқарор ривожланиш заминида айнан ҳозирги ва келажак авлодлар манфаати – болалар, фарзандларимиз манфаати, уларни хавф остига қўймаслик, улар учун тоза, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳит ва фаровон ҳаёт яратиш масаласи турганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Табиатга яқинлик, она заминга муҳаббат, жонажон ўлканинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш болаларни маънавий-руҳий жиҳатдан бойитиб нафис дидини шакллантирди ҳамда муқаддас замин ўз она-юртининг фаровонлиги ва табиатининг мусаффолиги тўғрисида қайғуришни ўзларининг бурч ва масъулиятли эканликларини юраклари билан ҳис этадилар. Табиатни муҳофаза этиш, уни бойликларини авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишни даврни ўзи талаб этиб, барчамизни табиатга янада эътиборлироқ ва масъулиятлироқ бўлишга ундамоқда.

Шундан келиб чиқиб қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- болаларимизда атроф-муҳитга бўлган ижобий муносабатни шакллантириш, уларда масъулият ҳиссини уйғотиш ва тарбиялаш, табиат ресурсларидан – ердан, сувдан, энергиядан, барча хомашёлардан эҳтиёткорлик, тежамкорлик ва сарҳисоблик билан фойдаланиш, яъни уволга йўл қўймаслик кўникмаларини кундалик ҳаётда уларга сингдиришимиз, бу ҳатти-ҳаракатларда шахсий намуна амалларини кўрсатиш;

- болаларизнинг маънавий-маърифий тарбиясига асосий урғу бериб, уларда юксак инсоний фазилат, атроф-муҳитга бўлган муносабатнинг яратувчанлик, бунёдкорлик ва обод этиш сифатларни қарор топтириш орқали экологик маънавиятни ва табиатга бўлган янги қарашни

- оила муҳитида тоза ичимлик сувидан самарали фойдаланиш маданиятига қатъий амал қилиш ҳар бир оила аъзоларининг ажралмас фазилатига айланиши;

- оилада боланинг соғлом турмуш ва экологик одобини ҳар томонлама шаклланишига, сувни, тупроқни, ҳавони ифлослантормаслик, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлашга ўз хиссасини қўшиш, унга бўлган ғамхўрлик сифатларини қарор топишига, шахсий экологик позициясини тарбиялашга эътиборни қаратиш;

- болаларимизда экологик ҳуқуқнинг бирламчи куртакларини, яъни атроф табиий муҳитга бўлган ўз фуқаровий бурч ва мажбуриятларини англаб етишларига, экологик хавфсиз муҳит инсонларнинг соғлом ҳаёт кечиришларига ҳамда санэкологик ҳолатининг яхшилашига замин бўлишини тушунтириб бориш;

- болалар томонидан турли ҳаётий вазиятларда қарор қабул қилаётганларида, албатта атроф-муҳит ҳолатини эътибордан чиқармасликни ва уни ҳисобга олиш зарурлигини, боланинг атроф-муҳитни тоза сақлашда кўрсатган амалларини ота-оналар доимий равишда қўллаб-қувватлаши ҳамда

табиатга қилинган ножўя ҳатти-ҳаракатнинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини уқтириб бориш;

- фарзандларимизни бўш вақтларида бевосита табиат қўйнида, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг турли туман эканлигини англаши, ранг-баранг гўзалликларидан уларни баҳраманад қилиш борасида имкон қадар биргаликда табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш. Зеро, биз ота-оналар, устоз-мураббийлар ва барчамиз болаларимизнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишига ва уларнинг ўз она заминини нақадар асраб-авайлашга қодир эканлигига жавобгармиз.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълим тизими ?
2. Экологик тарбия, маданият ва онг деганда нимани тушунасиш?

8-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси Табиатни Муҳофаза Қилиш Давлат Қўмитаси.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилаш давлат қўмитасининг ташкил қилиниш тарихи.
2. Қўмита тизимдаги ташкилотлар ва унинг вазифалари.
3. Қўмита фаолиятини ташкил этилиши.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилаш давлат қўмитасининг ташкил қилиниш тарихи ва унинг вазифалари. 1980 йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистонда экологик муаммолар шу қадар жиддий тус олиб кетдики, натижада республика ҳукумати янги давлат тузулмасини - Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини ташкил этди. Шу тариқа, 1988 йилнинг апрел ойида республика ҳукуматининг махсус қарори билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати юзасидан назорат қилиш бўйича давлат органи ташкил қилинди.

1990 йил 10 декабрда Республика Олий Кенгаш Президиуми “Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлади. 1992 йил декабрда мустақил Ўзбекистон Республикаси Парламенти - Олий Мажлиснинг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги дастлабки Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Мазкур икки ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди, шунингдек,

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилик базасининг ташкил этилишини бошлаб берди. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибига бошқарув аппарати, давлат инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, илмий- текшириш муассасалари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан Ҳисор давлат қўриқхонаси ва Бухоро вилоятидаги “Жайрон” экомаркази киради. Қўмита ва унинг тизимидаги ташкилоларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

-экологик хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, алоҳида шахслар томонидан ерлар, қазилма бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

-табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқарувини амалга ошириш;

-атроф-муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлаш ва экологик ҳолатни соғломлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

-инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш

манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

-жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

-экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма - хиллигини сақлаб қолиш;

-экология хавфсизлигини таъминлаш;

-табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида қатор конвенцияларга аъзо бўлди. Хусусан, “Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш тўғрисида”ги Конвенция (1995 йил), “Йўқолиб кетиш хавфида турган фауна ва флоранинг ёввойи турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида”ги Конвенция (СИТЕС 1997 йил), “Кўчиб юривчи ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Бонн Конвенцияси (1998 йил), “Халқаро аҳамиятга эга бўлган, сувда сузувчи қушлар учун яшаш маскани сифатидаги сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисида”ги Рамсар Конвенцияси (2001 йил), “Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Вена Конвенцияси (1993 йил), “Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва уларни йўқ қилиш устидан назорат тўғрисида”ги Базел Конвенцияси (1995 йил).

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қиллаш давлат қўмитаси қачон ташкил қилинган?
2. Қўмита тизимдаги ташкилотлар ва унинг вазифалари нималардан иборат?
3. Қўмита фаолиятини қачон ташкил этилган?

9-Мавзу: Ўзбекистон Экология ва атроф муҳофазаси қўмита структураси ва уни фаолияти

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси устидан давлат назорати.
2. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги №405-ии сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидагилар устидан давлат назоратини олиб боради:

- экология тизимлари, табиий генофонд, биологик мувозанатнинг, атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупроқни ифлослантирувчи манбаларнинг, ўсимлик дунёси(шу жумладан ўрмонлар) ва биологик сув объектларининг, ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитининг ҳолати;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг;

- ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлашнинг(оқизишнинг) белгиланган лимитлари ва йўл қўйилиши мумкин;
- энг юқори бўлган нормативларга ҳамда бундай ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлашни(оқизишни) белгилаган нормативларга қадар камайтиришга доир келишилган чора-тадбирларга;
- янги ва қайта қурилган корхоналар ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишда экологик нормативлар, стандартлар ва талабларга;
- фойдали қазилмаларни қазиб олиш, портлатиш ишларини ўтказиш, қазилма чиқиндихоналарини, қолдиқ жинслар уюмини ва ахлатхоналарни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф муҳитни ифлосланишдан, буғланишдан ва қашшоқлашишдан муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш талабларига;
- ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларни, минерал ўғитларни, бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш чоғида атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига;
- кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш меъёрлари ва қоидаларига;
- балиқчилик, балиқ захираларини муҳофаза этиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни уруғлатиш, балиқчиликни рағбатлантириш қоидаларига;
- сувни муҳофаза қилиш объектларини, сув хўжалиги тизимлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларини ишлатиш қоидаларига доир қисмига риоя этиши ва уни бажариши;
- атроф муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш дастурлари ва топшириқларини бажариш;
- ер, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси давлат кадастрларини юритиш;
- табиатдан фойдаланувчилар табиий ресурслардан фойдаланишнинг, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар, саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва оқизишнинг ҳамда бошқа зарарли таъсирларнинг(жисмоний таъсирдан ташқари) дастлабки ҳисобини юритиши, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботлари тўғри бўлишига риоя этилиши;
- сув ресурсларидан фойдаланиши, сувдан фойдаланишнинг белгиланган нормалари, қоидалари ва тартиботига риоя этилиши, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш, буғланиш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиниши, шунингдек сув объектларининг қирғоқ бўйларида(зоналарида) сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

- ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ер участкалари қайси мақсадларучун берилган бўлса, шу мақсадларга мувофиқ фойдаланишлари ва тупрокни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари;

- вақтинча фойдаланишга берилиб, қурилиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш;

- ўрмон ресурсларининг, қимматли табиий ландшафтларининг, шунингдек ўрмон ўсимликларининг сувни муҳофаза қилиш, сувни бошқариб туриш, экин майдонларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳимоя вазифалари сақланишини таъминлаш;

- кўриқхона ишларини юритиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартиботини таъминлаш;

- давлат овчилик фондини муҳофаза этиш, ов ва овчилик хўжалиги юритиш қондаларига риоя этилиши;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасига доир бошқа масалаларнинг ҳал этилиши.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- атроф табиат муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;

- табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- атроф муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг кўпроқ иқтисодий усулларини кенг қўллаш.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси устидан қим назорат қилади?

2. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?

10-Мавзу: Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш

Режа:

1. Сув хўжалигини экологик тизимга таъсири.

2. Сув хўжалигини экологик тизимга таъсирини тарқалиш хусусиятлари.

3. Орол денгизининг ҳолати ва унинг қуриши келтирадиган салбий оқибатлар.
4. Дарё сувларидан суғоришда кўп фодаланишнинг оқибати.
5. Сув омборлари ва уларнинг экологик тизимига таъсири.

Қайд қилинганидек кишилар ҳаётини табиий муҳитга аралашмай ўтишини тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Бу ҳаёт жараёнининг энг муҳим ва табиий муҳит учун энг зарурларидан бири одамларнинг сув хўжалигидаги фаолиятidir. У иссиқ иқлимли минтақалар шароитида табиий муҳитнинг асосий таркибий қисмларидан бўлган ер ва сув ресурсларидан мақсадли фойдаланишнинг асосини ташкил қилади ва умуман экологик шароит ҳаёт учун мослаштиришга йўналтирилган бўлиб, унинг ҳолатига жиддий ўзгаришлар киритади. Сув хўжалиги асосан суғориш ва заҳ қочириш мелиорациясидан иборат бўлиб, бу тушунчалар кенг маънода ерларни текислаш, уларни турли сув манбаларидан ирригация тармоқлари тизими орқали суғориш, шўрланишни ва заҳ босишни бартараф қилиш, дарё оқимларини тартибга солиш ва майдонлараро қайта тақсимлаш, ер ости сувларни ичимлик суви учун, суғориш учун ҳамда ерларни захини қочириш учун тортиб олиш, суғорма деҳқончилик ишларини олиб бориш учун турли коммуникация иншоотларини барпо қилиш каби турли тадбирларни ўз ичига олади. Бундай тадбирлар Орол денгизи ҳавзасидаги барча сув манбаларидан ва 10 млн гектарга яқин ер майдонида ўтказилган. Бунинг учун мавжуд сув ресурсларининг 95 фоизига яқини сарфланади.

Фақат Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га бўлиб, уларнинг 2 млн.га дан ошига насослар (сўргичлар) билан кўтариладиган сув билан суғорилади, 61 сув омбори ишлатилади, дарёларда 1500 гача яқин турли гидротехника иншоотлари, умумий узунлиги 38 минг км бўлган 15000 га яқин суғориш тармоғи, 340 минг км дан зиёд коллектор-зовур тизими бор. Уларда 72 мингдан зиёд турли иншоот, 123 минг кўприк, 14400 тик қудуқ қурилган. Мавжуд мелиорация тизимидан фойдаланиш учун 270 минг, узунликда турли қопламали йўллар барпо этилган.

Сув хўжалиги қурилишини таъсири назарий жиҳатдан қараганда ташқи муҳитнинг ҳамма таркибий қисмига тарқалади. У чекланган ва регионал миқёсига эга бўлиши мумкин. Бугунги кунга келиб гидротехник мелиорациянининг ер юзаси атмосферанинг иқлимий шароитига, биосферага, ер ости ва ер усти гидросферасига (то регионал сув ўтказмайдиган қатлам тарқалган чуқурлиги), шунингдек тупроқ ва тоғ жинсларининг физикавий ҳамда механик хоссалари ва ер қобигининг геостатик мувозанатига катта таъсири инкор қилиб бўлмайдиган даражада тасдиқланган бўлсада, унинг тарқалиш қонуниятлари аниқланмаган, миқдорий баҳолаш усул ва услубиятлари охиригача ишлаб чиқилмаган. Сув хўжалигининг экологик шароитга таъсири ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш натижасида содир бўладиган жараёнларни қуйидаги уч асосий гуруҳга бўлиш имкониятини яратиди:

1. Гидромелиорация мақсади учун сув оқимларини тартибга солиш, тақсимлаш табиий геостатик ҳамда гидростатик мувозанатни бузилиши, янги сув ҳавзаларини ҳосил бўлиши, мавжуд сув ҳавзаларини қуриши, майдонларни сув остида қолиши, уларда янги тоғ жинслари чўқиндиларини ҳосил бўлиши, сув ҳавзалари қирғоқларини емирилиши (ювилиши), зах босиши, ер ости сувлари гидростатик босимни ўзгариши каби жараёнларни содир бўлишига олиб келади. Ҳозирги кунда сув хўжалиги қурилиши лойиҳаларини ишлаб чиқиш амалиётида асосан сув омборлари қирғоқларни ювилиши, улар атрофидаги ерларни зах босиши, улар содир бўлиши мумкин бўлган майдон чегаралари башоратланади, холос. Сув омборларида қаттиқ чиқиндиларни йиғилиши (аккумуляция) асосан омбор ҳажмини камайишини баҳолаш нуқтаи назаридан ўрганилади. Умуман олганда, сув омборларининг экологик тизимига таъсири ҳозирга давргача мукамал ўрганилган эмас, ўтказилаётган тадқиқотлар асосан уларнинг мустаҳкамлигини ва фойдали ҳажмини аниқлашга, шунингдек кўзга яққол ташланувчи салбий оқибатлар (масалан, қирғоқни зах босишини) башоратлаш ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари асослашга йўналтирилган. Бу тадбирларнинг иқлимий шароит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири умуман ўрганилмаган.

2. Экологик тизимда гидромелиорация (суғориш ва зах қочириш) ишлари билан бевосита боғланган ўзгаришлар назарий ва амалий жиҳатдан нисбатан яхши ўрганилган бўлса ҳам улар натижалари илмий жиҳатдан умумлаштирилмаган. Бу масалаларга қатор таниқли гидролог, гидрогеолог, гидротехник-мелиоратор, тупроқшунос олимлар ишлари бағишланган. Афсуски, буларда кўпинча содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларгина ўрганилиб, уларни башорат қилиш, мақсадли бошқариш назарияси, услубияти деярли ёритилмайди. Бу тўғридаги таклифларни тўплаш натижалари кўп ҳолларда амалиётда тасдиқланмайди. Бу масалаларни ҳал қилиш суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг самарадорлигани ошириш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқдир.

3. Экологик тизимда сув хўжалиги қурилишига йўлдош бўлган ўзгаришлар ҳам содир бўлади. Булар дарё ва кўлларнинг қуриши, ҳаво ҳароратини пасайиши, атмосфера намлигини ўзгариши майдонларда денудация ва эрозияни содир бўлиши ер юзасини чўкиши, ўпирилиши, ғорлар ва ўпконларни пайдо бўлиши каби ҳодисалардан иборатдир. Бундай ҳодиса ва жараёнлар тупроқни шудгорлаш, текислаш, намлигини суний ошириш, улардаги тузларни эриши, ювилиши, суффозияси, шиббаланиши натижасида юзага келади. Бу ўзгаришлар умуман ҳаммага маълум, муайян шароитда уларни бартараф қилиш усуллари ҳам ишлаб чиқилган. Умуман бу ўзгаришларни суғорма деҳқончиликни ташкил қилиш ва айниқса гидромелиорация тизимларини ишлатишда аҳамияти жуда каттадир. Аммо бу ҳодиса, жараёнларни миқдорий баҳолаш ва айниқса башоратлаш назарий ҳамда амалий жиҳатдан тўла ўрганилган эмас. Натижада ерларни суғорма деҳқончилик учун ўзлаштириш лойиҳалари кўп ҳолларда ўзини оқламайди.

Қурилиш ишлари тугалланмасданоқ бу лойиҳаларга ўзгартириш киритиш зарурияти туғилади. Улар ўз навбатида ерларни ўзлаштиришда кутилган самарани бермайди, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш коэффицентини пасайтиради ва кутилган ҳосилдорликка эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, сув хўжалигини қурилиши табиий муҳитга жуда катта таъсир кўрсатувчи кишилар фаолиятидир. Бу омил экологик тизимда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар йўналишини аниқлаш, миқдорий баҳолаш ва башоратлаш, уларнинг салбий оқибатларини бартара қилиш чоратадбирларини белгилаш учун ниҳоятда зарурдир. Аммо бундай муаммоларни ечиш назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳолати кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби тадқиқотчиларни бунга қизиқиши сустлигида эмас, балки муаммони кўп омиллик ва мушкиллигидадир. Уни фақат мукамал тадқиқотлар натижасида ҳал қилиш мумкин, холос. Шу билан бирга ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўп ҳолларда фақат тармоқ манфаатларигина кўзлангани учун муаммонинг мураккаблиги назарга олинмайди, натижада асосий мақсадга эришиб бўлмайди. Бу мақсадга эришиш учун илмий изланишларда кучларини бирлаштириш даркор.

Одамларнинг сув ҳўжалиги қурилишидаги фаолияти натижасида экологик тизимда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар

Гидромелиорация билан боғлиқ жараёнлар	Экологик шароитининг ўзгариш сабаблари	Жараён	Мисоллар	Жараён ўрганиш ҳолати
1	2	3	4	5
А. СУВ ОҚИМЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАҚСИМЛАШ БИЛАН БОҒЛИК БЎЛГАН				
Сувли катламларда гидростатик босимни ўзгариши, зах босиши ва босимининг ортиш жараёнлари	Сув омборлари, каналлар суғориладиган ерлардан сувни сизилиши, уларда гидростатик босимни тарқалиши ер ости сувларини чиқариш ва ш.у.		Ҳамма гидротехник иншоотлар, суғориладиган майдонлар ер ости қурилмалари ва ш.у. сувларини чиқариш	Назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган ва ўрганилмоқда
Ирригацион иккиламчи геологик чўқиндиларни ҳосил бўлиши	Сув омборларида чўқиндиларни суғориладиган майдонларда лойқани чўқиши	Асосан чекланган майдонларда	Ҳамма сув омборлари, каналлар ва суғориладиган ерлар	
Сунъий сув ҳавзаларини пайдо бўлиши, улардаги чўқиндини ҳосил бўлиши ва улар қирғоқларини (ювилиши) майдонларни сув остида қолиши	Дарё сув оқимларини сув омборларида тартибга солиш ташлама ва оқова сувларни ер усти ботиқликларида йиғиш		Ҳамма дарёлар ҳавзаси Сарикамиш, Айдар, Арнасой кўллари ва ш.у.	Жараёнлар яхши ўрганилган башорат назарияси ва услублари ишлаб чиқилган

Кўл ва денгизларни қуриши	Дарё сувларини асосан сарфлаш суғориш учун	Регионал ва чекланган	Орол денгизи, иссиқ кўл ва х.к.	Ўрганилмоқда, башоратлаш назарияси ва услуги чиқилмаган
Геостатик мувозанатни бузилиши (майдонлар сейсмик ўзгариши) кўрсаткичларини	Ер қобиғини у ёки бу қисмида юк миқдорини катта сув омбори га бошқа гидротехник иншоотлар, улардаги сув ҳамда чўкинди оғирлиги ҳисобига ошириш	Чекланган	Нурек, Қайроққум сув омборлари ва ш.ў.	Деярли фақат айрим ўтказилган кузатишлар ўтқазилган
Майдонларни чўлга айланиши ва уларни ободонлаштириш	Баъзи майдонга сув келиши ва уларни сув ювилишини тўхтатиш, ер ости сувлари сатхини пасайиши ботқоқликларни қуриштириш ва чўлларни ўзлаштириш		Сирдарё ва Амударё манабалари (дельталари)ни, Мирзачўл. Қарши ўзлаштирилиши Фарғонани ўзлаштирилиши	Умумий масалалар ўрганилган, синчиклаб ўрганиш давом этмоқда, аммо мукаммал етишмайди тадқиқотлар етишмайди
Тупроқ, ер ва сувларни ифлосланиши	Турли кимёвий органик ва заҳарли моддаларни кўллаш, коллектор-зовурларни қуриши ва ш.ў.			
Майдонларни урбанизациялаш (янги аҳоли яшайдиган жойлар барпо қилиш)	Замонавий аҳоли яшайдиган масканлар қуриш			

Биосфера ўзгариши	Табиий ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини маданийлаштириш, уларни қайта ишлаш, тўқай ва ботқоқликларни ўзлаштириш, сунний кўллларда балиқчиликни ривожлантириш	Регионал ва чекланган		
Б. ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТАЪСИРИДА СОДИР БЎЛУВЧИ ЎЗГАРИШЛАР				
Денудация ва ер юзасини чўкиши	Сизилаётган сувлар билан тупроқдаги тузларни эриши, ювилиши ва дренаж сувлари билан чиқарилиши. Ер ости сувларини чиқариш жараёнида гидростатик босимни камайиши	Асосан чекланган майдонларда содир	Мирзачўл, янги ўзлаштирилган ерларда	Деярли ўрганилмаган, ҳодисалар тасдиқланган
Деярли ўрганилмаган, ҳодисалар тасдиқланган	Иншоот оғирлиги таъсирида грунтни чўкиши	Чекланган майдонда	Деярли ҳамма иншоотларга таллуқли	Ўрганилган ва синчиклаб ўрганилмоқда
Соз тупроқларни ўпирилиши	Тўпроқни сув билан тўйиниши, унинг макроғавакларини камайиши оқибатида зичланиши. Проллювиал ва делювиал соз тупроқларда ҳосил бўлади.		Чирчиқ ва Келес дарёлари оралиғида, Жиззах, Қарши, Кўкорол чўлларида	

Грунтларнинг физик механик ва сув сизилиш хоссаларини ўзгариши	Грунтларни зичланиши, улардаги тузларни ювилиши, буғланиши натижасида шўрланиши, ерларни шудгорлаш, юмшатирилган қатлам остида шибаланган тупроқ ҳосил бўлиши ва х.қ	Регионал ва чекланган майдонларда	Суғориладиган воҳаларнинг ҳаммаси	Ҳозирчалик ҳодисалар содир бўлиши аниқланган, қонуният ва текишириш усуллари ўрганилмоқда
Соз тупроқларда ғорлар, жарлик ва ўпқонларни ҳосил бўлиши	Грунт заррачаларини сизилаётган ҳамда оқим сувлари билан ювилиши ва суффозия натижасида ғор ва жарликларнинг ҳосил бўлиши	Асосан чекланган майдонларда	Соғ тупроқдан иборат бўлган суғориладиган майдонлар	Жараён ўрганилган, башоратлаш усули ишланмоқда
Тупроқли сув ва шамол эрозиясига учраши	Тупроқни шудгорлаш, каттанишабга эга бўлган ерларни, эрозияни олдини олиш чора-тадбирларисиз хайдашга суғориш		Суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирилган чўл ва тоғ бағри ерлари	Жараён яхши ўрганилган тадбирлар ишлаб чиқилган

Табиий экологик ҳолати бузилмасдан олдин (1911-1962 йиллар) Орол денгиздаги сув сатҳи 53+- 0,4м мутлоқ баландликда бўлиб, ундаги сув ҳажми 1064 куб.км, майдони 66 минг кв.км денгиз сувида эриган тузлар миқдори 10-11 г/л ни ташкил қилган. Денгиз сув йўли ва балиқчилик маскани бўлган. Кемалар Термиз шаҳрини Амударё ва Орол орқали Орол темир йўл бекати билан боғлаган. Йилига 44000 тоннагача ноёб (мўйлабли ва лаққа) балиқ овланган,

Орол ҳавзасидаги суғоришга яроқли бўлган 32,6 млн.га ердан 5,1 млн.га суғорилган. Бунинг учун мавжуд ҳавза сув ресурсларидан (119 куб.км) 51,5 куб.км сарфланган. Худди шу ҳолатда Орол бўйининг экологик тизими вужудга келган. Шунинг учун ҳам Орол бўйидаги ҳаётни ёки бу тизимсиз тасаввур қилиш ва Орол денгизининг геологик тарихида бўлган ўзгаришлардан келиб чиқиб у сиз ҳам яша мумкии деган хулоса чиқариш асло мумкин эмас.

1995 йилга келиб Орол денгизига сув сатҳи 37 м баландликкача, унинг ҳажми 285 куб.км гача, майдони эса 30 минг км² гача камайди, сувдаги эриган тузлар миқдори эса 30 г/л дан ошиб кетди. Шу давр ичида ҳавзадаги мавжуд суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш даражаси кескин ортди, кўшимча 2,5 млн. га ер ўзлаштириштирилди, ва унга Сирдарё ва Амударёнинг деярли ҳамма сув ресурслари ишлатилиб (1-жадвал), денгизга деярли сув келмай қолди.

Натижада денгиз қурий бошлади, у балиқчилик хўжалиги ҳамда сув йўли сифатида ўз мавқеини йўқотди, экологик мувозанат издан чиқди, иқлим ўзгара бошлади: ҳарорат қишда 1,5-2,5 даражагача совийди, ёзда эса 1,5-2,5 даражагача исийди, ўсимликларни ўсиш (вегетация) даври 10-15 кунга қисқарди ва ҳ.к.

Орол денгизини қуриган туби аҳолини, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ҳамда ҳавони заҳарловчи туз-чанг заррачаларга тўла масканга айланди. Шамол орқали уларни 500 км масофага тарқалиши аниқланган. Турли тахминий ҳисобларга кўра Орол денгизига 10 млрд. тоннадан зиёд бундай тузлар захираси бўлиб, ҳар йили унинг 100-130 млн.тоннагачаси шамол ҳавога кўтарилади.

Умуман олганда Орол денгизи ва бошқа ички сув ҳавзаларининг табиий экологик мувозанат тизимидаги ўрни ҳақида аниқ тасаввур йўқ. Шунинг учун ҳам айрим давлатларнинг табиат қонунлари ва синчиклаб ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланмаган табиий бойликлардан фойдаланган сиёсати юмшоқ қилиб айтганда жиддий ўйланмаган бўлади.

Масалан, ўта мураккаблигини тасдиқлаш мақсадида профессор А.А.Турсунов тадқиқотлари асосида қўйидаги фикрларни келтирамиз. Орол ҳавзасидаги экологик мувозанатни бузилишига қадар Ғарбдан Турон пасттексислигига йилига 2500 куб.км намлик, 15 млн.тонна чанг ва бошқа саноат чиқиндилари ҳаво билан бирга келган (Кавказ, Урал, Помир, Тяньшан ва Химолай тоғ тизмалари билан ўралган Турон минтақаси ҳавоси нисбатан тоза ҳисобланган). Ички сув ҳавзаларидан йилига 370 куб.км сув буғланган.

У минтақага келадиган намнинг 14 фоизини ташкил қилиб, муҳим иқлим ҳосил қилувчи омил ҳисобланган. У Қизилқум ва Қорақум ҳавосини ёзда бирмунча совитган, қишда эса илитган. Ҳозирги кунга келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Орол денгизи ва Қорабўғоз ҳавзасининг қуриган қисмидан ҳавога йилига 310 минг тоннагача қаттиқ (туз ва чанг) аэрозоллар кўтарилмоқда. Унга эса кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича сўнги йилларда Европа, Осиёнинг Орол ҳавзасига яқин қисмидасодир бўлаётган экологик ўзгаришларнинг сабаби бўлмоқда.

Бундай экологик ўзгаришларнинг баъзиларини келтириб ўтамыз.

1. Орол ҳавзасида атмосфера ёғинларидаги тузлар миқдори 5-7 марта ошди, кислотасимон ёмғирлар тез-тез ёғадиган бўлди, улар тупроқ, сув меъморчилик ҳамда тарихий ёдгорликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳолатига катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Орол ва Қорабўғоз ҳавзасининг қуриган қисмида ҳавога кўтарилаётган захарли сульфат аэрозоллари нам билан тўйинган булутларни оғирлаштириб пастга туширишдан ташқари хлор-фтор-углеводородлар каби атмосферанинг озон қатламнинг жадаллик билан емирмоқда.

3. Орол ва Каспий денгизларининг таъсири тарқаладиган майдонларидан глобал иқлим шароитини ўзгартирувчи чанг тўзон бўронлари кучаймоқда. Ҳозирда бундай буронлар содир бўлаётган минтақа чегараси Молдованинг ғарбидан бошланиб Черновци, Киев, Харьков, Воронеж, Пенза, Куйбишев, Урал, Оренбург, Орск, Кустанай, Петропавловск, Барнаул шаҳарлари орқали ўтиб Олтой тоғларида тугайди. Жанубда эса бу чегара Турон пасттекистлигини қамровчи тоғ тизмалари орқали ўтади.

4. Каспий денгизи сатҳининг ўзгаришини ер шарининг иқлимини ўзгариши билан таққослаш шуни кўрсатдики ундаги сувдан боғлиқ бўлмай, балки антропологик омиллар, Орол ва Қорабўғознинг қуриган тубидан кўтарилаётган қаттиқ аэрозоллар денгиз сатҳидан буғланаётган намни конденсациялаштириб, атмосферада нисбатан баланд бўлмаган булутларни ҳосил қилади. Улар эса қуёш радиациясини қайтаради, денгиз устида ҳаво ҳароратини пасайтиради, ёғин миқдорини оширади, буғланишни камайтиради. Натижада денгиз сувининг сатҳи кўтарилади, қирғоқларни сув босади.

5. Денгизларнинг қуриган қисмидан кўтарилаётган туз, чанг ва қум заррачалари Помир, Тянь-Шан (эҳтимол Гималай) тоғ тизмаларига ҳам тарқалмоқда. Бу ерларда ўрмонзорлар ва ёзги яйловларнинг бузилиш жараёни содир бўлмоқда, музликларни эриши жадаллашмоқда, улардаги сув захираларини тўлдирувчи қорлар ёғиши камаймоқда, дарёлар (айниқса кичик дарёлар) оқими камаймоқда, ёмғир миқдори кўпаймоқда. Умуман минтақа бўйлаб ёғин тартиби ўзгармоқда ва ҳ.к.

Қайт қилинганлар билан Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари тугамайди. У бу муаммони ниҳоятда муҳим ва мураккаблигини, уни махсус ва жиддий ўрганиш лозимлигини асослайди.

Атроф муҳитни ўзгариши туфайли дарёларда фақат сувда эриган тузлар микдоригина кўпаймай, уни таркиби ҳам ўзгарган ва ундаги захарли моддалар ҳам кескин ошган. Бундай ҳол фақат Амударёдагина эмас, балки хавзадаги кўпгина дарёларда содир бўлиши кузатилмоқда. Умуман хавза дарёларнинг ўзани қуйи қисмида оқова, ташлама ва сизот сувлари коллекторларига айланади (масалан, Зарафшон дарёси ўзани ўз қуйи оқимида катта Зарафшон коллектори номини олган ва ш.ў.). Сув сифатини бундай ўзгариши бир қанча экологик муаммоларни юзага келтиради, жумладан:

- дарё суви ва у билан гидравлик боғланган, грунт суви асосида қурилган аҳолини ичимлик суви билан таъминлайдиган тизим тўла издан чиққан;
- дарё сувининг шўрланиш даражаси ортиши сабабли суғорма декончиликда суғориш меъёри оширилади, натижада у мавжуд сув ресурсларининг суғориш қобилиятини ва ҳосилдорликни камайишига олиб келади;
- дарё қуйи оқимларида ўзандаги сувнинг кислородга бўлган биологик талаби ҳаддан ташқари кўпаяди, натижада унда турли юқумли касалликлар бактерияларининг кўпайиш жараёни содир бўлади;
- дарёда балиқчилик деярли йўқолади;
- дарё ўзанларидаги сув турли юқумли касалликларнинг тарқалиш манбаига айланади ва ҳ.к. Маълумки дарё воҳалари ва умуман суғорма дехкончилик ривожланган майдонлар катта микдордаги ер ости сувлари захиралариги эга. Уларнинг асосий қисми тўртламчи геологик давр чўқиндиларида ҳосил бўлиб, улар дарё ва суғориш тизимларидаги сувлар ҳаёти билан узвий боғлангандир. Шунинг учун ҳам дарё сувлари сифатининг бузилиши, унда турли захарли моддаларнинг кўпайиши ер ости сувлари сифатини ҳам ёмонлашишга олиб келди.

Натижада Амударё ўзани бўйлаб Туямўйин тўғонидан, Сурхондарёда Жанубий Сурхон сув омборидан, Қашқадарёда Чимкўргон туғонидан, Зарафшонда Каттакўргон шаҳрида, Чирчиқда Тошкент шаҳридан пастда, Сирдарёда - умуман дарё ярамайдиган бўлиб қолди. Бу эса Қорақалпоқистон, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятлари аҳолисини сифатсиз сув истеъмол қилишга мажбур қилди. Натижада улар орасида турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун Бухоро вилоятида Хархўр, Сурхондарёда Сурхон, Қашқадарёда Косон, Муборак, Қарши шаҳри, Хоразмда Чалиш, Қорақалпоғистонда Хўжейли, Нукус, Чимбой, Кегайли каби аҳоли сув таъминоти учун ер остидан сув чиқариш иншоотларини келтириш кифоя.

Бундан ташқари ер ости сувларида эриган тузлар микдорини ортиши суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатни яна ҳам ёмонлашишга олиб келмоқда.

Дарёларнинг ўрта ва қуйи қисмида сувнинг камайиши ўзанинг катта қисмини қуришига олиб келди. Ўзан қуриган қисмининг турли мақсадлар учун ўзлаштирилиши уни сув ўтказиш қобилиятини кескин камайтиради. Бу ўз навбатида серсув йилларда ортиқча сув оқимини ўтказиш имконияти

йўқолиб, тошқин хавфини кучайтиради (Чирчиқ, Охангарон, Сирдарё ва ш.ў.)

Орол денгизи ҳавзасида 50-йиллар охиридан бошланган кенг миқёсдаги гидромелиоратив қурилиш ишлари фақат янги ерларни суғорма деҳқончилик учун ўзлаштиришдагина иборат бўлиб қолмай, эскидан суғориб келинган ерларни ҳам сув таъминотини кескин оширди. Агар 60-йилларгача амалдаги ўртача суғориш меъёри гектарига 9-10 минт куб.км.ни ташкил қилган бўлса бу меъёр 70-80 йилларда 15-16 минг куб.км га етди, хатто ундан ҳам ошди. Агар 1960 йили 51,5 куб.км сув сарфланган бўлса, 1990 йилга келиб 7,6 млн.га ерни суғориш учун 110.0 куб. км сув сарфланди (майдон 149 фоизга, яъни 1,5 марта, олинга сув ҳажми эса 214 фоизга, яъни 2,1 баробар ошди). Қайд қилинган суғориш тизимининг ФИК назарга олинса ишлатилган сувнинг 50 фоизгачаси сизилишига сарф бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Суғоришга олинган сувнинг бундай катта миқдорда сизилишига сарфланиши сизот сувлари сатҳи тез кўтарилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини кескин ёмонлашишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида коллектор-зовур шаҳобчаларни узайтиришини тақозо қилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини келтириш кифоя.

Ўзбекистонда шўрланган ва зах босган майдони, минг га

Шўрланган умумиймадон	Шу жумладан			Ботқоқлашган майдон	Зах босган майдон	Эслатма
	Паст шўрланган	Ўртача шўрланган	Ўта шўрланган			
2025	1200	615	210	20,3	54	Кейинги 15 йилда шўрланган ерлармайдони 700 минг га ошган

Суғориш ерлар шўрланишининг бартараф қилиш учун зовур шаҳобчаларини узайтириш ва кўпайтириш билан бирга бундай ерларда суғоришни ювилма тартибини жорий қилишни ҳам тақозо қилди.

Бу эса ўз навбатида ифлосланган зовур сувлари миқдорини кескин оширди, тупроқдаги шўр билан барча фойдали чиринди ва микроэлементлар ювилиб кетди ерларнинг ҳосилдорлиги пасайди, дарё сувлари захарланди, оқимсиз ботқоқликларга (Айдар-Арносой, Сарқамиш, Шўркул, Тўдакўл, Оёк Агитма ва ш.ў.) ташланган оқова сувлар ресурсларини фойдасиз сарфлашни кўпайтиради (фақат Амударё воҳасида бундай сувлар миқдори деярли 15 куб км, Сирдарёда эса 5 куб.км).

Келтирилганлар шуни кўрсатадики суғорма деҳқончиликни экологик тизимига таъсири ҳаддан ташқари кўп қиррали ва мукамал ўрганишни

талаб қилади. Аммо бунинг афсусланарли жойи шундан иборатки амалда кўп салбий ҳодисаларни келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш ҳақида жуда кам ўйланиб, асосан улар оқибати билан курашга асосий куч сарфланади.

Ҳозирда сув ресурсларидан кенг миқёсда фойдаланишини ташкил қилишни сув омборларисиз тасаввур қилиш қийин эмас. Орол денгизи ҳавзасида ҳажми 10 млн.куб.м дан катта бўлган сув омборининг сони 60 дан ортиқ. Улардаги сувнинг умумий ҳажми (сув омборларининг умумий сифими) 61.6 куб.км, яъни мавжуд сув ресурсларининг 50 фоиздан зиёд бўлиб, ҳавзада 90 куб.км сувдан доимий фойдаланиш кафолатини беради. Бу сув омборларида тўпланадиган сувнинг умумий сатҳи 3949 кв.км бўлиб, умумий суғориладиган майдоннинг 5 фоизини ташкил қилади.

Мавжуд сув омборларининг 39 таси Сирдарё ва Амударё ҳамда улар ирмоқларида қурилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 57,5 куб.км ни ташкил қилади.

Юқорида ёритилган суғорма дехқончиликда сувдан фойдаланишнинг экологик тизимига таъсири ҳам кўп қиррали ва ҳам ноаниқдир. Кўп ҳолларда сув омборлари аниқ иншоот ҳисобланиб, уни ташқи муҳитга таъсири ҳам аниқ йўналишлардан иборат бўлади. Умуман сув омборлари суъний сув босими ҳосил қилиш билан бирга мавжуд сув оқимининг ўзгариши жараёни истемолчи талабига мослаштиради. Бу мақсадга эришиш учун турли-туман тузилишга эга бўлган тўғон, сув ташлагич ва сув қувватидан фойдаланишни амалга оширадиган иншоот қурилади. Уни олдида табиий ботиклик ёки дарё ўзанидан сув ҳавзаси барпо қилинади.

Бу аниқ бир иншоот бўлсада унинг экологик тизимига таъсири турличадир:

1. Аввало сув омборларининг ўзи сув истемолчи бўлиб, у дарё сув оқимлари сарфини камайтиради, оқим тартибини ва сув сифатини ўзгартиради.

2. Табиий геостатик ва гидростатик мувозанатини бузиб сейсмик ҳодисаларни юзага келтиради.

3. Суъний сув ҳавзаси ташкил қилиб маълум майдонни сув остида қолдиради, бу майдонда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини яшаш шароитини ўзгартиради, тўғон эса дарё ўзани бўйлаб балиқ ҳаракатига тўсиқ бўлади.

4. Суъний сув ҳавзаси атрофида ўзига хос микроиқлим пайдо бўлади.

5. Омбордаги сувнинг сизилиши ва шимилиши натижада чегарадош майдонларда (аҳоли яшайдиган манзиллар билан бирга) зах босиши содир бўлади.

6. Сув ҳавзаси қирғоқларида емирилиш жараёни ва улар ҳосиласи дарё лойқалари билан бирга иккиламчи чўқинди тоғ жинслари ҳосил қилади.

7. Омбор сувини ишлатиш даврида унинг қуриган қисми чанг-тўзон кўтариладиган масканга айланади. Шамол билан кўтарилган чанг-тўзон ҳавони ифлослантириши мумкин.

8. Янги қуриладиган сув омборларида қурилиш ишлари олиб бориш жараёнида табиий ландшафт ва ҳаво жиддий бузилиши мумкии (қурилиш

ишларини экологик муҳитга таъсири мустақил муаммо сифатида ўрганилади). Сув омборларининг табиий дарё оқими тартибини истеъмолчи талабига мослаштириш асосий мақсад эканлиги ва бунинг учун сунъий сув хавзаси барпо қилиниши ҳаммага маълум. Бу ҳолда фақат дарё оқимигина ўзгартирилмай сув балансида янги сарф манбаи ҳосил бўлади. Бундай сарф асосан сувнинг буғланиши, шимилиши, сизилиши ва омбордаги унинг “ўлик” ҳажмини ҳосил қилиш ҳисобига юзага келади. Бунда сувнинг шимилиш, сизилиш ва унинг омбордаги “ўлик” ҳажмини ҳисоблаш, улар миқдорини иложи борича камайтириш ёки қайта ишлатиш усуллари (масалан, сизилаётган сувни зовурлар ёрдамида) амалий масалаларни ҳал қилиш учун етарлича ўрганилган. Аммо сувни буғланишга бефойда сарфи услубий ва амалий жиҳатдан кўп баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Тоғли минтақаларда жойлашган сув омборлари унда эриган тузларнинг ўртача йиллик миқдorigа деярли таъсир камайди. Текисликлардаги сув омборларидан сувнинг буғланишга сарфи катта бўлганлиги туфайли унда эриган тузлар миқдори бирмунча ортади.

Тоғ ва тоғ бағриларида, жойлашган катта чуқурликка эга бўлган сув омборлари сув чиқариш иншоотини жойлашишига қараб куйи бьефдаги сув ҳарорати сезиларли даражада (2-6 град. С) пасайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, ўсимликлар вегетация даврининг биринчи яримида улар ривожига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг билан бирга бу сув дарё сувининг қишки ҳароратини (куйи бьефда) 3-6 даражагача ошириши мумкин.

Сув омборини, қуриш ва ишлатиш улар жойлашган майдон табиий шароитига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Жумладан пасттекисликларда жойлашган саёз сув омборлари ёзнинг ҳаво ҳарорати 0,7-1,2 даражагача пасайишига, чуқур ва катта ҳажмдагилари эса қишда уни 2,5-3 даражагача илишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда омборни қиш хавосини илишига таъсири унинг чуқурлиги ва ҳажмига мутаносиб равишда ортиб боради.

Омборлар қурилиши ва уларни ишлатиш жараёни ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида кескин ўзгаришлар содир қилади:

1. Ўсимликларнинг бир қисми ва уларда ҳаёт кечириётган ҳайвонлар омборлардаги сув остида қолиб бутунлай йўқолади.

2. Қурилиш ишларини олиб бориш жараёнидаги портлатишлар, турли машина ва механизмларнинг шовқин-сурони ва шунга ўхшашлар ҳайвонларни безовта қилиб, уларини яшаш жойларини тарк қилишга олиб келади.

3. Табиий ландшафт ўрнига замонавий урбанизациялаштирилган кўринишли янги маскан бунёд бўлади. У ўз навбатида янги экологик тизимининг пайдо бўлишига олиб келади.

4. Сув омбори ҳосил бўлиши билан сув бўйида яшашга мослашган ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги турлари пайдо бўлади.

5. Сув омборини қурилиши ва уни ишлатиш билан боғлиқ иншоатларни барпо этилиши кишиларнинг ҳаёт кечириш шароитини ва меҳнат қилиш йўналишини тубдан ўзгартиради ва ҳ.к.

Шундай қилиб сув омборининг экологик тизимига таъсири кўп киррали ва мураккабдир. Уни башорат қилиш ва фақат улар қуриладиган худуд табиий шароитини синчиклаб ўрганиш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар сабабини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Сув хўжалигида ташқи муҳитга таъсири қайт қилинганлар билан чекланмайди. Келтирилган мисолларда ҳар бир муайян ҳолда унинг таъсир доираси аниқланади ва башорат қилинади. Жумладан катта узун коллекторлар ва каналларнинг қурилиши ёввойи ҳайвонларни минтақа бўйлаб ҳаракатига тўсиқ бўлиши ҳам мумкин.

Табиат-ташқи муҳит жуда ҳам мураккаб ва оқилона ташкил топган тизимдан иборатдир. Унинг ҳамма таркибий қисми доимий ҳаракатда, ўзаро узвий боғланган ва табиий мувозанатдадир. Унда ҳеч қандай тасодифий мавжудот ва жараёнлар содир бўлмайди, уларнинг ҳаммаси ўз ўрни ва қонуниятларига эга. Қаердаки бу қонуниятларга амал қилинмай унинг бирорта бўлагига сунъий таъсир кўрсатилса у табиатнинг барча таркибий қисмларига тарқалади. Шунинг учун ҳам табиатга муносабат ҳақида сўз юритилганда унинг қонуниятларига асосланмаган лойиҳалар кишиларга фақат бахтсизлик келтириши мумкинлигини асло унутмаслик керак. Коинот мувозанатида бўлган куёш системаси ҳамда тортиш кучи, нури, иссиқлигидан фойдаланувчи сайёрамизда табиатнинг уч асосий устуни мавжуддир. Улар сув, ҳаво ва ер бўлиб, булар ҳаёт манбаи бўлиши билан бирга ҳамма жониворларнинг яратунчисидир. Ҳаво, ер, сув ўзаро шундай боғланганки уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди. Демак, сув хўжалигини экологик тизимга таъсири унинг ҳамма таркибий қисмига тарқалади. Шунинг учун ҳам бу сув хўжалиги қурилишларини экологик асослаш орқали уларни табиий муҳитнинг ҳамма таркибий қисмига таъсири башоратланади, сўнгра салбий оқибатларини бартараф қилиш йўллари белгиланиб, табиий мувозанатни сақлаш таъминланади.

Назорат саволлари:

1. Сув хўжалигини экологик тизимга таъсири?.
2. Сув хўжалигини экологик тизимга таъсирини тарқалиш хусусиятлари қайсилар?
3. Орол денгизининг ҳолати ва унинг қуриши келтирадиган қанақа салбий оқибатларни биласиз?
4. Дарё сувларидан суғоришда кўп фойдаланишнинг оқибатлари?.
5. Сув омборлари ва уларнинг экологик тизимига таъсири?

11-Мавзу: Энергетика, автотранспорт, саноат тармоқлари ва бошқа соҳа корхоналарда атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш

Режа:

1. Энергетика соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш.
2. “Эко-энергия” Марказининг фаолияти.

Энергетика соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш. Яқин кунларда Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди, “Чинор” Экологик нашриёт компанияси 2012 йил 10 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2012 йил – “Барқарор энергетика барча учун” Халқаро йилига бағишланган “Республикада қайта тикланувчи энергия манбаларини тадбиқ қилиш тажриба ва истиқболлари” мавзусида матбуот анжуманини ўтказди.

Энергетика ҳар бир одамнинг ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутди. Сўнги 40 йилларда одамларнинг энергияга бўлган талаби сезиларли даражада ошди, шу даврда бутун инсоният тарихи давомида қазиб олинган органик ёқилғидан ҳам кўпроқ ёқилғи қазиб олинди. Бугунги кунда йилига табиий ёқилғи ишлатиш миқдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефт эквивалентига тўғри келади (тахминан бир кишига 2 тонна).

Қазиб олинаётган нефт, табиий газ, кўмир ва уран ҳозирги вақтда дунёда асосий энергия манбалари ҳисобланади. Агар уларни шу суръатларда ишлатиш давом этса, дунёдаги қазиб олинаётган нефт захиралари 45-50 йилга, табиий газ захиралари 70-75 йилга, тош кўмир захиралари 165-170 йилга, кўнхир кўмир захиралари 450-500 йилга етади.

Чекланган углеводород энергетик ресурсларга алтернатив тарзда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтишмоқда. Энергетик балансига бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг камайиши нуқтаи назаридан ҳам талаб қилинмоқда. Бундан ташқари қайта тикланувчи энергия манбалари ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади, жумладан аҳоли яшаш жойларида бандликни таъминлайди.

Шу муносабат билан, дунёнинг кўпгина мамлакатлари атроф муҳит энергия оқимидан олинган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва тадбиқ қилиш ҳажмини оширишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Бундай энергия манбалари таркибига қуёш, шамол, сув ресурслари, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилардан олинган биогаз киради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси барқарор ривожланиш учун энергиянинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда 2012 йилни “Барқарор энергетика ҳамма учун” Халқаро йили деб эълон қилди. Бу йил энергетик ресурсларга бўлган эҳтиёжни барқарор қондириш, энергиядан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имконини кенгайтиришнинг нақадар муҳимлиги тўғрисида жойларда, миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда хабардорликни ошириш учун яхши имконият яратади.

Жорий йилнинг июнь ойида Бразилияда бўлиб ўтган Рио+20 Халқаро Саммитининг якуний ҳужжатларига “яшил иқтисодиёт” концепцияси барқарор ривожланиш инструменти сифатида киритилган. “Яшил иқтисодиёт” нинг муҳим секторларидан бири қайта тикланувчи энергия

манбаларидан фойдаланишдир. Бу нарса энергетик хизматларни ишлаб чиқаришга, соғлиқни сақлаш, таълим, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва сув ресурслари хавфсизлиги, шунингдек алоқа хизматларига таъсир кўрсатиши билан боғлиқ.

Экологик тоза, қиммат бўлмаган ва ишончли энергия манбаларидан фойдаланиш имкони йўқлиги инсон салоҳияти ривожланишини, умуман иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни тўхтатади ва Минг йиллик декларациясида ифодаланган ривожланиш мақсадларига эришишда асосий тўсиқ бўлмоқда.

Рио+20 Конференциясига Ўзбекистон делегациясига раҳбарлик қилган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров 5-Ялпи йиғилишдаги маърузасида энергия истеъмолини қисқартиришга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга, Тоза Тараққиёт Механизми лойиҳаларига йўналтирилган иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш Дастурларини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш масалаларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон дунёдаги энергия мустақиллигига эга бўлган кам сонли мамлакатлардан биридир. Бизда электр энергия ишлаб чиқаришда ресурсларнинг асосини табиий газ ва нефт маҳсулотлари ташкил қилади. Углеводород ресурсларини тежашда, мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбаларининг муҳимлигини шунингдек (ТЕМ) марказлашган энергия манбаларидан (электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув) узокда яшайдиган аҳолини, тоғ ва чўлларда истиқомат қилувчи аҳолини, мавсумий ишдагилар ёки экспедициядагиларни электр энергиясига, иссиқлик ва ичимлик сувга бўлган талабларини қондиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу соҳада етарлича тажриба тўпланган. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўпгина қурилмаларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, уларга бошланғич нисбатан катта маблағ сарфлансада, иқтисодий жиҳатдан улар ўзларини оқлайдилар. Бирламчи энергия ташувчилар нархларининг ошиб кетиши (геологоразведка, казиб олиш, етказиб бериш) ва иккинчи томондан қайта тикланувчи энергия технологияларининг ривожланиши билан бу энергия тобора рақобатдош бўлиб бормоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг афзалликларидан бири электроэнергия ишлаб чиқаришда углеводородли энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини камайтиради ва уларни нефт-кимё саноатида ҳам ашё сифатида ишлатиш учун сақлаб қолиш имконини беради. Қайта тикланувчи энергия манбалари, одатда етарлича катта бўлган аҳоли яшаш жойларини, йирик саноат корхоналари ва муассасаларни энергия билан тўла таъминлаш имконига эга эмас. Мамлакатимизда, хусусан экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда қайта тикланувчи экологик тоза энергия манбаларини

қўллаш катта истикболга эга ва бу экологик, ижтимоий ва иқтисодий самаралар беради.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг келажаги жудаям порлоқ. Айниқса, бу қуёш энергиясига тегишли. Ўзбекистоннинг қуёш энергияси бўйича ялпи салоҳияти 50973 млн. тонна нефт эквивалентига тенг деб баҳоланади, бу эса республика ҳудудидаги ҳозиргача текширилган барча қайта тикланувчи энергия манбаларининг 99,7 % ига тенг.

Республикада қуёшли вақт бир йилда шимолда 2000 соатга етади ва жанубий ҳудудларда 3000 соатдан ошади. Сутка давомида қуёш нур сочиши 7-10 соат, йиллик жами нурланиш шимолда 4800 МДж /м² дан жанубда 6500 МДж /м² гача ўзгариб туради.

Дунёда фойдаланиладиган қайта тикланувчи энергия турларидан бири шамол энергиясидир. Ўзбекистонда шамол энергиясининг ялпи салоҳияти 2,2 млн.т.н.э. деб баҳоланган. Ўзбекистон ҳудудининг географик ҳолатига кўра, шамол оқимлари мавсумий характерга эга. Текисликларда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 2,0-5,0 м/сек ни ташкил қилади.

Кўп йиллик тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида 8та гидротермал ресурслар ҳавзаларини аниқлаш имконини берди. Геотермал ресурсларнинг ялпи салоҳияти 244,2 минг тонна шартли ёқилғи деб баҳоланган, техникавий салоҳияти эса аниқланмаган. Геотермал сувларнинг энг катта салоҳияти Фарҳона водийсига (Наманган вилояти - 42,6 минг тонна шартли ёқилғи) ва Бухоро вилоятига - 81,2 минг тонна шартли ёқилғи тўғри келади. Фанлар Академияси, илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар мутахассислари бу соҳада тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. 2011 йил Иқтисодий тадқиқот маркази томонидан “Қайта тикланувчи энергия манбалари: Ўзбекистонда тадбиқ қилиш имкониятлари” мавзусида аналитик маъруза тайёрланди. Унда Ўзбекистон Республикасида 2020 йилгача бўлган даврда истикболли энергия баланси баҳоланди, қайта тикланувчи энергия тадбиқ қилиш бўйича ҳалқаро бой тажрибаларни Ўзбекистон шароитида қўлланилиш имкониятлари қисқача умумлаштирилди. Маърузада қайта тикланувчи энергиядан Ўзбекистонда умумий, техник ва ҳозирда фойдаланилган салоҳият кўрсатиб ўтилди, қайта тикланувчи энергиядан кенг фойдаланишни рағбатлантириш чоралари таклиф этилди. Мазкур маъруза асосида қайта тикланувчи энергия тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Янги қонун давлат ва хусусий секторларни жалб қилган ҳолда қайта тикланувчи энергия ривожланишини рағбатлантиради, миллий ва хорижий инвестициялар самарасини оширади.

“Эко-энергия” Марказининг фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан амалда фойдаланиш йўлида аниқ ишлар олиб бормоқда. Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш, хўжаликнинг турли соҳаларига тадбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси

хузурида ихтисослашган махсус “Эко- энергия” Илмий-тадбикий Маркази фаолият олиб бормоқда.

“Эко-энергия” Маркази томонидан корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бир қатор қуёш фотоэлектр станциялари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув тортиш ва ҳ.к), гелиосувиситкичлар, биогаз ва биорганик ўғит (биогумус) олиш қурилмалари (қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший чиқиндилардан), микро-ГЭС ўрнатилди ва ишга туширилди.

2012 йил Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Мустаҳкам оила йилига бағишланган Дастурида республиканинг марказий энергия таъминотидан олисда жойлашган туманларини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида фотоэлектр станциялари ўрнатиш учун 28 млн. сўм ажратилди. Ҳозирда Сирдарё вилояти Оқ олтин тумани Усмон Носир ширкатидаги қишлоқ врачлик пунктига, Самарқанд вилояти Пастарҳом тумани даволаш марказига фотоэлектр станцияси ўрнатиш ишлари тугалланди. Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё вилоятлари чекка ҳудудларида фотоэлектр станцияси ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

“Эко-энергия” Илмий-тадбикий Маркази ходимлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, Марказ ходимлари БМТ Тараққиёт Дастурининг “Қорақалпоғистондаги қишлоқ жамоаси учун тоза энергия” - 1 ва 2 фазалари (фотоэлектр станцияси) лойиҳасида, “Экология ва Энергия” Мамлакат дастурида (қуёш фотоэлектр станциялари ва қуёш коллектри), “Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантиришга кўмак бериш” ва “Милк –Агро” Фермер хўжалигида биогаз ускунаси мониторинги ва бошқа лойиҳаларда бевосита иштирок этдилар.

“Эко-энергия” Илмий-тадбикий Маркази БМТ Тараққиёт Дастурининг минтақавий Маркази кўмагида Европа ва МДХ бўйича ўтказилган “Энг яхши амалиёт” Халқаро кўригида самарали иштирок этди. Хусусан, Марказ жамоаси “Экологик тоза технологияни ўзлаштириш ва қишлоқлар учун қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кичик цехлари ташкил этиш” лойиҳаси билан биринчи ўринни эгаллади. “Қорақалпоғистон аҳолиси учун тоза энергия” лойиҳаси билан иккинчи ўринни эгаллади ва “Қайта тикланувчи энергия” номинациясида Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилоятидаги “Жайрон” “Экомарказида фотоэлектр станцияси ва қуёш сув исситгичларни ишлатиш” лойиҳаси билан ғолиб бўлди.

“Эко-энергия” Илмий-тадбикий Маркази 2012 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атроф-муҳит дастурлари (ЮНЕП) ташкилот томонидан экспертлар тармоғининг суб-ҳудудий фокал-пойнти сифатида танлаб олинди. Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастури, ГЕЖ Кичик грантлар дастурларининг маҳаллий ҳамкорлар билан қайта тикланувчи энергия

манбаларини қўллаш кўламини кенгайтиришга, бу йўналишдаги миллий бозор ва технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалари муваффақиятли бажарилмоқда. Саноат тармоқларида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш. Жорий йилнинг 20 июл куни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.09.2008 й.даги 212-сонли Қарори билан тасдиқланган ”2008-2012-йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури” нинг бажарилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда 2008-2012-йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастурини амалга оширишга масъул бўлган қатор вазирлик, идора раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотлар ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раис ўринбосари Камолиддин Содиков, Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссияси илмий-ахборот маркази раҳбари Ибрат Каримов, “Ўзкимёсаноат” ДАК Бош экологи Ҳожиакбар Махмудов, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг Атроф-муҳит муҳофазаси бўлим бошлиғи Александр Филимонов, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот хизмати мутахассиси, Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим бўйича Миллий Координатор Хасан Турсунов мазкур дастурнинг амалга оширилиш ҳолати, дастур вазифаларини амалга оширишда барча манфаатдор томонларнинг, жумладан саноат, таълим соҳалари вакиллари иштироқи тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтдилар.

Хусусан, таъкидлаб ўтилганидек, мазкур дастур атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган. Дастур вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, янги, экологик тоза ва саноатнинг кам чиқиндилари технологияларини тадбиқ этиш, республика саноат корхоналарида атроф-муҳитнинг ифлосланишини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Тўқимачи - Ангрен оралиғида узунлиги 114 км бўлган темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари якунланди. Бу ўз навбатида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташланишини 110,5 тоннага камайтириш имконини берди. “Навоиазот”, “Фарғонаазот”, “Максам-Чирчиқ” Очик акционерлик жамиятларида Мусаффо Ривожланиш Механизми лойиҳалари бажарилмоқда. Ўз навбатида азот оксиди ташламалари 3630,3 млн. тоннага қисқарди (СО₂ ҳисобида). Режалаштирилгандан 8 баробар ортиқ 123,3 минг та автоавтотранспорт воситалари газ ёқилғисига ўтказилиши ҳисобига атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташланиши 68,78 минг тоннага қисқарди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини этилсиз бензин ишлаб чиқаришга тўлиқ ўтказилишига эришилди ва автобензинда кўрғошин присадкаларини ишлатилиши бартараф этилди Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик услубларини тадбиқ этиш

масалаларини ҳал этишда ҳам аниқ мувафакқиятларга эришилди. Бугунги кунга келиб “Максам-Чирчиқ” Очиқ акционерлик жамиятидаги аммиак ишлаб чиқариш цехида ҳосил бўладиган таркибида мис мавжуд бўлган оқоваларни тўплаш учун иккита авариявий сиғимларни қурилиши якунига етказилди, натижада йилига 9 тонна миқдордаги таркибида мис мавжуд бўлган саноат оқовалари ташланиши қисқартирилишига эришилди. Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводини реконструкциялаш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди, олтин олишнинг янги биоксидли технологияси жорий этилган бўлиб, бу олтин таркибли маргумушли рудани қайта ишлашни йилига 5 млн. тоннага кўпайтиришга эришилди. Орол денгизининг қуриган қисмида маҳаллий туз-чангни ушлаб қолувчи ўсимликлар (саксовул, черкез ва бошқалар) ни яратиш ишлари ниҳоясига етказилди, натижада 6,7 минг км.га яқин узунликда механик ҳимоя ташкил этилди. Орол денгизининг қуриб қолган қисмини ўзлаштириш ишлари давом эттирилди. Жумладан, Қозоқдарёдаги бош иншотни қуриш ишлари тугатилди, Жылтырбас қўрфазининг дамбаси 30,6 км. узунликда реконструкция қилинди, Жылтырбас қўрфазидаги олиб чиқувчи каналлар қурилиб, мустаҳкамланди, 8,4 км. Узунликда Междуреченск сув омбирининг ғарбий дамбаси реконструкция қилинди. Автотранспорт соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Тошкент автомобил йўллари институти (ТАЙИ), Инновацион технологиялар ва экологик новациялар маркази ҳамда ТАЙИ қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳамкорликда жорий йилнинг 6 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кунига бағишлаб “Автотраспорт экологиясининг ҳуқуқий асослари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги” мавзусида учрашув ташкил этдилар. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Мудофа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси, Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг Экоҳаракт депутатлар гуруҳи, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент автомобил йўллари институти ҳамда Тошкент давлат юридик институти, шунингдек ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Конституциямизнинг 50-моддаси фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари, 55-модда эса улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини мустаҳкамлаб қўйган. Конституциянинг мазкур тамойилларга мувофиқ миллий экологик қонунчилик ривожланмоқда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий назорати амалга оширилмоқда. Учрашув иштирокчилари таъкидлаганларидек, ҳозирги кунда республикада бевосита табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган 13 та қонунлар қабул қилинган ва ҳозирда амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон

Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”ги ва бошқалар. Соҳанинг меъёр ва шартларини ўз ичига олган 30дан ортиқ Кодекс ва қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 20га яқин идоравий меъёрий - ҳуқуқий ва 200 дан ортиқ меъёрий-техник ҳамда раҳбарий ҳужжатлар қабул қилиниб амалга оширилиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси экологик муаммоларни ҳал этишда, иқтисодиётнинг, шу билан бирга автотранспорт тизимининг барча соҳаларини модернизация қилиш ва экологик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширишда жиддий олға қадамлардан ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан автотранспорт воситалари паркларини янгилаш ва ёқилғининг янада экологик тоза кўринишларига ўтиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги “Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-531-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган бензин ва дизел моторлари билан жиҳозланган “М2”, “М3” ва “Н2” тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини “Евро-2” экологик даражадан кам бўлмаган, 2010 йил 1 январдан эса “Евро-3” талабларига мос келмайдиган автотранспорт воситаларини олиб кириш ман этилди.

Автотранспорт соҳасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳодисалардан бири 2011 йил 5 мартдан янги стандарт - ЎЗДСт 2305: 2011 “Табиатни муҳофаза қилиш. Атмосфера. Фойдаланишдаги газ баллонли автомобилларнинг ишлатилган газларида углерод оксиди ва углеводородлар миқдорларининг меъёрлари ва ўлчаш усуллари” амалга киритилди. Республикада ҳозирги кунга қадар газ ёқилғисида ишловчи автотранспорт техникаси меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги сабабли экологик ҳолати устидан назорат ўтказилмас эди. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 10, 16 ва 17-моддаларнинг бажарилишини кўзда тутди. Энди эса бундай назоратни ўтказиш учун меъёрий ҳужжат мавжуд.

Жорий йилнинг 31 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2011 - 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 292- сон қарори қабул қилинди. Мазкур дастур доирасида атроф-муҳит объектлари,

шу билан бирга атмосфера ҳавоси, сув ости ва усти объектлари ҳолати устидан тизимли кузатувни давом эттириш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий аспекти муҳокама қилинди. Сўнгги вақтларда автотраспорт воситалари билан боғлиқ авария ҳолатлари автотраспорт воситаларининг кўпайиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 25 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир нечта қарорлари ҳамда қатор идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар

Мазкур ҳужжатлар билан фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини ва мулкни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний қизиқишларини ҳимоя қилиш мақсадларида республикада ягона автотраспорт воситалари ҳайдовчилари, йўловчилар ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракат тартиби, умумий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тасдиқланди. Тажрибалар мазкур ҳужжатлар ҳамиша амалда эканлигини кўрсатмоқда.

2011 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ЎРҚ -289-сонли Қонунининг қабул қилиниши нафақат автотраспорт воситалари эгаларининг, балки Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХ хизмати ходимларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда автотраспорт воситаларининг экологик хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини келгусида янада такомиллаштириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Тошкент автомобил йўллари институти мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикасида экологик барқарор автотраспорт Стратегияси, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий Стратегияни тайёрлаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Энергетика соҳасида атроф муҳитни муҳофаза қилишни ташкил қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. “Эко-энергия” Марказининг фаолияти нималардан иборат?

12-Мавзу: Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида экология масалалари

Режа:

1. Эколог – депутатларнинг фаолияти билан танишиш.
2. Атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар.

3. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисидаги эколог – депутатларнинг фаолияти билан танишиш.

Атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва қарорлар, дастурлар ижросини таъминлаш, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш Экоҳаракат дастурида устувор йўналишлардан бири сифатида ўз ифодасини топган.

Дунё парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистонда парламентнинг қуйи палатасида квоталаш институти жорий этилиши орқали Экоҳаракатга 15 та депутатлик ўрни ажратилди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтган умумреспублика Конференциясида муқобиллик асосида сайланган 15 нафар депутат Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлари гуруҳини ташкил этди.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи амалдаги қонун ҳужжатларини экологик нуқтаи назардан қайта кўриб чиққан ҳолда мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиш борасидаги фаолиятини кучайтиришмоқда. Бунинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқилгани боис, унинг рўёбга чиқарилиши бўйича Экоҳаракат депутатлари гуруҳининг ҳар бир аъзоси аниқ иш режасига эга.

Улар ана шу вазифадан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб аҳоли билан учрашувлар ўтказдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлинмаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ўтказган ана шундай тадбирлардан бирида юқоридаги масалалар муҳокамаларнинг бош мавзуси бўлди.

Бу ҳақда Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижрои кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи раҳбари Борий Алихонов йиғилиш иштирокчиларига батафсил маълумот берди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунининг вилоятдаги ижроси, мавжуд экологик вазиятнинг инсон саломатлигига таъсири, глобал иқлим исинининг салбий оқибатлари ҳақида ҳам маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи мамлакатимизда узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади. Зеро, экологик таълимни замон талаби асосида тўлақонли йўлга қўймасдан туриб, экологик маданият масаласида ҳам кўзланган мақсадга эришиш

мушкул. Қолаверса, экологик хавфсизликни ҳам айна шу соҳада чуқур билимга ва салоҳиятга эга кишиларгина таъминлай олади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати ва парламент қуёи палатасининг Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги автотраспорт ва сервис коллежида ўтказилган анжуман айнан пойтахт вилоятида узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш аҳволига бағишланди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Сергей Самойлов мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ва Ўзбекистон биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фикр юритди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экологик таълимнинг мажбурийлиги таъминланиши керак. Бу йўналишда олиб борилаётган ишларда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан 2005 йилнинг 7 ноябрида имзоланган “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси ҳақида”ги кўшма қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим. Тадбирда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда экологик таълим ва тарбия тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида ахборот қўлланмани яратиш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Давра суҳбатида иштирок этган Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус таълим тизими, табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, Экоҳаракат фаоллари узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш давр талаби эканини алоҳида қайд этдилар. Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўшимчалар ва ўзгартишлар киритишни кўзда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланаёгани мамнуният билан қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунларнинг ижроси билан танишиш ҳамда узлуксиз экологик таълим тизимининг Фарғона вилоятида жорий этилишини ўрганиш юзасидан ушбу вилоятда ҳам Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда ўртага ташланган масалалар эколог олимлар, санитария-эпидемиологик назорат маркази ҳамда табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, Экоҳаракат “Ёшлар қаноти” фаоллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Наманган шаҳрида ўтказилган учрашув доирасида эса, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий

Кенгаши ИжроҚўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари ва Экоҳаракат фаоллари Наманган шаҳридаги “UzChasis” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасига ташриф буюрди. Улар корхонада Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун талабларига қай даражада амал қилинаётгани, чиқиндисиз технологияга асосланган ишлаб чиқариш билан танишдилар. Мазкур қонуннинг корхонада ижро этилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Бундай учрашувлар Навоий, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманида ҳам бўлиб ўтди. Атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш. Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларини қўллаб қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборат бўлади.

Шу билан бирга Экоҳаракат давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқади. Хусусан Экоҳаракат:

- фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашга ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий механизмларни жорий этишга қаратилган экологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;

- мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга;

- экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда ҳам, улар томонидан атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга интилади. Экоҳаракат қуйидаги мақсадларга йўналтирилган янги қонунлар

ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни қўллаб қувватлаш борасида жамоатчилик ташаббускорлигини ривожлантиришни муҳим деб ҳисоблайди;

- саноат, қишлоқ хўжалиги, автотраспорт ва энергетиканинг барча соҳаларида экологик тоза ва хавфсиз, сув, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни амалиётга тадбиқ этишни ташкил этишда иқтисодий, молиявий, солиқ ва бошқа воситалар ҳамда рағбатлантириш усуллари қўлланилишини янада такомиллаштириш энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва босқичма- босқич қайта тикланувчи энергия турларига ўтиш янги самарали услублар ҳамда инновацион қишлоқ хўжалиги технологияларни қўллаш ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан ҳамда шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар бажарилиши учун марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга ҳар томонлама кўмаклашади: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектлар, экологик сертификатлаш ва экспертиза тўғрисидаги, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш ҳамда ишлаб чиқаришда экологик талаблар тўғрисидаги сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида ер тўғрисида, ер ости бойликлари тўғрисида, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолини сув ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги; Ўзбекистан Республикасининг атроф табиий муҳит мониторинги дастурлари тўғрисидаги;

- оролбўйи ва мамлакатнинг экологик ноқулай бошқа ҳудудларида экологик ҳолатни барқарорлаштириш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш тўғрисидаги;

- экологик хатарли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг генофондини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги;

- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир;

- экоҳаракат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан куйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинган мақсадли минтақавий ва ҳудудий дастурларнинг, экологик қонунчиликнинг жойларда бажарилишида кўмаклашишга интилади;

- табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва иншоотлари инфратузилмасини ривожлантириш, табиий экотизимга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш;

- аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш, замонавий урбанизация жараёнининг салбий экологик оқибатларини бартараф этиш;

- қишлоқларда маданий-маиший турмуш тарзини, айниқса унинг санитар-гигиеник ва экологик омилларини яхшилаш;

- интенсив шамол эрозияси ва чўл ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ва шаҳарлар атрофида яшил ҳимоя тизимларини барпо қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва генофондни муҳофаза қилиш;

Бундан ташқари, Экоҳаракат жойларда табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, бу мақсадлар учун давлат бюджети, тўғридан-тўғри хориж сармоялари ҳамда хомийлар маблағларидан ўз вақтида, тўлиқ ва самарали фойдаланиш устидан жамоатчиликнинг мунтазам экологик мониторингини таъминлашга ўз эътиборини қаратади. Экоҳаракат ушбу мақсадлар йўлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиради. Шу мақсадда Экоҳаракат;

- давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича шерикчилик муносабатларини ривожлантириш;

- умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оила ва шахснинг экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш борасидаги саъй ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашиш;

- Ўзбекистонда юксак экологик маданият даражасига, ҳар бир фуқаро томонидан ноёб табиати халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми эканлиги ва келажак авлодлар учун уни асраб авайлаш заруратинининг англанишига эришишда барча манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, фуқароларни саъй ҳаракатларини изчил уйғунлаштиришга интилади.

Назорат саволлари:

1. Эколог – депутатларнинг фаолияти нималардан иборат?
2. Атроф табиий муҳит муҳофазаси масалаларида қанақа қонунларни биласиз?

3. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар?

13-Мавзу: Нодавлат, нотижорат ва бошқа жамоат

Режа:

- 1.Ташкилотлари экологик фаолиятини ташкил этиш.
- 2.”Экосан” халқаро экология ва саломатлик жамғармаси тўғрисида.

Республикада нодавлат, нотижорат ва бошқа жамоат ташкилотлари экологик фаолиятини ташкил этиш мувофиқлаштирилмоқда. Бунга мисол Экоҳаракат ўзининг дастурий мақсадларини амалга ошириб, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади.

Шу мақсадда Экоҳаракат:

- муайян экологик муаммоларни ҳал қилиш учун экология соҳасида жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш орқали жамоатчиликнинг фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашиш ва бу борада ташаббускор бўлишни;
- ёшларнинг экологик ташаббусларини кўллаб қувватлашни, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш ишига фаол жалб этишни;
- мамлакат ерва сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишдаги муаммоларини ҳал этиш мақсадида экологик ҳаракатга фермерлар ва аграр соҳанинг бошқа ходимларини кенг миқёсда жалб этишни;
- одамларда ўз соғлигини сақлашга табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт фаолиятларини ташкил этиш муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган саломатлик, соғлом турмуш тарзи фалсафасини тарғиб қилишда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишни мўлжалламоқда.
- жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф- муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суръатда ҳал этиш заруратига қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини Она Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради Шу билан бир қаторда “Экосан” халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳам шунга яққол мисол бўла олади. Вазирлар Маҳкамаси қарорида “Экосан” халқаро экология ва саломатлик жамғармаси тўғрисида қуйидагилар қайд этилган:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, “Экосан” халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Ўзбекистоннинг ва бутун Марказий Осиё

минтақасининг экологик ҳолатини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилишга ва генофондни сақлаб қолишга қаратилган дастурлар ва лойиҳалар рўёбга чиқарилишини амалга оширмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув режалари, дастурлари ва методик қўлланмаларига экология бўйича курсларни киритсинлар. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабларнинг ўқув дастурларига экологик тарбия дарсларини киритсин.

3. “Экосан” ҳалқаро экология ва саломатлик жамғармасининг хайрия фаолиятини кенгайтириш мақсадида унга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин лотереялар ташкил этиш, жамғарма тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисида кенг ахборот берилишини таъминлашидан келиб чиққан ҳолда унга қарашли корхоналар ва ташкилотлар томонидан шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича унинг фаолияти ихтисосига жавоб берувчи маҳсулотлар ва буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек, кўрғазмаларга, санъат усталарининг чиқишларига ва бошқа тадбирларга кириш чипталари чиқариш. Жамғарманинг корхоналари ва ташкилотларининг валюта ажратмалари доирасида амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда уларнинг товарлари ва хизматларини экспорт ва импорт қилишни амалга ошириш қўшма корхоналар, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотлар ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари учун белгиланган тартибда хорижий ташкилотлар билан биргаликда қўшма тадбирларни амалга ошириш;

4. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ўзулгуржибиржасавдо” уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлар уюшмаси ҳалқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, чет эл фирмалари, шу жумладан савдо - иқтисодий фирмалар билан алоқалар ўрнатилишида, шунингдек республиканинг экологик аҳолини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш учун инвесторлар жалб этилишида “Экосан” жамғармасига ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда “Экосан” жамғармаси марказий аппаратини, вилоят, шаҳар ва туман бўлинмаларини жойлаштириш учун жой ва ер участкалари ажратсинлар ҳамда уларни телефонлаштириш масалаларини ҳал этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси, Давлат матбуот қўмитаси, республика ва вилоят газеталари таҳририятлари Жамғарманинг мақсадлари, вазифалари ва фаолиятини кенг ёритиш учун телевидение ва радио дастурларига, босма нашрларга “Экология ва саломатлик” ва “Экосан хабарномаси” махсус рукнини жорий этсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуига юклансин.

Назорат саволлари:

- 1.Ташкилотлари экологик фаолиятини ташкил этишлиши?
- 2.“Экосан”ҳалқаро экология ва саломатлик жамғармаси тўғрисида нималарни биласиз?

14-Мавзу: Ҳалқаро экологик ташкилотлар

Режа:

1. Халқаро Экологик Ҳамкорлик (ХЭХ) тушунчаси, принциплари.
2. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро объектлари.
3. Халқаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари.
4. Ўзбекистоннинг ХЭХ да иштироки.

Жаҳон ҳамжамиятининг экологик инқироздан чиқишининг асосий меърларидан бири халқаро экологик муносабатларини мувофиқлаштиришдир. Ҳозирги кунда ҳеч бир давлат ўзининг экологик муаммоларини ёлғиз ҳолда ёки кичик гуруҳдаги давлатлар билан ҳамкорликда ҳал қилиш имкониятига эга эмас. Барча давлатларнинг ўринишлари аниқ келишилган ва уларнинг фаолияти халқаро ҳуқуқий меърлар билан белгиланган ҳолда олиб борилиш зарур.

Биз ўтган машғулотларимизда экологик муоммаларнинг ҳеч қандай маъмурий чегараларини тан олмаслигини айтиб ўтган эдик, чунки табиат умумий ва ягонадир.

Бир мамлатнинг экотизимининг бузилиши шубҳасиз кўшни давлатларда жавоб реакциясини келтириб чиқаради. Масалан, Германия ёки Англия саноат корхоналари атмосферага мёридан юқори фоизларда тутун газларни чиқарадиган бўлса бу, ҳолат нафақат шу давлатларининг экологик ҳолатига салбий тасир кўрсатиб қолмасдан шунингдек Скандинавия давлатлари флора ва фаунасига зарар етказди. Марказий Осиё регионида бунақанги ҳудуд сифатида Турсунзода (Тожикистон) даги алюминий заводини мисол қилиб олиш мумкин.

Давлат чегараларини тан олмайдиган табиий компонентлар (дарё ирмоқлари, денгизлар кўчманчи хайвонлар) тушунчаси мавжуд. Ҳалқаро муносабатларда экологик омилнинг юқори мавқийининг ошиб бориши биосфера ҳолатини ёмонлашишининг ошиб бориши билан боғлиқ. 21-асрда экология глобал тизимлар орасида халқаро муносабатларнинг юқори мавқейга эга бўлиш эҳтимоли жуда катта. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина давлат арбоблари, барча давлатларда ва ҳудудларда атроф муҳитдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқарувчи давлат органи ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтишмоқда.

ХЭХ деганда халқаро микёсида атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича шартномалар, конвенциялар тузиш, халқаро экологик меъёрларни ишлаб чиқиш ва улар устидан назоратни таъминлаш бўйича ҳамкорлик, глобал ва худудий муаммоларни ҳамкорликда ечиш, илмий тадқиқотлар ва конференциялар ўтказиш тушунилади. ХЭХ ни максимал самарадорлигига эришиш учун қўйидаги принципларга асосланган халқаро ҳуқуқ томонидан бошқарилиши керак:

- ер шарининг ҳар бир фуқароси нормал экологик шароитларда яшаш ҳуқуқига эга;
- ҳар бир давлат атроф муҳит ва табиий ресурсларни ўз фуқаролари манфаатлари йўлида ишлатиш ҳуқуқига эга;
- бир давлатнинг экологик муваффақияти иккинчи бир давлат манфаатларига зид келмаслиги лозим;
- экологик натижаси номаълум бўлган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа турдаги фаолият таъқиқланади;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда замонавий илғор технологиялардан фойдаланиш;
- бир давлат худудида фавқулодда экологик вазиятлар вужудга келса, бошқа давлатлар томонидан ёрдам кўрсатилиши мажбурийлиги;
- атроф муҳит муаммолари билан боғлиқ низоли ҳолатларни тинч йўл билан ҳал этиш.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш объектларининг қуйидаги тури мавжуд: халқаро (бутунжаҳон) ва миллий (бир давлат ичида). Миллий объектларга давлат худудида жойлашган ер, сув, қазилма бойликлар, ёввойи ҳайвонлар ва бошқа табиат элементлари тушунилади. Давлат ўзининг миллий объектларига эркин эгаллик қилади, ўз қонунлари асосида уларни бошқаради ва ҳимоя қилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро объектларига халқаро кенгликда жойлашган объектлар: космос, атмосфера ҳавоси, жаҳон океани ва Антарктида, шунингдек турли давлатларда кўчиб юрвчи ҳайвонлар тушунилади. Ушбу объектлар бирор бир давлатнинг рўйхатида турмайди ва ҳеч бир давлатнинг миллий мулки ҳисобланмайди. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тузилган ҳар қил шартномалар, конвенциялар ва протоколлар ёрдамида ҳимоя қилинади.

Яна шундай табиий муҳитнинг халқаро объектлари мавжуд, қайсики давлатлар томонидан муҳофаза қилинади ва бошқарилади, лекин халқаро рўйхатга олинган (қўриқхоналар, миллий парклар, халқаро қизил китобга киритилган йўқолиб бораётган ва нодир ҳайвон ва ўсимликлар).

Халқаро муносабатларда ишлатиладиган терминларни тушунчалари:

Резолюция (to resolve – ҳал қилиш, ечим топиш) - маълум бир муаммони муҳофаза қилишдан сўнг қабул қилинган қарор. Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда марказий ўринни эгаллайди.

Шартнома- сиёсий аҳамият касб этувчи ва бошқа сиёсий, иқтисодий, маърифий-маданий масалалар катори атроф-муҳит муҳофазасига оид халқаро меъёрларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат. Шартномалар умумий, регионал ва икки томонлама тузилиши мумкин.

Конвенция – маълум бир турдаги халқаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартнома

Хартия (грекчадан “қоғоз”)- қоғозга битилган оммавий ва сиёсий ҳужжат маъносида ишлатилади.

Замонавий экологик ҳамкорлик асосан икки усулда амалга оширилади.

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича икки ёки кўп томонлама халқаро конвенцияларнинг имзоланиши.

2. Атроф-муҳитни билан шуғулланувчи турли ассоциация, комиссия ва ташкилотлар фаолиятида иштироқ этиш.

ХЭҲ тарихи бир асрдан узоқ вақтни ўз ичига олади. 1827-йилда Франция ва Германия ўртасида балиқ овлаш ҳуқуқини мувофиқлаштириш бўйича икки томонлама шартнома имзоланган эди. 19-аср охирига келиб шунга ўхшаш шартномалар кўплаб имзолана бошланди. 20-асрнинг 1-ярмига келиб ХЭҲ соҳаси бир қанча юқори поғонага кўтарилди. 1913-йилда Берн шаҳрида (Швецария) табиатни асраш бўйича 18 давлат иштирокида конференция ўтказилди. 1923-йилда Парижда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конгресс ўтказилди. 1928-йилда Брюссель (Белгия)да —Атроф муҳитни муҳофаза қилиш халқаро бюроси очилди.

Ҳозирда БМТнинг мавжуд 14 та ихтисослашган ташкилотларидан 6 таси атроф муҳит муҳофазасига алоқадор масалалар билан шуғулланади. Жумладан: ФАО (Food and Agricultural Organization) – 1945 йил ташкил этилган ерларни сув, ўсимлик ва ҳайвонлардан комплекс фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини ошириш муаммолари билан шуғилланади.

ЮНЕСКО (United Nations Education Science and Culture Organization) – таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланади. Фаолиятининг асосий йуналишларидан бири – атроф муҳит муҳофазаси соҳасида маориф ва кадрлар тайёрлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ижобий тажриба билан оммалаштириш, илмий тадқиқотлар ўтказишга қаратилган, 1946 йилда ташкил қилинган.

ВОЗ (World Health Organization) – халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, атроф муҳит муҳофазасининг санитар гигиеник масалалари билан шуғулланади, 1947 йил ташкил қилинган.

WMO (World Meteorology Organization) – халқаро метеорологик ташкилоти, атроф муҳит муҳофазасининг санитар гигиеник масалалари билан шуғулланади.

ИМКО (International Labour Organization) – атроф муҳит муҳофазасининг санитар гигиеник масалалари билан шуғулланади, денгизлар бўйича давлатлараро комиссияси, денгизлар бўйича давлатлараро комиссияси, 1948 йилда ташкил топган.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқаро ҳаётнинг тўлақонли субъектига айланди. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиши Ўзбекистон учун Халқаро майдонда фаолият кўрсатишга “Яшил чироқ” бўлиб хизмат қилди.

Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон БМТнинг атроф муҳит буйича дастури (ЮНЕП), таълим фан ва маданият буйича қўмитаси (ЮНЕСКО), Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (ВМО), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ), саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), шунингдек БМТнинг иккита минтқавий ташкилоти: БМТни Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭКООН), ва Осиё ва Тинч океани иқтисодий, ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) каби ташкилот қўмити ва комиссиялар билан кенг миқёсда ҳамкорликни йўлга қўйди. Шунингдек Ўзбекистон БМТнинг барқарор тараққиёт комиссияси фаолиятида ҳам иштироқ этиб келмоқда. 1999 йилда Ўзбекистон Европа иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ўзбекистон халқаро майдондаги иштирокини фақатгина халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик билан чегаралаб қолмасдан дунёнинг жуда кўп давлатлари билан икки тамонлама ҳамкорликни йўлга қўйган. Туркия (1996 йилдан) Америка Қўшма штатлари (1994), Хитой (19997), Ҳиндистон (1996), Япония (1994), Корея (1995), БАА (1998), Исроил (1997), Қозоғистон (1997), Қирғизистон (1996), Малазия (1996), Украина (1998), Туркменистон (1996), Тожикистон (1994), Таиланд (1998), Грузия (1995), Швецария (1998) каби давлатлар билан ҳозирги кунда Ўзбекистон кенг миқёсда ҳамкорликни йўлга қуйган. Юқоридаги давлатларга биз яна Франция, Италия, Германия, Россия, Венгрия, Индонезия, Буюк Британия каби давлатларни ҳам қўшишимиз мумкин.

Ўзбекистон халқаро майдондаги ҳамкорлигинин асосий йўналишлари нафақат иқтисодий ижтимоий, маънавий, маданий шунингдек атроф муҳит масалаларига ҳам жуда катта эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг атроф муҳит экология масалаларида халқаро майдонда кенг қўламда иштироки учун таянч нуқта сифатида 1992 йил Рио де Жонейрода БМТ томонидан уюштирилган атроф муҳитни асраш ва ривожлантириш мавзуси остида бўлиб ўтган халқаро конференцияни эътироф этиб ўтиш керак. Ўзбекистон атроф муҳит муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорлиги қўйида санаб ўтилган принципларга асосланган.

1.Ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда миллий манфаатларга таяниш.

2.Тенглик ва ўзаро хурмат, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

3.Ғоявий концепцияларга асосланмаган ҳамкорликка очиқлик, бутун дунёда тан олнган тинчлик ва хавфсизлик қадриятларига бўйсиниш.

4.Халқаро ҳуқуқнинг давлат ички ҳуқуқларидан устуворлиги.

5.Икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар асосида ташқи алоқаларни ривожлантириш.

1993 йилда Ўзбекистон озон қатламини муҳофаза қилиш борасида имзоланган Вена конвенциясига 1985 йилда ҳамда озон қатламини емирувчи моддалар тўғрисидаги Монреал протоколига 1987 йили қўшилди.

Вена конвенциясига ва Монреал протоколи шартларини бажариш учун кўйидаги иккита меъёрий ҳужжат хизмат қилади:

Вазирлар маҳкамасининг 2000 йил 24 январда қабул қилинган №20 қарори: Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришни чорасини кўриш тўғрисида.

14 март 2000 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг озонни енгувчи моддалари бор маҳсулотларни мамлакатга олиб кириш ва олиб чиқиш, тартибга солиш тўғрисидаги 90-сонли фармойиши.

1995 йилда Ўзбекистон 1992 йилги био хилма хилликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Рио де Жонейро конвенциясига қўшилди.

1994 йилда Ўзбекистон Чўлланишга қарши курашиш Париж конвенциясига қўшилди. 1995 йилда ушбу конвенция Ўзбекистон Парламенти томонидан ратификация қилинди.

1996 йил Ўзбекистон хавфли чиқиндиларни чегарадан олиб ўтиш тўғрисидаги 1989 йилда Базель конвенциясига қўшилди. Конвенция шартларини бажариш тўғрисида бир неча услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

1997 йил Ўзбекистон “Йўқолиш арафасида турган ёввойи флора ва фауна турларининг халқаро савдоси” тўғрисидаги (СИТЕС) 1973 йилги Вашингтон конвенциясига қўшилди.

1993 йилда Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги 1992 йилги Нью-Йорк конвенциясига аъзо бўлди. Конвенция доирасида қабул қилинган 1997 йилги Киото протоколига Ўзбекистон 1998 йилда аъзо бўлди.

1999 йилда эса Киото протоколи Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинди.

1995 йилда Ўзбекистон Бутунжаҳон аҳамиятига эга бўлган маданий ва табиий меъросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1977 йилги Париж конвенциясига қўшилди.

1998 йилда Ўзбекистон “Кўчманчи ёввойи ҳайвон турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги” 1979 йил Бонн конвенциясига қўшилди.

2001 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Халқаро аҳамиятга эга бўлган сув ботқоқликда яшовчилар, хусусан сувда сузувчи қушларнинг турар жойи сифатини яхшилаш тўғрисидаги” 1971 йилги Рамсар конвенциясига ратификация қилинди.

Ўзбекистон 1992 йилда имзоланган МДХ Давлатларо Экология Кенганшининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Республиканинг ХЭХ борасидаги фаолияти, айниқса Орол Муаммосига қаратилган масалаларда яннада яққолроқ намоён бўлмоқда. Ўзбекистоннинг фаол иштироқи ва саъй хараклари туфайли Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатларо Кенгаш ва унинг ишчи Органи Ижроия кўмитаси, Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. 1995 йилда Нукус

Марказий Осиё мамлакатлари ва Халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Декларация қабул қилинди.

Назорат саволлари:

1. Халқаро Экологик Ҳамкорлик (ХЭХ) тушунчаси, принциплари?
2. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро объектлари?
3. Халқаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари?
4. Ўзбекистоннинг ХЭХ да иштироки?

15-Мавзу: Экологик фанлар мажмуи

Режа:

1. “Экология” тушунчаси.
2. “Экология” фанлар мажмуи.
3. “Экология” фанининг вазифалари.
4. “Экология” фанининг манбаи.

Экология тушунчаси. Экология (юнонча “ойкос”-яшаш макони, ўрни, жойи, ҳамда “логос” - фан) – организмларнинг ва улар тизимлар (популяциялари, туркумлари)нинг бир бири билан ҳамда яшаш муҳитлари билан ўзаро муносабатларини ўрганадиган фан. Бу фан нима учун у ёки бу ўсимлик ёки ҳайвон фақатгина сайёранинг муайян жойида учрашини, уларнинг ўзаро таъсири шу ҳудудда қандай ўзгаришларга олиб келишини, биологик тизимлар қандай фаолият кўрсатишини, уларда органик бирикмалар қандай ҳосил бўлишини ва сарфланишини, табиатда моддалар айланишининг қандай юз беришини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бошқа барча тирик мавжудодларга ўхшаб инсонни ҳам у яшайдиган муҳитдан алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмаслигини тушуниш жуда муҳимдир. Агар биз табиат билан келишувда яшашни, унинг неъматаларидан фойдаланишни, гўзалликларидан завқланишни хоҳласак унинг талабларини шароитларини қабул қилишимиз ва барча тирик мавжудодлар бўйсунувчи асосий қонунларга амал қилишимиз, ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун атроф-муҳитни ўзгартирганда муайян чегаралардан чиқмаслигимиз зарур. Техника таррақиётининг юқори даражадалигига қарамаздан замонавий цивилизация табиий муҳитга, нафакат унинг энергетик ва моддий ресурсларига, балки ҳаво ва сувнинг айланиши каби ҳаётий муҳим жараёнларига ҳам боғлиқ ва шундай бўлиб қолади.

Экология атамасинининг дастлабки таърифи таниқли немис биологи Эрнст Геккелнинг “Организмларнинг морфологияси” (1866) ва “Олам вужудга келишининг табиий тарихи” (1868) каби илмий асарларида келтирилган. Асримизнинг иккинчи ярми бошлариданоқ одамлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси билан табиий муҳит орасидаги муносабат тобора кескинлаша бошлади. Бунда асосий сабаби одамлар фаолиятини табиатга нисбатан жиддий кучайшидадир маълумки, ҳайвонлар табиатдан фақат

фойдаланадилар (унда яшайдилар) ва фақат шу сабабли унда у ёки бу ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Одамлар эса турли туман ҳукмронлик қилишга уринадилар. Натижада табиий шароитда туб ўзгаришлар содир бўлиб, у турли зиддиятларга олиб келади. Бу ҳол экология атамасини мазмунини тўлдириш зарурлигини тақозо қилди. Чунки кўп ҳолларда ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини яшаш шароити кишилар фаолиятига тўла боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун мақсад фақат ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг яшаш ва тарқалиш шароитларгина ўрганишдан иборат бўлмай, балки бу шароитни кишилар фаолияти натижасида ўзгариши ва уни мавжуд ҳаёт жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш, уни башоратлаш, салбий оқибатларни олдини олиш ҳамда содир бўлганларини бартараф қилиш чоратадбирларини яратишни илмий асослашдан иборат бўлиб қолди. Шундай қилиб, экологияни кишилар фаолиятни умумий ҳаётини белгиловчи табиий муҳитга таъсирини ўрганиб, уни башорат қилувчи ва салбий оқибатларни бартараф қилиш чора тадбирларини илмий асосини яратувчи фан сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Экология фанининг вазифалари. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш улар ҳосса ва миқдорга путур етказмай мукамал фойдаланишдан, уларни муҳофаза қилиш эса улардан оқилона фойдаланишни амалга оширишдан иборат бўлиши шарт, яъни назарий ва амалий нуқтаи назардан табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳақидаги икки тушунча ва бир маъно ва ягона мақсадга интилишдан иборат бўлиб, уларни тўғри амалга ошириш экологияни асосий мақсадини ташкил қилади.

Ҳозирги экология фақат тирик организмлар ўртасидаги муносабатларни ёки организмлардан юқори турувчи тизимларга хос қонуниятларни ўрганиш билан чегараланиб қолмай, табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларининг энг оптимал ечимларини асослаб бериши зарур. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ҳозирги замон экологиясини табиат ва жамиятда кечадиган жараёнларни инсон омилини ҳисобга олган ҳолда ўрганадиган фандир, деб таърифлаш мумкин. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, инсон омили дейилганда инсоннинг биологик мавжудот сифатидаги фаолиятигина эмас, балки унинг жамиятдаги турли ишлаб чиқариш фаолияти ҳам назарда тутилади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларни эътиборга олиб, экология фанининг бугунги кундаги асосий вазифаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- ҳаётимизнинг ташкил топиш қонуниятларини ўрганиш, шу жумладан, табиий тизимларга ва умуман биосферага антропоген таъсирларни табиат қонуналари асосида тадқиқ этиш;
- табиий ресурслардан ёки табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, инсоннинг ҳўжалик фаолияти таъсири остида табиатда рўй берадиган ўзгаришларни олдиндан билиш, биосферада кечадиган жараёнларни бошқариш ва инсон яшайдиган муҳитни саклаб қолиш;

- популяциялар сонини тартибга солиш;
- агросаноат комплексларида кимёвий воситалардан фойдаланишнинг минимумига эришиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- бузилган табиий тизимларни тиклаш, шу жумладан фойдаланишдан чиқариб ташланган қишлоқ хўжалик экин майдонларини тиклаш (рекультивация), яйловларни, кам хосилли тупроқларни, сув ҳавзалари ва бошқа экотизимлар маҳсулдорлигини ошириш;
- биосферанинг эталон моделларини сақлаш (консервациялаш);
- муҳит сифатини сақлаш ва яхшилаш бўйича техникавий, ҳуқуқий, ташкилий – бошқарувга доир узоққа мўлжалланган тадбирлар мажмуини такомиллаштириш;
- хавфли табиий ҳодисалар, техноген фожиаларнинг олдини олиш ва уларнинг инсон ва табиатга кўрсатиш мумкин бўлган таъсирларини олдиндан холис баҳолаш;
- экологик онг, маданият, таълим тарбиянинг мукаммаллаштириш ва бу соҳага оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этиш.

Ёки умуман олганда, экологияни асосий вазифаси табиий мувозанатни кишилар ҳаёт фаолияти жараёнида бузилиши сабаблари ҳамда оқибатларини тўғри башоратлаб ва баҳолаб, уни табиий ҳолга келтириш, ёки янги ҳолатда мувозанатлаштириш чора-тадбирларини илмий асослашдан иборат бўлади.

Экология факат XX асрда мустақил фан сифатида шаклланди ва расмийлашди. Ҳақиқатда эса экологиянинг фан сифатидаги катта аҳамияти яқин вақтлардан бошлаб тушунила бошланди. Бу куйидаги ҳолатда боғлиқҳолда тушунтирилади. Ер юзида аҳоли сонининг ортиши ва табиий муҳитга бўлган таъсирининг кучайиши инсон олдида ҳал этилиши зарур бўлган қатор янги ҳаётий муҳим масалаларни кўйди. Агар экология ўзининг юзага келган даврида асосан организмларнинг муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганган ва биологиянинг таркибий қисми бўлган бўлса ҳозирги замон экологияси эса масалаларнинг ниҳоятда кенг доирасини камраб олган ва қатор ёндош фанлар билан узвий туташиб кетган. Улар орасида энг аввало биология, география, геология, физика, кимё, генетика, математика, тиббиёт, аграрномия, архитектурани алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳозирги вақтда экологияда бир неча илмий соҳалар мавжуд. Масалан, популяцион экология, географик экология, кимёвий экология, саноат экологияси, ўсимлик, ҳайвон, инсон экологияси ва бошқалар.

Организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабати, турлар, популяциялар, битсенозлар, экотизмлар, биосфера ва бошқа тушунчалар экология фанининг манбаини ташкил этади.

Бугунги кунда экология нафақат мустақил фан сифатида шаклланди, балки у мазмунан жуда кенгайди. Экология ўрганадиган янги соҳалар кўпайди, бошқача айтганда, экологиянинг янги- янги юналишлари пайдо бўлди.

Экологик мувозанатнинг бузилиши инсон фаолияти оқибатида юзага келади. Агар бу бузилиш маълум кескинлик ҳолатидан юқори бўлмаса

мувозанат қайтадан тикланади. Бу ҳол атроф муҳит заҳиралари тугамагунча давом этаверади. Агар бузилиш даражаси кескин ҳолатдан ўтиб кетган бўлса, у ҳолда экологик тизим ишдан чиқади, ундаги ҳаёт сўнади, ёки энг қашшоқ ва содда кўринишда сақланиб қолади. Ер куррасининг бир вақтлар гуллаб яшнаган минтақалари, масалан: Африка, Американинг чўл минтақалари, Шимолий Италиянинг тоғ этаклари, ва динамик мувозанат вужудга келади. Бугунги кунда экология нафақат мустақил фан сифатида шаклланди, балки у мазмунан жуда кенгайди. Экологияни ўрганадиган янги соҳалар кўпайди, бошқача айтганда, экологиянинг янги-янги йўналишлари пайдо бўлди.

Экология фанининг манбаи. Популяциялар, турлар, биоценозлар, бигеоценозлар ва биосфера каби тушунчалар экология фанининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кўпинча умумий экология 3 бўлимга бўлиниб ўрганилади:

а) аутэкология – айрим турларни бошқа организмлар қамровидан алоҳида олиб уларнинг яшаб турган муҳит билан ўзаро муносабатларини, қандай муҳитга кўпроқ ва узвий мослашганлигини ўрганади;

б) популяцион экология (демоэкология)- айрим турлар популяциясини тузилмасини ва динамикасини ўрганади, маълум шароитда турли организмлар сонини ўзгариши, биомасса динамикаси сабабларини текширади;

в) синэкология – популяцияларни, жамоаларни ва тизимлар муносабатларини ўрганади;

г) экотизимларни тадқиқ қилишнинг ривожланиши биосфера ҳақидаги таълимотни вужудга келтирди.

Бугунги кунга келиб, экология соф биологик фанлар тизимидан чиқиб, мазмуни кенгайиб бормоқда. Атроф-муҳитга замонавий фан ва техника таррақиётининг натижасида экология тушунчаси ўта кенгайиб бормоқда.

Экология фанига хос хусусиятлардан бири бу экологик масалаларни ҳал этишга фанлараро ёндошишдир. Экология табиат ва жамиятни билишнинг илмий, ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий ва яна бир қатор жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган. Бу ҳол бир қатор табиий (биология, география, геология, кимё, физика, математика, генетика) ва ижтимоий (фалсафа, иқтисод, ҳуқуқ, социология, педагогика) фанларга оид билимларни қамраб олган ўзига хос янги йўналишни синтез қилишни тақозо этади. Ҳақиқатдан ҳам, экологиянинг ҳозирги таррақиёти айнан шу йўналишда такмоилашиб бормоқда. Ҳозирги замон экологиясини алоҳида олинган табиий фан сифатида эмас, балки табиий ва ижтимоий фанларнинг хулосаларига таянадиган фан сифатида олиб қараш ва талқин этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Назорат саволлари:

1. “Экология” тушунчаси?
2. “Экология” фанлар мажмуи?
3. “Экология” фанининг вазифалари?

4. “Экология” фанининг манбаи?

16-Мавзу: Экологик экспертиза, экологик ҳуқуқ Режа:

1. “Экологик экспертиза” тушунчаси.
2. Экологик экспертизанинг асосий принциплари ва вазифалари.
3. Экология ҳуқуқи тушунчаси.
4. Экология ҳуқуқининг мақсади ва вазифалари.

“Экологик экспертиза” тушунчаси. Экологик экспертиза – экологик ҳуқуқий механизмнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан унумли ва самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Экологик экспертизани ҳуқуқий ҳолати конституциявий қоидаларда, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг экологик экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларида белгиланган экологи экспертизанинг асосида табиатда моддаларни мувозанатга солиш, инсонларнинг соғлиги биринчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасига асосан экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

- режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатиш мумкин бўлса бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослигини аниқлаш;

Экологик экспертиза тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2000 йил 25 майда қабул қилинган бўлиб унинг биринчи моддасида экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини

белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Экологик экспертизанинг асосий принциплари ва вазифалари.

Экологик экспертизанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- Қонунийлик;
- Асослилик;
- Холислик;
- Экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
- Ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумцияси;

- Хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирига баҳолашнинг комплектлиги;

Экологик экспертизанинг энг асосий вазифаларидан бири атроф табиий муҳит ва аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш ва хўжалик объектларининг таъсирларини олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ превентив чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Экологик экспертизаси муҳим ва мураккаб фаолият тури сифатида қуйидаги умумий ва ўзига хос тамойиллар асосида амалга оширилади:

- Қонунийлик;
- Экологик экспертизани мустақиллиги;
- Ошкоралиги;
- Илмий-техникавий асослиги;
- Экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
- Ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфсизлиги;

- Хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва аҳолининг соғлиғига таъсирини баҳолашнинг кенг кўламли ва кенг камровлиги;

- Экологик экспертизани ўтказишда жамоатчиликнинг қатнашиши ва бошқалар.

Ушбу тамойиллар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, экологик экспертизани ўтказишнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, қонунийлик тамойили – экспертизани тайинлаш, ўтказиш, хулоса бериш билан боғлиқ барча жараён белгиланган қонунчилик ҳужжатлари қоидаларига мос равишда ўтказишни талаб этади.

Мустақиллик тамойили – биринчидан, экспертизани идоралардан устун турувчи давлат органи томонидан ўтказишни, иккинчидан, экологик экспертизани ўтказиш жараёнида бошқа давлат органи, мансабдор шахс ва фуқароларнинг аралашувига, тазиқ ўтказишга йўл қўймаслигини таъминлайди.

Демократик тамойиллардан бири ҳисобланган ошкоралик экспертиза хулосаларининг аҳолининг кенг қатламларига етказишни тақозо этади. Лойиҳалаштирилаётган ишга туширилаётган, ишлаб жараёнини амалга

ошираётган завод, фабрика ва бошқа технологик ускуналарининг мослигини фақатгина илмий-техникавий жиҳатдан асосланган малакавий хулоса билан таъминлаш мумкин. Экспертиза объекти сифатида қаралаётган лойиҳаларга баҳо беришда атроф табиий муҳит барқарорлиги, аҳолининг соғлиғи ва ҳаётига таъсир кўрсатувчи омилларга эътибор бериш устунлигини кўзда тутади.

Навбатдаги тамойил ҳам экологик экспертизасининг ўзига хос тамойилларидан бири бўлиб, ҳар бир хўжалик ва ишлаб чиқариш объекти белгиланган тартибда ўтказилган экспертиза хулосаси асосидагина экологик жиҳатдан хавфлилик даражаси аниқланади. Экспертиза натижалари тўғри, одилона бўлиши учун биологик, кимёвий, физикавий, технологик, демографик, агроэкологик, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги билимларни жамлаган ҳолда кенг қамровли ижодий меҳнат маҳсули бўлиши ва текшириладиётган объектга нисбатан реал, объектив баҳо берилиши керак. Экологик экспертизанинг муҳим тамойилларидан бири сифатида ушбу жараёнда нодавлат, нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг иштироки бўлиб, экологик экспертизанинг оммавий ва адолатли бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, экологик экспертиза ушбу тамойилларга қатъий риоя этгандагина, ҳар бир объектга нисбатан, холисона, кенг қамровли, адолатли, қонуний, мустақил ва объектив хулоса бериш мумкин: Экологик экспертиза жараёнида турли шаклдаги кетмакетликдан фойдаланган ҳолда кўзда тутилган мақсадга эришилади:

- маълумотлар тўплаш экспертизадан ўтаётган муайян объектга тегишли бўлган барча ахборот, маълумотларни йиғиш ва тўплаш;
- умумлаштириш – объект ҳақидаги тўпланган иқтисодий, технологик, экологик, гидрологик, кимёвий ва бошқа маълумотларни ўз йўналишлари бўйича маълум тизимга келтириш;
- таҳлил қилиш;
- умумлашган маълумотлар банкини ўз йўналиши ва хусусиятлари бўйича алоҳида ўрганиш, таснифлаш;
- баҳолаш;
- экспертиза ўтказилаётган объект йўналишлари, бўлимлари, ташкил этувчи қисмлари бўйича хавфли ва зарарлилик даражасини аниқлаш;
- хулоса бериш;
- экспертиза ўтказилаётган объектнинг экологик жиҳатдан зарарли ёки зарарсиз, хавфли ёки хавфсиз, экологик қоида талабларга мослиги ёки ушбу қоидаларга зид эканлиги ҳақида якуний, адолатли, объектив хулосага келиш.

Экологик экспертиза фани бир қанча табиий ва аниқ фанлар билан яқиндан алоқада бўлиб, бу фанлар экологик экспертиза фанининг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ ёритишга ёрдам беради. Жумладан биология, география, кимё, физика, математика, экологик мониторинг, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки атроф табиий муҳит мусаффолигини ундаги ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан бевосита боғлиқ. Инсон фаолияти ва табиатдаги

Ўзгаришларни назорат қилиш ва олинган маълумотларни хулосалаш экологик экспертиза фани орқали амалга оширилади.

Барча тўпланган маълумотларни тўплаш ва уларни хулосалаш натижасида биз атроф муҳит ҳолатини аниқлай оламиз ва унда бизда ҳозирги замон фан-техника ютуқлари қўл келади. Демак экологик экспертиза ишлаб чиқариш билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Экологик экспертиза инсоният фаолияти натижасида атроф табиий муҳитга бўлган таъсирини ўрганади унинг ҳолатини баҳолайди ва келгусида барқарорлаштириш чораларини ишлаб чиқади ва натижада экологик хавфсиз муҳит ҳосил бўлишига олиб келади.

Экологик экспертиза – муҳит ва мураккаб жараён бўлиб, атроф табиий муҳитни барқарорлигини сақлаш, табиатдан самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлардан иборатдир.

Экология ҳуқуқи тушунчаси. Экология ҳуқуқи бир пайтнинг ўзида ҳам юридик фанлар, ҳам экологик фанлар тизимида турувчи мустақил фан тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз экология ҳуқуқининг фанлар ўртасида тутган ўрни ва улар билан узвий боғлиқлигини аниқлаб олишимиз талаб этилади.

Авваламбор, Экология ҳуқуқининг экологик фанлар тузилишдаги ўрнига тўхталсак. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, экологиянинг предмети ягона экологик тизимдаги экологик ўзгарувчан организмлар ва уларнинг ўзгарувчан атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатидир. Ушбу муносабат табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, юридик, умумий (комплекс) ва шунга ўхшаш кўп қиррали характерга эга бўлиши мумкин. Ана шу характерларга қараб, экология турли фан йўналишларига бўлиниб кетади. Масалан, ижтимоий характерда — ижтимоий экология, инсон экологияси, оила экологияси, маҳалла экологияси ва ҳ.к.; иқтисодий характерда — иқтисодий экология, табиий ресурслардан фойдаланиш иқтисоди, макроиқтисодий экология, микроиқтисодий экология ва ҳ.к.; юридик характерда — экология ҳуқуқи, ҳалқаро экология ҳуқуқи» табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган барча Экологияга доир фан тармоқларининг ўзига хос объекти, предмети, бажариш тартиби, татбиқ қилиш жойи ва манбалари бор. Акс ҳолда улар мустақил фан соҳаси сифатида эътироф этилмайди.

Экология ҳуқуқи фан сифатида юридик характерга эга бўлган кишилар ўртасидаги ўзгарувчан атроф табиий муҳитга нисбатан юзага келадиган барча муносабатларни тадқиқ қилади. Тадқиқ қилинган ушбу соҳага доир назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирилган ва умумлаштирилган тарзда таълим бериш эса экология ҳуқуқи ўқув предметининг мақсади ҳисобланади.

Ҳуқуқий характерга эга бўлган экологияга доир фанлар ҳам тармоқлашиб кетган. Экологик-ҳуқуқий билимлар умумлаштирилган тарзда —

Экология ҳуқуқи ёки ажратилган тарзда — Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, Халқаро экология ҳуқуқи, атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва экологик йўналишдаги олий ўқув юртларида Экология ҳуқуқида ҳуқуқий экологияга доир барча билимларни умумлаштирувчи ўқув предмети сифатида ўқитиш қабул қилинган.

Экология ҳуқуқи барча экологияга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солишни ўзининг предмети қилиб олади. У кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ҳолатини соғломлаштириш, табиий тизимларни тиклашга доир хулқ-атвор қоидалари ва меъёрларини ёзма равишда ўрнатади, амалга татбиқ қилади ва унинг муҳофазасини таъминлайди. Бошқа ҳеч қайси бир экологик йўналишдаги фан тармоқлари бундай вазифани ўз олдига қўймайди. Масалан, Биоэкология фақатгина ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзаро ва уларни ўраб турувчи ўзгарувчан атроф табиий муҳити билан бўладиган муносабатни ёки ўзаро алоқадорлик қонуниятини тадқиқ қилади. Унда инсон фақатгина омил сифатида иштирок этади, холос. Шундай қилиб, Биоэкология ўрганиш объектнинг “марказида” тирик организмлар — ўсимлик ва ҳайвонот дунёси туради.

Экологиянинг ҳуқуқи бошқа экологик фан тармоқлари билан боғланган жойи борми? Бор бўлса, улар нималардан иборат, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Ҳа, бор албатта. Масалан, ҳозирги замон фан ва техникасида юзага келаётган инқилобий ўзгаришлар биосфера (тирик организмлар яшайдиган қобик)даги барча жараён ва ҳодисаларни ўзгартириб юбормоқда. Хоҳ у ижобий, хоҳ у салбий кўринишда бўлсин, оддий микроорганизмлардан тортиб то йирик сут эмизувчиларнинг сони, кўпайиши, ривожланиши инсон фаолиятига кундан-кунга кўпроқ боғланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам инсон фаолиятани экологик жиҳатдан бошқариш бошқа турдаги экологик муносабат ва алоқадорликнинг моҳиятини белгилаб беради. Бошқаришнинг замонавий усулларида бири эса ҳуқуқий тартибга солишдир. Агарда биз экологик ҳуқуқ нормаларини ўз вақтида қабул қилиб, уларни ҳаётга реал татбиқ қилган тақдиримиздагина, биоэкологик, геоэкологик, ижтимоий-экологик ва бошқа экологик тизимларда модда ва энергия алмашувини нормал ҳолда кечувини таъминлай оламиз. Бу эса барча турдаги тирик организмларнинг яшаш муҳити — “уйи” ни сақлаб қолиш демақдир.

Экология ҳуқуқининг мақсади ва вазифалари. XXI асрга келиб атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир этувчилар — инсонларнинг турмуш фаолиятини ҳар томонлама қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Акс ҳолда ушбу инсонларнинг ноэкологик турмуш тарзи ўзининг ҳаёти учун замин бўлиши муқаррар. Кишилар турмуш тарзини экологик хавфсизликка томон йўналтириш учун унинг барча иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маърифий, ҳуқуқий фаолиятини экологиялаштириш талаб эгалади. Оптимистлармизнинг концепциясига қўшилган ҳолда, фақатгина ҳуқуқий -

демократик давлат куриш ва бозор иқтисодиётини чинакамига шакллантириш экологик инқирозларнинг олдини олади, дейиш мумкин. Унга кўшимча тарзда Олий Мажлиснинг II чақириқ 9-сессиясида Ўзбекистон биринчи Президенти И. А. Каримов томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган фуқаролик жамиятини барча давлатларда ўрнатиш ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш томон қўйилган катта қадам бўлади. Ушбу талабларни, авваламбор, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг экологик-ҳуқуқий асосини яратиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтариш, экологик қонунчиликни ҳаётга кенг тadbик қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистонда экология ҳуқуқининг мақсади — давлатнинг барқарор ривожланиш ва фуқароларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун Экология ҳуқуқи куйидаги вазифаларни бажаришни назарда тутди:

- аҳолининг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтариш;
- миллий экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиш;
- демократик принципларга мос равишда экологик қонунчиликни такомиллаштириш;
- экологик-ҳуқуқий бошқарувни йўлга қўйиш;
- ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг экологик фаолиятларини аниқлаш ва кенгайтирилиши ҳамда мукамал экологик-ҳуқуқий назорат тизимини яратиш;
- экологик-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тadbик этиш;
- экологик ҳаракатларни рағбатлантириш ва экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликни юридик жиҳатдан ривожлантириш;
- ҳар бир табиий объект ва комплекслардан оқилона фойдаланишнинг;
- ҳуқуқий режимини экологик талабларга мослаб бориш;
- экологик жиҳатдан нобоп ёки бузилган ҳудудларга аҳолини ижтимоий муҳофаза қиладиган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини ўрнатиш;
- илғор мамлакатларнинг ижобий ҳамда ривожланмаган мамлакатларнинг салбий экологик-ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш;
- глобал экологик тизимда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқий ва ягона мавқурравий механизмни яратиш ҳамда уни миллий қонунчиликда кенг ифода этиш;
- халқ, миллат, элат ва жамоаларнинг ягона инсон сайёрасини хавфсиз ҳолда сақлаш жавобгарлигининг ҳуқуқий базасини яратиш;

- халқаро миқёсда экологик мониторинг, назорат, экспертиза, экологик процессуал масалаларни тезкорлик билан ҳал қилувчи органларни яратиш ва уларнинг фаолиятларини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган Экология ҳуқуқининг вазифалари реал шароит ва ҳолатга мос равишда такомиллашиб бориши лозим. Лекин қўйилган мақсад ягона ва ўзгармасдир. Чунки ҳамма нарса инсон ва унинг фаровонлиги учун хизмат қилиши лозим. Фаровон ҳаёт фақатгина тоза ва ҳавфсиз атроф-муҳитдагина амалга ошишини биз ҳаммамиз Орол ва Орол бўйи мисолида яққол тасаввур эта оламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54, 55, 100-моддаларида айнан ушбу мақсад ҳуқуқий жиҳатдан бевосита ифода этилгандир.

Илова-1

Назорат саволлари

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари нималардан иборат?
2. ТИҚХММИ ни олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қўшган хиссаси ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. ТИҚХММИ тарихи ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
4. ТИҚХММИ да ҳозирги вақтда қандай ўзгаришлар олиб борилмоқда?
5. Гидромелиорация факультетининг ҳақида қандай маълумот бера оласиз?
6. “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедрасининг фаолияти нималардан иборат?
7. ТИҚХММИ да ишлаган йирик олимларнинг илмий ва педагогик фаолияти ҳақида нималар биласиз?
8. Ахборот ресурс маркази деганда нима тушунаси?
9. ТИҚХММИ ахборот ресурс маркази ва унинг вазифалари тўғрисида нима маълумот бера оласиз?
10. Замонавий мутахасисларга интернет нима учун керак?
11. Илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганда керакли адабиётларни топиш йўллари тўғрисида қандай ахборот бера оласиз?
12. Адабиёт билан ишлар, таҳлил қилиш деганда нимани тушунаси?
13. Конспект деганда нимани тушунаси?
14. Конспект қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
15. Қандай экологияга оид Республика ва халқароилмий ва оммабоп журналларни биласиз?
16. Реферат тушунчаси нима?
17. Реферат тузилиши ва реферат устида ишлаш тартиби тўғрисида нима биласиз?
18. Мустақил иши тузилиши ва мустақилиш устида ишлаш тартиби тўғрисида нима биласиз?
19. Битирув малакавий иши (БМИ), унинг асосий йўналишлари, вазифалари ва талаблар тўғрисида нималар биласиз?
20. Реферат билан битирув малакавий ишнинг фарқи нимада?
21. Битирув малакавий иши раҳбарининг вазифалари?

22. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ташкил қилиниш тарихи нималардан иборат?
22. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмита тизимидаги ташкилотлар ҳақида нималар биласиз?
23. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмита тизимидаги ташкилотларнинг вазифалари ҳақида қандай маълумотлар биласиз?
24. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмита фаолияти нималардан ташкил топган?
24. Экологик таълим деганда нимани тушунасиз?
25. Ўзбекистонда узлуксиз экологик таълим тизими деган тушунчаси нимадан иборат?
26. Экологик тарбия деганда нима тушунасиз?
27. Экологик маданият деганда нима тушунасиз?
28. Экологик онг деганда нимани тушунасиз?
29. Экологик фаолият олиб борадиган қандай нодавлат, ноижорат ташкилотларини биласиз?
30. “Экосан” ташкилотини фаолияти нималардан иборат?
31. “Экосан” поезда ҳақида нималар биласиз?
32. “Экоҳаракат” ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
33. “Экоҳаракат” охириги фаолиятларидан бири ҳақида қандай маълумот биласиз?
34. Ҳалқаро экологик ҳамкорлик нима?
35. Ҳалқаро экологик ташкилотларга қандай ташкилотлар киради?
36. Ҳалқаро экологик ташкилотлар фаолияти нималардан иборат?
37. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳалқаро объектларига нималар киради?
38. Ҳалқаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари нималардан иборат?
39. Ўзбекистоннинг ХЭХ да иштироки тўғрисида қандай ахборот бера оласиз?
40. Резолюция терминини маъноси нимадан иборат?
41. Шартнома терминини маъноси нимадан иборат?
42. Конвенция терминини маъноси нимадан иборат?
43. Хартия терминини маъноси нимадан иборат?
44. Замонавий экологик ҳамкорлик қандай усуллари мавжуд?
45. ЮНЕСКО қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
46. ВОЗ қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
47. WMO қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
48. ИМКО қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
49. БМТ қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
50. ЮНЕП қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
51. ЮНЕСКО ташкилотининг вазифалари?
52. ВМО қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
53. БССТ қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?

54. ЮНИДО қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат
55. ЕЭКООН қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
56. ЭСКАТО қандай ташкилот ва унинг фаолияти нималардан иборат?
57. Давлатлараро экологик ҳамкорлик нима учун зарур?
58. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликнинг тарихи тўғрисида нималар биласиз?
59. Экология ва табиатни муҳофаза фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар ҳақида нималар биласиз?
60. ЮНЕСКО “Инсон ва биосфера” дастури тўғрисида қандай маълумот бера оласиз?
61. Экологик фанлар мажмуига нималар киради?
62. Экологияни ҳуқуқий асоси нима?
63. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз?
64. Экологик мониторинг нима?
65. Экологик экспертиза нима?
66. Экологик экспертизани қандай турлари бор?
67. Мониторинг терминини қандай изоҳлаб бера оласиз?
68. Халқаро экологик ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
69. ХЭҲнинг турларини ва объектларини айтиб ўтинг?
70. БМТ нима?
71. БМТнинг ихтисослашган экологик кўмиталарини айтиб ўтинг?
72. Ўзбекистоннинг халқаро экологик ҳамкорлиги?
73. ТИҚХММИ билан узвий боғланган Тошкент шаҳар бўйича қандай ўқув юртларини биласиз?
74. Республика миқёсида ТИҚХММИ га бириктирилган ихтисослашган қандай билим юртларини биласиз?
75. Республика миқёсида ТИҚХММИ га бириктирилган ихтисослашган билим юртларини фаолияти тўғрисида қандай маълумотлар биласиз?
76. ТИҚХММИ да қандай таълим йўналишлари мавжуд?
77. ТИҚХММИ нинг республикада қандай филиал олий ўқув юртлари мавжуд?
78. ТИҚХММИ факультет ва кафедраларининг илмий салоҳияти тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?
79. ТИҚХММИ қошида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида қисқача ахборот беринг?
80. Талаба олимпиадада қатнашиш давомида қандай йўналишдаги синовлардан ўтиши керак?
81. MS PowerPoint дастурининг имкониятлар тўғрисида нималарни биласиз?
82. Анимация деганда нимани тушунасиз?
83. Нима учун узлуксиз таълиммалакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади?
84. Узлуксиз экологик таълимнинг қандай босқичлари бор?
85. Биологик ресурсларнинг инсон ҳаётида ва экотизимда ўрни?
86. Экологиянинг илмий жиҳатдан ривожланиш тарихи?

87. Ўзбекистонда атроф – муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари?
88. Экологик кадастр тушунчасини таърифлаб беринг?
89. Экологик назорат тушунчасини таърифлаб беринг?
90. Экологик экспертиза тушунчасини таърифлаб беринг?
91. Табиат ва жамият ўртасида қандай муносабат шакллари мавжуд?
92. Бутун дунёда Оролни сақлаш бўйича олиб бориладиган сиёсат?
93. Оролни сақлаш бўйича халқаро ҳуқуқларнинг асосий мазмуни?
94. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?
95. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қандай назоратни амалга оширади?
96. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ерга оид қандай муносабатларни тартибга солади?
97. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?
98. Янги таҳрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун нечанчи йилда қабул қилинди?
99. “Ўрмон тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?
100. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?

Илова-2

“Мутахассисликга кириш” фанидан глоссарий

Антропоген, антропоген тизим [юн. anthropos – инсон ва genos тутилиш] – Ернинг геологик тарихининг ҳозиргача давом этаётган, давомийлиги ҳар хил маълумотларга кўра 600 минг йилдан 3,5 млн. йилгача бўлган охириги даврларидан бири; плейстоценга (одам пайдо бўлиши даври) ва голоценга (муз даври тугашидан ҳозиргача бўлган давр) бўлинади.

Антропогенез [юн. antropos – инсон ва genes – тутилиш] – одамнинг келиб-чиқиши ҳақидаги таълимот. Экологияда А. деганда баъзан табиий объектлар ва ходисаларнинг инсон таъсири туфайли ўзгариши ҳам тушунилади.

Антропосфера [юн. anthropos – одам ва sphaire – шар, қурра] – инсон фаолияти тарқалган чегара, сфера.

Атроф (инсонни қамраган) муҳит - одамларга ва уларнинг хўжалигига биргаликда ва бевосита таъсир этувчи абиотик, биотик ва ижтимоий муҳитлар мажмуаси. А.м. тушунчаси атроф табиий муҳит тушунчасидан бирмунча кенгрокдир, чунки у ўз ичига ижтимоий ҳамда техноген муҳитларни (уйлар, корхоналар, йўллар.) ҳам қамраб олган тушунчадир.

Атмосфера [юн. atmos – буғ ва sphare – шар] – ер ва бошқа фазовий жисмларнинг газсимон қобиғи. Ер юзасида у асосан азот (78,08%), кислород (20,95%), аргон (0,93%) сув буғи (0,2-2,6%), карбонат ангидрид газидан (0,03%) ташкил топган.

Атмосферанинг “ўчоғли” ифлосланиши – “ўчоғли” ифлосланиш ибораси ифлослантирувчи моддаларнинг юқори, қисқа муддатли концентрациясини тавсифлаш учун фойдаланилади. Ифлослантирувчи

манбалар яқинида турган одамлар улар таъсирига дучор бўлади. Автотранспорт гавжум ҳаракатланадиган шаҳар кўчалари, шунингдек шаҳарлардаги атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқарадиган саноат корхоналари атмосфера ифлосланиши “ўчоғи” бўлади.

Атроф (инсонни қамраган) муҳит - одамларга ва уларнинг хўжалигига биргаликда ва бевосита таъсир этувчи абиотик, биотик ва ижтимоий муҳитлар мажмуаси. А.м. тушунчаси атроф табиий муҳит тушунчасидан бирмунча кенгрокдир, чунки у ўз ичига ижтимоий ҳамда техноген муҳитларни (уйлар, корхоналар, йўллар) ҳам қамраб олган тушунчадир.

Атроф-муҳит (ёки унинг компонентлари) ҳолатини баҳолаш - реал, аниқ ҳолатни стандартлаштирилган ўзгарувчан кўрсаткичлар бўйича идеал ва муваққат меъёр билан таққослаш.

Атроф-муҳит ифлослантирилганлиги учун тўловлар - корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари томонидан уларнинг салбий оқибатлар ва экотизимларни тиклаш учун кўшимча харажатларга олиб келадиган фаолияти натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарни қисман қоплаш учун тўланадиган пул тўловлари.

Атроф-муҳит сифатининг кўрсаткичлари (мезонлари) - атроф-муҳитнинг умуман ёки унинг алоҳида компонентлари сифатини баҳолашдаги аломатлар.

Атроф-муҳит муҳофазасини бошқариш – атроф-муҳитга антропоген фаолият натижасида зарарли таъсирни чегаралайдиган ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, уларни қайта тиклашни таъминлайдиган меъёр ва талабларнинг бажарилишини таъминлаш.

Атроф-муҳит шароитини яхшилаш (тиклаш) – атроф-муҳитнинг юқорироқ энергетик даражага ўтиши, автохтон ривожланиш ёки инсон фаолияти натижасида муҳит сифатининг яхшиланиши.

Атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни лимитлаштириш (чегаралаш) - атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган манбалар ва чиқиндиларнинг маълум тавсифларини уларга риоя қилиш ва назоратини амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган ҳолларда вақтинчалик белгилаш.

Атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсирни назорат қилиш (таъсир манбалари ва чиқиндиларни) - экологик назоратнинг бир қисми; давлат органлари, корхоналар ва фуқароларнинг атроф-муҳитга таъсир этувчи манбалар ва чиқиндилар белгиланган меъёр ва табиатдан фойдаланиш қоидаларига жавоб беришни таъминлашга қаратилган фаолияти

Атроф-муҳитга келтирилган зарар ёки экологик зарар – атроф-муҳитдаги антропоген фаолият, атроф-муҳитга кўрсатилаётган таъсир, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, экотизимларнинг бузилиши натижасида юзага келган ва инсон саломатлигига, моддий бойликларга аниқ таҳдид солувчи салбий ўзгаришлар.

Атроф-муҳитга таъсир қилувчи манба - фазовий чегараланган ва атроф-муҳитга ўтказилувчи таъсирнинг барча тавсифи тегишли бўлган худуд.

Атроф-муҳитга таъсир этувчи нуқтавий манба - масофа ўлчовлари атроф-муҳит сифатини баҳолашда кўриб чиқиладиган ҳисоб нуқталарида таъсир кўрсатмайдиган таъсир манбаси.

Атроф-муҳитга таъсир этувчи турғун манба - макондаги вазияти кўриб чиқиладиган даврда ўзгармайдиган таъсир манбаси.

Атроф-муҳитни назорат қилиш - инсон ва биота учун энг муҳим ва асосий бўлган атроф-муҳит компонентларининг ҳолати ва уларнинг ўзгариши устидан назорат қилиш.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши – тавсифи, жойлашган ери ёки миқдорига кўра атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир қиладиган моддаларнинг атроф-муҳитда мавжудлиги.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш - табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими.

Ахлатхона (чиқиндихона) – ифлосланишни назорат қиладиган махсус қурилмаларсиз қаттиқ чиқиндиларни ташлаш учун қўлланиладиган худуд.

Бабл-тамойил [инг. bubble – пуфак] – чиқиндиларни назорат қилишнинг муқобил стратегияси. Унга биноан икки ва ундан ортиқ ифлосланиш манбаи бир ҳажмга сиғдирилган деб тасаввур қилинади ва бу ҳар бир манбадан чиққан чиқиндиларни эмас, балки назарда тутиладиган ифлослантирувчи модданинг жами чиқиндисини баҳолашга ва уни камайтиришга имкон беради. Б.т.-ни жорий этишга рухсатга эга корхоналар арзонроқ тушадиган манба чиқиндисини камайтириш йўли билан маблағни иқтисод қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бактериологик ифлосланиш – экотизимга унга ёт бўлган организмларнинг четдан олиб келиниши ва кўпайиши.

Бардошлилик – тирик организмларнинг яшаётган муҳитидаги номақбул таъсирларга бардош бера олиш хусусияти. Юксак Б. турлар омон қолиши гаровидир, муҳит доимо ўзгариб бораётган шароитда (ш.ж. антропоген таъсир остида) паст Б. турларнинг камайиши ва қирилиб ботишига олиб келади.

Биологик мониторинг – экологик мониторингнинг ифлосланган табиий муҳитда тирик организмларнинг ҳаёт кечиришини (реакциясини) кузатадиган тури.

Биологик ифлосланиш – экотизимга унга ёт бўлган организм турларининг киритилиши ва уларнинг кўпайиши. Микроорганизмлар билан ифлосланишга бактериологик ёки микробиологик ифлосланиш ҳам дейилади.

Биологик тиклаш чоралари – тупроқ, сув ва оқава сувларга оқиб кетган нефть маҳсулотлари қолдиқларини йўқотиш ёки уларни бошқа

ифлослантурувчи моддалардан тозалаш учун тирик организмлар, масалан, бактериялардан фойдаланиш.

Биоцидлар [юн. *bios* – ҳаёт ва лот. *caedere* – ўлдириш] – тирик организмларни қириш ёки уларга зиён етказиш хусусиятига эга бўлган моддаларнинг умумлашма номи.

Биоцентризм табиатни муҳофаза қилишда жонли табиатнинг манфаатларини (инсон тасавуридаги) барча нарсадан устун қўювчи илмий ёндашиш.

Буғхона ёки иссиқхона эффекти [ингл. *Greenhouse Effect*] – атмосферада ер юзасидан узун тўлқинли иссиқлик нурланишига халақит берувчи углеводород (карбонат ангидрид, ис гази) ва фтор -хлор-углеводород бирикмаларининг аста-секин кўпайиши натижасида Ердаги ҳароратнинг кўтарилиши ва иқлимнинг умумий иссиқланиши.

Биологик хилма-хиллик – турларнинг хилма-хиллиги, генетик хилма-хиллик, экосистемалар хилма-хиллиги.

Биомасса – тирик организмларнинг маълум майдон бирлигига тўғри келувчи оғирлик ёки энергия бирликларида ифодаланган умумий вазни.

Биосфера – ҳозирги даврда яшаб, фаоллик кўрсатиб турган организмлар тарқалган қобик.

Биота – флора (ўсимлик турлари) ва фауна (ҳайвон турлари)нинг йиғиндиси

Биотоп – нисбатан бир хил абиотик муҳит билан тавсифланувчи биоценоз эгаллаган майдон.

Биотик алоқалар – биоценоздаги организмларнинг турли шакллардаги ўзаро муносабатлари.

Гетеротроф - тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечирувчи организмлар, уларга барча ҳайвонлар, текинхўр ўсимлик турлари, замбуруғлар ҳамда куўпчилик микроорганизмлар киради.

Генофонд – маълум гуруҳдаги индивидларнинг (популяциялар, популяциялар гуруҳи ёки турнинг) барча генлари йиғиндиси.

Генотип – организмнинг барча генлари йиғиндиси.

Гомойотерм – ташки муҳит ҳароратига боғлиқ бўлмаган ҳолда тана ҳарорати доимий бўлган (иссиқ конли) ҳайвонлар.

Канцерогенлар – хавфли ўсмалар келиб чиқишига сабабчи бўладиган моддалар ёки физик омиллар.

Консументлар – фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи организмлар йиғиндиси.

Козволюция - табиат ва жамиятнинг бир-бирига мос, ўзаро мутаносиб ривожланиши.

Литосфера – Ернинг устки “қаттиқ” қобиғи.

Мониторинг – атроф-муҳит ҳолатининг кузатиш, баҳолаш ва олдиндан башорат қилиш тизими.

Мутаген – мутацияни келтириб чиқарувчи ҳар қандай омил.

Ноосфера – “ақл қобиғи», биосфера тараққиётининг юкқори босқичи.

Продуцентлар – анорганик моддалардан органик моддалар яратувчи автотроф организмлар.

Популяция – бир турга мансуб бўлган индивидлар йиғиндиси ҳисобланиб, умумий генофондга эга, муайян шароитда ва майдонда тарқалган бўлади.

Редуцентлар – ҳаёт фаолияти давомида (бактериялар, замбуруглар) органик қолдиқларни анорганик моддаларга парчаловчи организмлар.

Рухсат этиладиган миқдор - РЭМ(ПДК) - одамларнинг соғлиғи ва ҳаётига зиён етказмайдиган зарарли модда миқдори кўрсаткичи.

Синэкология – экологиянинг ҳамжамоалар тузилиши, энергетикаси, динамикаси, шаклланиши, ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси кабиларни ўрганадиган бўлими.

Сукцессия – муайян ҳудудлардаги биоценозларнинг табиий омиллар ёки инсон таъсирида кетма-кет алмашилиши.

Табиий ресурслар – жамиятнинг моддий, илмий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиий объектлар, жараёнлар.

Трофик алоқа – бир турнинг иккинчи тур билан озиқланишидаги муносабат.

Тупроқ эрозияси – тупроқнинг табиий ёки инсон хўжалик фаолияти натижасида емирилиш жараёни. Табиий эрозия одатда жуда секин боради ва хавfli эмас. У сув ва шамол эрозияларига ажратилади.

Фотосинтез – ёруғлик энергияси ёрдамида органик моддалар синтезини амалга оширувчи оксидланиш-қайтарилиш реакцияси.

Экологик императив- табиат қонунларига бўйсунуш талаби.

Экологик инқироз- экологик система, табиат комплексидаги мувозанат ҳолатининг қайта тикласа бўладиган ўзгаришлар.

Экологик омил – тирик организмнинг мослашиш характериға жавоб берадиган ташқи муҳитнинг ҳар қандай элементи. Унинг абиотик, биотик ва антропоген турлари ажратилади.

Экосистема – организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан иборат табиий ёки сунъий антропоген мажмуи; ундаги тирик ва ўлик экологик таркибий қисмлар бир- бирлари билан чамбарчас боғланган.

Ўлик модда –В.И.Вернадский таълимоти бўйича, унинг ҳосил бўлиш жараёнда тирик модда иштирок этмайди.

Фаннинг таълим усулларининг ва техникаларининг хусусиятлари.

МАЪРУЗА

Маъруза - давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материални монологик баён қилиши.

Усулнинг асосий вазифаси - таълим бериш. *Белгилари:* қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги. Маърузалар муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкиллаштириш усулининг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- ✓ таълим олувчиларга маъруза мавзуси мақсади вазифалари ва режани эшиттириш;
- ✓ ҳар бир режани ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- ✓ маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ✓ ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- ✓ унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар билан маърузанинг тўғри келиши.

НАМОЙИШ

Намойиш - таълим олувчиларни объект ва ҳодисалар, жараёнларни уларнинг табиий кўринишда кўрғазмали-ҳиссий таништириш.

Бу усулнинг етакчи вазифаси - ўқитиш ҳисобланади. Биз намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар, ўзгарувчанликни очиб бериш учунгина фойдаланамиз, шу билан бирга бу усул таълим олувчиларни нарсаларни ташқи кўриниши билан унинг ички тузилиши ёки ўхшаш нарсалар қаторида тутган ўрни билан танишиш учун хизмат қилиши мумкин.

Намойишни кўриб чиқиладиган объектни ёзув тахтасида схемали расм чизиш ёки кўрсатиш, чизмаларни чизиб олиб бориш мумкин, бу намойиш этилаётган объект асосидаги тамойилларни тушунишни енгиллаштиради. Намойиш усулининг таълимий вазифаси самарадорлиги қуйидагиларни бажара олишни таъминлайди:

- объектларни тўғри танлаш;
- таълим олувчилар эътиборини намойиш қилаётган ҳодисанинг муҳим томонларига йўналтириш;
- таълим олувчилар намойиш қилинаётган объектни яхши кўришлари ва имкон бўйича на фақат кўз, балки барча сезиш аъзолари билан қабул қилиш;
- таълим олувчилар эътиборини имкони борича ўрганилаётган объектнинг муҳим томонларига жалб этиш;
- таълим олувчиларга ўрганилаётган объект сифатларини мустақил баҳолаш.

КЎРСАТИШ

Кўриш усули ахборотни кўпроқ кўргазмали кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениялар, шунингдек ахборотни дисплей билан акс эттирувчи компьютерлар бўйича қабул қилишга асосланади.

АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Китоб билан ишлаш усули: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш ва қизиқтириш вазифаларини бажаради.

- ўқув машғулотида сизнинг раҳбарлигингиз остида;
 - уйда мустақил;
- Уйда китоб билан ишлаш вазифасини ўқувчилар олдида қўйишдан аввал китоб билан мустақил ишлаш усулларига эга эканликларига ишонч ҳосил қилинг:
- унинг тузилиши билан танишиш;
 - кўз югуртириб чиқиш;
 - алоҳида бобларни ўқиш;
 - саволларга жавоб қидириш;
 - реферат ёзиш;
 - таянч конспектлар тузиш;
 - мантиқий тузилмавий чизмаларни тузиш;
 - мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;
 - назорат тестларини бажариш;
 - материални хотирада сақлаш.
- Агарда иш ўқув машғулотида олиб борилса, унда китоб бўйича ўрганадиган материални биз алоҳида қисмларга бўламиз ва уларни назорат қиламиз.

МАШҚ

Ўрганилаётган материални амалиётда қўллаш мақсади билан мунтазам ташкиллаштирилган кўп такрорланувчан ҳаракат.

Усулнинг *асосий вазифаси* - таълимий ва ривожлантирувчи.
Машқнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- махсус;
- шарҳлашга оид;
- ёзма;
- оғзаки;
- ишлаб чиқариш.

СУҲБАТ

Суҳбат – диалогли (юнонча: dialogos-икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув), таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўли.

Усулнинг етакчи вазифаси-қизиқтириш: мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини эслашга ва баён қилишга ҳаракат қилинади ва ўқитувчи раҳбарлигида бошқа таълим олувчилар билан муҳокама қилинади. Таълим олувчилар ўқитувчи билан бирга қадамма-қадам мустақил фикрлаш, яқунлаш, хулосалаш ва умумлаштириш йўли билан янги билимларни англайдилар ва ўзлаштирадилар.

Суҳбатнинг афзаллиги яна шундаки, у таълим олувчилар фикрлашини фаоллаштиради ва билим кучини ривожланишига ёрдам беради.

Суҳбатлар вазифасига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкиллаштирувчи (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни машғулотдаги ишга тайёрлаш);
- янги билимларни етказиш (дидактик вазифаси: таълим олувчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар билимларини тизимлаштириш, “мустаҳкамлаш”, эслаб қолиши ва фикрлаши).

Суҳбатлар ташкилий шакли бўйича ўқув ва “давра суҳбатига” бўлинади.

“Давра суҳбати” ўқув суҳбатидан эркин ҳолатда иштирокчилар жойлашиш тартиби ва асосийси, улар фикрини навбат билан билдириши билан фарқланади.

Энг муҳими саволларни тўғри шакллантириш ва бериш муҳим. Улар ўзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиши керак, ўрганилаётган савол моҳиятини очиб бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Саволлар мазмуни ва шаклига кўра таълим олувчиларнинг ривожланиш даражасига мос келиши лозим.

Эсда тутинг: осон саволлар фаол билиш фаолиятини рағбатлантирмайди, жиддий муносабат эса билишга рағбатлантиради.

БАХС (мунозара)

Бахс (мунозара) - аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули. Мунозара усули ҳамма вазифаларни

Бу усулдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ✓ янги билимларни шакллантиришда;

- ✓ таълим олувчилар у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, уларнинг моҳиятига киришни таъминлашда;
- ✓ таълим олувчиларни далил ва далилларга асосланган хулосалар орасидаги фарқни тушуниб етишга ўргатишда;
- ✓ ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;
- ✓ таълим олувчиларга шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишига ёрдам бериш.

Мунозара эркин бўлади, қачонки, у эркин ривожланса, бошқарувчан бўлиши мумкин. У фақат ўзлаштириши лозим бўлган мавзу ва саволларга тааллуқли бўлиши керак.

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” УСУЛИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Иштирокчилар ақлий ҳужум вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга ҳаракат қиладилар: уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий ғояларини юзага келтирадилар, сўнгра кўпроқ оқилона/самрали/мақбул ва бошқа ғояларни ажратадилар, уларни муҳокама қиладилар ва ривожлантирадилар, уларни исботлаш ёки қайтариш имкониятларини баҳолайдилар.

Бу усул ҳамма вазифаларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси - таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил тушуниш ва ечишга қизиқтириш ва уларда муомала маданияти, фикр алмашиниш малакаларини ривожлантириши, ташқи таъсир остида фикрлашдан озод бўлиш ва ижодий топширикни ечишда бирламчи йўл фикрларини енгиб ўтишни тарбиялайди.

Анъанавий таълимда вазифани ечиш вақтида кўпгина таълим олувчилар ўзларини ғояларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз таклифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли кўрқадилар.

Ақлий ҳужум қондаси:

1. Ҳеч қандай бирга баҳолаш ва танқидга йўл қўйилмайди!

Таклиф этилаётган ғояни баҳолашга шошма, агарда у ҳаттоки ажойиб ва ғаройиб бўлса ҳам –ҳамма нарса мумкин.

Танқид қилма-ҳамма айтилган ғоялар қимматли тенг кучлидир.

Ўртага чиқувчини бўлма!

Туртки беришдан ўзингни ушла!


2. Мақсад миқдор ҳисобланади!

Қанча кўп ғоялар айтилса, ундан ҳам яхши: янги ва қимматли ғояларни пайдо бўлиши учун кўп имкониятдир.

Агарда ғоялар қайтарилса, хафа бўлма ва ҳижолат чекма.

3. Тасаввурингни «жўш уришига» рухсат бер!

Баҳолаш тизими ва кичик гуруҳларда энг яхши ғояларни танлаш



Ақлий хужум усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Ф о л и я т	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1 - босқич Тайёргарлик	Ўқув машғулотида ақлий хужум ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини аниқлайди	
2 - босқич Кириш	Мавзунини эълон қилади, муаммо билан таништиради, уни ечишнинг излаш йўлини ва баҳолаш мезонини асослайди. Жамоавий ишлаш шароити ва ахлоқ қонидаси билан таништиради (эслатади). Иштирокчиларни 3-4 гуруҳга бўлади (АХ нижамоавий ўқитиш шароитида тўғри олиб бориш мумкин, лекин бу бошқарувни қийинлаштиради ва самарадорликни пасайтиради). Таълим олувчиларга руҳий қийинчилик ва кўрқувлардан қутулиш учун, мавзуга тўғри бориш билан боғлиқ бўлмаган, балки яқинроқ мавзудан олинган қутилмаган, қизик саволларга тез жавоблар излаш машқини ўтказди. Берилган муаммони эслатади ва бошлашга рухсат беради	Ҳар бир гуруҳ баҳо ва мақбул/самарали/оқилонга ғояларни қайд этиб бориши учун эксперт танлайди. Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар
3 - босқич Асосий	Кузатади, йўллайди, рағбатлантиради. Ўзини тортишувга аралашини, ўзини нуқтаи-назарини айтишга йўл қўймайди. Чидаш, чидамлилик, ҳайрон бўлмасликни намоён қилади. Керак бўлганда гуруҳни хайрихоҳлик билан иш ҳолатига қайтиради	Муаммони ечиш бўйича ғоя ва таклифларни айтадилар, экспертлар эса, уларни ёзадилар

	1 - вариант. Айтилган ғояларни экспертлар билан муҳокама қилишни, уларни таклиф этилган мезонларга мос ҳолда баҳолаш ва танлашни ташкиллаштиради. Муаммони ечиш учун танланган ғояларни экспертлар гуруҳи тақдимотини ва уларнинг муҳокамасини ташкиллаштиради.	Экспертлар ишлаётган пайтда, бошқа барча иштирокчилар мавзулар босқичи бўйича кроссворд ечадилар, ўқув ҳолатини муҳокама қиладилар. Экспертлар танланган ғояларни тақдим этадилар. Ушбу ғоя муаллифлари ҳимояни олиб борадилар
	2 - вариант. Ғояни алоҳида баҳолаш ва энг яхшиларини жамоавий танлашни ташкиллаштиради	
4 - босқич Яқун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш	Яқунларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қиладилар ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражаси ҳолатлари, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади	Ўз-ўзларини баҳолайдилар

И Н С Е Р Т У С У Л И (техникаси)

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт - матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи

- (√) - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;
- (+) - янги ахборот белгиси;
- (-) - мени билганларимга, зид белгиси;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

√	+	-	?

Маъруза машғулоти бўйича таълим технологияси ва харитаси
Мавзу: Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими. Сув хўжалиги ва экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими
Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулоти вақти 2 соат	Талабалар сони: 20 -40 нафаргача
<i>Машғулоти шакли</i>	Ахборот бериш асосидаги маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифалари. 2. ТИҚХММИ ни олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қўшган ҳиссаси 3. Экология соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш тизими. 4. Сув хўжалиги ва экология соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари
